

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАОЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНАЛИ МАННОПОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

*Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 43-
сонли мажлис баёни (2004 йил 26 июн) билан
нашрга тавсия этилган*

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2004

Масъул мухаррир: **Махмуджон Абдуллаев** - фалсафа фанлари доктори, профессор;
Илмий мухаррир: **Равшан Юнусов** - Ўзбекистон миллий консерваторияси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби;
Такризчилар: **Аозамжон Умаров** - «Муסיкий таолим ва халқ ижодиёти» кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент;
Рахматжон Турсунов - бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор.

Ўзбекистон халқ артисти, Фарғона давлат университети профессори Султонали Манноповнинг мазкур рисоласида маънавиятимизнинг муҳим таркибий қисми бўлган муסיқа маданиятининг мазмуни, моҳияти ва тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр юритилади ҳамда аждодларимиз бизга мерос қилиб қолдирган бой муסיкий маданиятимиз тарихига назар ташланади. Буюк истиқлол шарофати билан мустақиллик йилларида муסיкий маданиятимиз ривожига илмий тавсиф берилади.

Мазкур ўқув қўлланмада аноанавий ижрочилик ва мақом асосларига алоҳида боблар ажратилган бўлиб, у олий ўқув юртлари ва санъат коллежларининг ўқитувчи ва талабаларига ҳамда муסיқа санъатига қизиқувчи, анъанавий ижрочилик ва мақом асосларини ўрганувчи тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

В данном пособии народного артиста Узбекистана профессора Ферганского государственного университета Султонали Маннопова раскрывается сущность музыкальной культуры, её значение для воспитания молодого поколения.

Ученый проводит экскурс в богатую историю музыкальной культуры.

Даёт научное обоснование музыкальной культуре, получившей своё развитие в годк независимости. Отделёнке главк посвящёнк традиционному исполнению и основам макома.

Учебнке пособие написано для преподавателей и студентов высших учебнкх заведений, колледжей искусств, исследователей традиционного исполнения и основ макома и для широкого читателя.

In this manual of the national actor of Uzbekistan of the professor of the Fergana State university Sultonali Mannopov it's opened the essence of musical culture. It is the important part of spirity and it has matter for bringing up of young generation.

The scientist describes a rich history of musical culture, gives a scientific substantiation to the musical culture which has received it's development within independence.

The separate chapters are devoted to traditional performance and bases of macom.

The educational manual is written for the teachers and students of higher educational institutions, colleges of arts, researchers of traditional performance and bases of macom, and for the wide readers.

«XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради»

И.А.Каримов

К И Р И Ш

Миллий уйғониш даври деб тан олинаётган бугунги кунимиз мустақил Ўзбекистон тарихида янги даврни бошлаб берди. Қисқа давр ичида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг мутлақо янги сиёсий асослари яратилиши билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалар ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ана шундай уйғониш даврида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мустақиллик билан боғлиқ барча ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар қаторида инсон, айниқса ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифатига, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор берди. Зотан, маънавий маданиятсиз ва санъатсиз миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўтармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий-тарихий муносабатларни ва янги дунё-қарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён бўлди.

«Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, - деб ёзади Президент И.А.Каримов, - аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган нихоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишидан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз».

Ўзбекистонда янги маънавий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини жадаллаштирмоқда. Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш санъатнинг барча соҳаларида бўлганидек, муסיқий санъатда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Миллий тафаккурдаги туб янгиланишлар маънавиятимизнинг асосий ўзаги бўлиши ва уни ижтимоий онгнинг бугунги даражасига мувофиқ янги талаблар асосида баҳолаш заруриятини тақозо этмоқда. Бу борада юқоридаги фикрлардан

келиб чиққан холда мустақиллик йилларидаги санъат ривожига берилган баҳо сифатида чоп этилган «Ўзбекистон санъати» номли йирик нашрни мисол қилиш мумкин. Ушбу китобнинг «Муסיқа санъати» деб номланган бобида халқ муסיқа ижодиёти, мумтоз муסיқа, созандалик, бастакорлик ва композиторлик ижодиёти, эстрада санъатининг ўтган даврдаги тахлили ёритилган бўлиб, муסיкий маданиятнинг ҳар бир соҳасига қисқача тўхтаб ўтилган.

Сизга ҳавола қилинаётган ушбу рисолада юқоридаги фикрларга ёндашган холда маънавий маданиятнинг муסיқа билан боғлиқ жиҳатларини, тушунча ва моҳиятини, муסיқанинг таъсирчанлик хусусиятларини ва жанрларини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинди. Зеро, бугунги кунда ёшларнинг маънавий тарбиясида муסיқанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Техникавий ривож босимида жадаллаб бораётган ва ўз таъсирини ўтказётган муסיкий тараққиёт оқимининг ёшларга таосири ўз кучини кўрсатмоқда. Шу сабабли асрлар бўйи ота-боболаримиздан бизгача етиб келган муסיкий маданиятимизни асраган, анонавий қўшиқчилик ва миллий муסיқа бойлигимиздан фойдаланган холда бугунги замон руҳига мос муסיқалар яратиш, жаҳон классик муסיқа санъатидан унумли фойдаланиш, миллий эстрада руҳида қўшиқлар яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Баркамол инсон тарбиясида, айниқса, ижтимоий ҳаётда, ёшлар тарбиясида муסיқанинг ўрни ва аҳамиятини тўғри тахлил қилиб, муסיқанинг таосирчанлик кучига баҳо беришда аниқ, равшан услубий режалар асосида иш кўришни тақозо қилмоқда. Ушбу ўқув қўлланма ҳам шу фикрларга асосланган бўлиб, озгина бўлса-да, шу йўлда қўйилган дастлабки қадамдир.

Иккинчи томондан, халқимизнинг инсоният маданий тараққиёти тарихида тутган ўрнини, жаҳон маънавий хазинасига қўшган хиссасини, улуғ аجدодларимиз яратган маданият ва санъат бойликларини, муסיкий маданиятнинг келажак авлодга ўз ҳолича етказиш, бугунги кунда ушбу маънавий бойликларни истиқлол мафкураси манфаатлари йўлида хизмат қилдириш ва ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш барча маънавият ахлининг муқаддас бурчидир. Бу йўлда собитқадамлик билан ижод қилиш тақозо қилинади.

I БОБ

МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУНИ ВА МОХИЯТИ

Маданиятнинг жуда кўп таъриф ва талқинлари мавжуд бўлиб, уларни маданиятшунослик фани ўрганади ва инсонларнинг ижтимоий-маданий тараққиёт жараёнларида, тарихий ривожланиш даврида тутган ўрни ва жihatларига қараб мазмун моҳиятини белгилайди ва илмий асослаб беради. Маданиятни ижтимоий ходиса, деб қараш кенг ёйилган. Унинг тараққиёт қонунларига, ривожланиш омилларига, инсон тафаккурининг махсулига алоҳида ўрғу берилади.

«Маданият» атамаси арабча сўз бўлиб, «Мадина» - «шаҳар» деган маънони англатади. Иккинчи яна бир «ранг-баранг» деган маънони ҳам касб этади. Пайғамбаримиз Мухаммад Расулulloх (С.А.В.) Маккадан Мадинага хижрат қилганларида, бу шаҳарнинг эски номи Ясриб бўлиб, пайғамбаримиз келишлари муносабати билан «Мадина ан-набий» (Пайғамбар шаҳри) деб атала бошлаган.

Шунинг учун ҳам унинг тўб маъносида аниқ ижтимоий ходисалар, воқеа ва жараёнлар, табиат билан инсон орасидаги боғлиқлик, тараққиёт қонунлари ётади. Инсон меҳнатининг махсули у яратган тафаккур дурдоналари «маданият», сифатида қабул қилинади ва тарихга муҳрланади.

Жаҳон тарихи манбаларида маданиятнинг 300 га яқин атамалари ва таърифлари мавжуд бўлиб, буларнинг барчасининг замирида инсон тафаккури махсули ётади.

Дунё халқлари маданиятининг ранг-баранг талқин этилиши ушбу атамалар ва таърифларда ўз ифодасини топади. Маданиятшуносликда маданиятни фан нуқтаи назаридан талқин этилишида турли хил назариялар, изоҳлаш усуллари, уларнинг илмий ва услубий жараёнларига асосланиб, илмий ёндашган ҳолда ўрганилади. Барча маданиятлар замирида инсон меҳнати ётади. Чунки маданий махсулот инсон учун яратилади, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш хусусиятига эгадир. Шунинг учун ҳам маданиятни инсонлар томонидан дунёни ўзлаштириш деб тушуномқ даркор бўлади. Инсон томонидан яратилган маданий

бойликлар инсон ўзгартириши лозим бўлган ўзига хос объектдир. Бу бойликларни ўзлаштириш жараёнида шахснинг маонавий дунёси бойийди.¹

Маданиятшунослик фани маданиятнинг асосий талқинларини кенг миқёсда шархлаш билан бирга унинг асосий таркибий қисмларини ҳам аниқ, равшан қилиб белгилаб беради. Чунки маданият назарияси ана шу унсурлар билан мустахкам боғланган бўлиб, унинг замирида маданиятларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги ётади.

Маданиятшунослик фани ўрганадиган маданият ҳар бир ўз соҳасинининг устивор йўналишларини илмий нуқтаи-назардан таҳлил қиладиган, ўз муаммоларини аниқ назарий дастур асосида ҳал этадиган соҳалар ҳақида қисқача маълумот бериш жоиздир.

Маданиятнинг яхлит тизимида икки катта соҳа ажралиб чиқади. Булар ўз мазмун - моҳиятига кўра **моддий** ва **маонавий** маданиятлардир.

Моддий маданият меҳнат ва ишлаб чиқариш, турмуш ва табиатга муносабат масалаларини ўз ичига олади. Маонавий маданият эса инсон маонавий оламининг барча жабҳаларини ўзида акс эттирадиган ижтимоий борлиқ тушунчасидир. Маонавий маданият - фан, санъат, адабиёт, фалсафа, ахлоқ, маориф ва бошқа ижтимоий кўринишларнинг ўзига хос йиғиндисидир. Бундан ташқари, маданиятшуносликда маданият қуйидаги қолган таркибий қисмларга бўлинади:

Сиёсий маданият - сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият шаклида намоён бўлади ва шахснинг, гуруҳларнинг сиёсий ҳаётдаги ўрнини белгилайди. Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти қуришнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Концепция сиёсий маданиятимиз мазмунини ташкил этади. Жамият сиёсий маданияти даражаси унинг мавжуд сиёсий институтлар, сиёсий партиялар ва ташкилотлар фаолиятига тўғри сиёсий баҳо бериш билан ҳам ўлчанади.

Иқтисодий маданият - унинг моҳияти, мазмуни шундан иборатки, инсонлар ўз иқтисодий билимлари, эотиқодлари, амалий фаолиятларининг бирлиги тушунилади. Бунда инсон иқтисодий онги, фаолияти, муносабати билан шу жараённинг ичига киради.

¹ М. Усмонов. «Маданият ва ахлоқ», 10- бет. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1986 йил.

Мустақиллик туфайли иқтисодий маданиятнинг мазмуни ва моҳиятида туб ўзгаришлар юз берди. И.А.Каримов ёзган эдики, «Мулкчилик, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш омиллари, бошқаришнинг бозор ва режали тартибга солиш механизмлари, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаси ва ижтимоий йўналтирилган фаолият каби бошқа тушунчалар умуман янги мазмун касб этмоқда» (И.А.Каримов, «Биздан озод ва обод ватан қолсин». Тошкент, 1994, 3- бет.)

Иқтисодий одоб - бу инсоннинг иқтисодий фаолияти жараёнида амалга ошириладиган изчил маонавий - ахлоқий хатти - ҳаракатлари мажмуидир.

Мехнат маданияти - бунда инсон меҳнати назарда тутилади. Меҳнат маданияти қадимдан инсоният маданий ва маонавий тараққиётининг муҳим омили бўлиб келган. Меҳнат маданияти инсон шахсининг камол топиши билан узвий боғлиқдир. У озод, эркин ва ихтиёрий меҳнат табиатидан келиб чиқади. Меҳнат маданияти шахс маонавий маданиятининг мезони сифатида гавдаланади.

Меҳнат маданияти мазмунига меҳнатни ташкил этишни билиш ва уни ташкил этиш киради. Жумладан, ижодий ишлашни уюштириш катта маҳорат, энг юқори самара ва сифат билан ишлашни талаб қилади. Ўзбекистонда қарор топаётган бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат маданияти ривожланишининг обьектив асослари вужудга келмоқда.

Ахлоқий маданият - ахлоқий маданият ахлоқ тушунчаси ва маноси билан боғлиқдир. Фақат ахлоқ тушунчасида яхшилик ва ёмонлик, савоб ва гуноҳ, ҳалол ва ҳаром ёнма - ён бўлса, ахлоқий маданият ўзида салбий ҳолатларни акс эттирмайди. Ахлоқий маданият инсонларнинг яхши хулқи, ахлоқий фазилатлари, инсонийлик қирралари, яхши урф-одатларига амал қилиш билан ўлчанади. Ахлоқий маданият кенг маонода ҳар бир шахс, жамият, миллат ва халқ хулқида қарор топган, уларнинг турмуш тарзига, урф- одатларига айланган ахлоқий фазилатлардир. Ахлоқий маданият - эркин тафаккур, мустақил фикрлаш маҳсулидир.

Мамлакатимиздаги демократик жараёнлар натижасида халқимиз руҳияти, дунёқарашида, ахлоқий тасаввур ва фикрлашларида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Мустақил тараққиёт йўлига

ўтишимиз жамиятимиз ахлоқий маданиятини кўтариш учун кенг ва нақд имкониятлар яратмоқда.

Хуқуқий маданият - ҳар бир жамиятда халқнинг хуқуқий маданиятини юксалтириш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, хуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган бизнинг жамиятимизда ҳам хуқуқий маданиятнинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида президентимиз И.А.Каримов шундай фикр юритади: «Хуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, хуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ- ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Хуқуқий маданият дегани - турли можароларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир!».²

Фалсафий маданият - фалсафий билимларнинг шахс эотиқодига айланиши, шахсий ва ижтимоий ҳаётда улардан фойдалана олишдан иборат бўлиб, у билимлар, эотиқодлар ва шахс амалиёти йиғиндисидир. Фалсафий маданият турли кўринишларда намоён бўлади: идеалистик фалсафа, материалистик фалсафа, механистик фалсафа, метафизик фалсафа, диалектик фалсафа, илмий фалсафа ва ҳоказо.

Фалсафий маданият маонавий маданиятнинг таркибий қисми бўлишига қарамай, шаклланишининг ўзига хос йўли мавжуд. Фалсафий маданият замирида энг аввало инсонийлик ва инсониятга бўлган муҳаббат ётади. Айниқса, ёшлар ҳаётида шу қадар муҳим аҳамиятга эгаки, уларни ижодиётга, мустақил фикрлашга, ташаббус кўрсатиш ва фаолликка ундайди.

Педагогик маданият - шахснинг таолим ва тарбияга оид қараши, тажриба ва муносабатларининг йиғиндиси педагогик маданият дейилади. Таолим ва тарбияга оид назарий ва амалий билимлар шахснинг педагогик қарашлари асосини ташкил этади. Педагогик маданият кенг маонода инсон онгли фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олганлиги туфайли у маонавий маданиятни (ахлоқий, нафосат, сиёсий, иқтисодий ва ҳоказо) ўзида бир бутун акс эттириш ва таолим тарбия нуктаи назаридан яхлит ҳолда ифодалаш хусусиятига эга. Педагогик тажриба шахснинг таолим-тарбияга оид кўникма ва малакалари тизимидир. Педагогик тажриба

² И.А.Каримов. Ватан саждагоъ каби муъаддасдир. Тошкент, 189- бет.

одатда, шахснинг мустақил ўқитувчилик фаолиятида таркиб топади ва такомиллашади. Унинг юқори даражаси педагогик маҳорат дейилади.

Эстетик маданият - кенг қамровли бўлиб, эстетик фаолият билан боғланган муносабат ва қадриятлар тизимини ифода этади. Эстетик маданият жамият маданиятининг бир қисми бўлиб, унинг мазмунини санъат ва эстетик муносабатлар ривожланиши характерлайди. Эстетик муносабат ва унга мувофиқ келадиган эстетик қадриятлар тизими эстетик маданиятнинг барқарор унсурлари ҳисобланади.

Санъатдаги эстетик мақсад, гўзаллик ва мукамаллик ягона мақсад ҳисобланади. Эстетик маданиятнинг санъат орқали намоён бўладиган фаолияти туфайли инсонни тарбиялаши, курашга чорлаши, фикрини уйғотиши, ҳис туйғуларига таъсир этиши, қўлдириши ёки йиғлатиши мумкин. Бадий маданият эстетик маданиятнинг ўзаги ҳисобланади. Эстетик маданиятнинг тузилиши кўп қатламли бўлиб, эстетик онғи, эстетик моментларни, эстетик тарбияни ўз ичига олади. Миллий мустақиллик шароитида маънавий маданиятнинг барча унсурлари сингари эстетик маданиятнинг ҳам аҳамияти ошиб боради.

Диний маданият - инсон руҳининг озиғидир. Инсоният ўз тараққиёти даврида турли динларга эътиқод қилиб келган. Илоҳий кучлар орқали табиатдан кўмак сўраганлар. Жаҳонда энг кўп тарқалган динлар учта: буддавийлик, христианлик, ислом. Дунёдаги барча динларнинг ўзига хос маданияти, одоби мавжуд бўлиб, ўз нуқтаи назарларидан, миллий, этник, тил, ирқ, туғилган жой, яшаш шароитлари билан узвий боғлиқдир. Барча динлар орасида ислом дини ўзининг алоҳида одобига, маданиятига эга. Ислом дини маънавийтимизнинг ажралмас бўлагидир. Ота-онага ҳурмат, мулоҳима бўлиш, бировнинг кўнглини ранжитмаслик, инсофли бўлиш, гўзал ахлоққа, одобга эга бўлиш сингари қатор инсоний фазилатлар диний маданият тарзида турмушимизга, маданиятимизга кириб келди.

Мустақиллигимизнинг илк қадамлариданоқ диннинг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни оқилона белгилаб олинди. Ўтган давр мобайнида бу жараён кенг миқёсда амалга оширилди. Умуман олганда, маданиятнинг жуда кенг қамровли кўринишлари унинг мазмун ва моҳиятини етарли даражада очиқ беради. Хулоса қилиб

шунини айтиш мумкинки, маданиятнинг мазмун ва мохияти кенг маонода кишиларнинг жисмоний ва ақлий меҳнати жараёнида уларнинг ранг-баранг моддий ва маонавий эҳтиёжларини қондириш учун яратилган барча нарсалар тушунилади.

Ўзбекистонда демократик, эркин, фуқаролик жамияти қуришнинг Президент И.А.Каримов ишлаб чиққан беш тамойили маданий давлат барпо этишнинг ҳам мохиятини ташкил этади. Табиийки, яратилаётган давлатнинг ўзи маонавий маданиятнинг махсули ҳамдир. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир: «Ватан тарихи ва маданияти, жўғрофияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таолим-тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларни ўқитишга муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи керак.»³

Мустахкамлаш учун саволлар

1. Маданият деганда нимани тушунаси?
2. Маданиятнинг мазмун ва мохияти нимадан иборат?
3. Маданият қандай таркибий қисмларга бўлинади?
4. Эстетик маданият ҳақида тушунчангиз?
5. Моддий ва маонавий маданиятнинг фарқи нимада?
6. Диний маданият ҳақида фикрингиз қандай?
7. Маданиятнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Назорат учун мавзулар

1. Маданият - ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми.
2. Маданият фалсафасининг мазмуни ва мохияти.
3. Маданиятнинг ўзаги ва таркибий қисмлари.
4. Эстетик маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари.

³ И.А.Каримов. Ватан саждагоъ каби муъаддасдир. Тошкент. «Ўзбекистон», 1995, 55, 204- бетлар.

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ ХАЁТДАГИ ЎРНИ

Ўзбек халқининг мусиқа маданияти жуда узоқ тарихга эга. Тарихий тараққиёт давомида халқ мумтоз мусиқаси, аноанавий касбий мусиқа, халқ бастакорлик йўллари, шунингдек, фолклор - хаваскорлик мусиқий мероси сингари шаклан ва услубан бири-бирига яқин ижрочилик кўринишлари бир-бирини тўлдириб келди. Ушбу мусиқий меросимиз бугунги кунимизда ҳам маонавий маданиятимизнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлмоқда.

Мустақиллик шарофати билан миллий-маонавий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, унутилаёзган, тарихан қадрли аноаналаримизга бўлган эотибор, уларни янгидан ислох этиш жараёни устивор йўналиш касб этди.

Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маонавий бойлигимизга бўлган эотибор давлат миқёсига кўтарилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ота-боболаримиздан, аждодларимиздан қолган маонавий бойликларни, жумладан, мусиқий маданиятни авайлаб асраш, тиклаш борасида, қолаверса, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаш борасида талайгина ишлар қилинди. Бу борада ўтган аждодларимиз бизларга мерос қилиб қолдириб кетган улкан маонавий бойлигимиз асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихдан маолум, маънавиятимизнинг асосий бўғини бўлган мусиқий маданиятимиз, аноанавий қўшиқларимиз, мақом ижролари ҳамиша халқимизнинг кундалик ҳаётида маонавий озуқа сифатида эотироф этиб келинган. Халқ оғир кунларида мусиқадан нажот излаган, хурсандчилик кунларида ҳам қўшиқ ва мусиқа уларга ҳамроҳ бўлган.¹

Зеро, бугунги муборак мустақилликка эришган кунимизда, ўзлигимизни англаб бораётган бир даврда улкан маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган миллий мусиқий маданиятимизга суяниш, аноанавий қўшиқларимизга мурожаат қилиш табиий бир ҳолдир. Буларнинг барчаси баркамол авлод тарбиясида, ёшларнинг маонавий дунёқарабини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўшланманнинг мазкур бобини тайёрлашда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат арбоби, профессор Равшан Юнусов материалларидан фойдаланилди.

Аноанавий мусиқа ва кўшиқларимиз одамларни ҳамиша иймонга, меҳр-оқибатга, одамийликка чорлаб келган. Бугунги кунда ҳам шу долзарблигини йўқотмаган ҳолда мустақилликка, меҳнаткашлар онгини шакллантириш йўлида, баркамол авлод тарбиясида восита сифатида асосий омиллардан бўлиб қолаверади.

Ашула, мусиқа, рақс, фолклор ижрочилиги санъати миллий мусиқа санъатининг халқ ҳаёти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва ривожланиб келган қадимий санъат турларидан ҳисобланади. Айниқса, халқимизнинг аноанавий руҳдаги кўшиқлари ўлмас мерос бўлиб, барча даврлардагидек бугун ҳам «лаббай» деб жавоб бермоқда. Лекин шу билан бир қаторда фақат тарихга сажда қилмай, бугунги куннинг руҳига мос тарзда кўшиқлар яратиш эса миллий мафкурамизни ривожлантиришда бош омиллардан бўлмиш мусиқий санъат билан шуғулланаётган барча мутахассис ва санъаткорларга муҳим вазифа қилиб қўйилиши табиийдир. Мамлакатимиз тамомила янги ҷамият, янги турмуш ва янги ҳаётни бошлаб юборди. Одамларимиз қалби, тафаккури ва тасаввурида ўзгаришлар пайдо бўлди.

Президентимиз таокидлаганларидай, маънавият масаласи миллат тарихи, ахлоқий ва диний қадриятлар, маданий мерос, аноана ва расм- русумлар, миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, миллий ўзликни англаш сингари жуда кўп омилларни ўз ичига олади ва пировардида, инсон шахсини белгилашда асосий мезон вазифасини бажаради.

«Халқимизнинг келажаги, - деб ёзади Ислом Каримов, - энг аввало, унинг ўзига, маонавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маонавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маонавийлик ва маорифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига ҳос хусусияти бўлиб келди».

Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, маонавий жабҳаларнинг барча йўналишлари ўзларининг мақсад ва вазифаларини белгилаб олишлари зарур бўлади. Айниқса, бу жабҳада мусиқий маданиятнинг маонавий ҳаётдаги ўзига ҳос ўрнини баҳолаш, унинг таосирчанлик кучини мустақиллик мафкураси томон йўналтириш унинг бош мезони эканлигини англаш муҳимдир. Маданий ҳаётда бугунги кунда шу тамойилга кўра силжишлар кузатилмоқда.

Ижодкорларнинг фикри- зикри ана шу тамойиллар йўлига йўналтирилган десак, хато қилмаган бўламиз.

Муסיқий маданият ўзининг серқирралиги билан ажралиб туради. Айниқса, ўзининг чуқур илдизлари қадимги даврларга етиб борадиган ўзбек халқининг бой муסיқа мероси хозирги кундалик ҳаётимиздан ҳам тушгани йўқ. У халқ ижодининг юксак намуналари, фолклор ижрочилиги, куй тузилиши, мазмунан ривожланган чолғу ва ашула асарлари, дostonлар ижрочилиги ҳамда мураккаб ижрочилик туркуми аталмиш мақом муסיқасини ўз ичига олади. Бундан ташқари, халқ муסיқий маданиятида ўзларининг барча даврларда сезиларли хиссаларини қўшиб келаётган халқ бастакорларининг ижоди ҳам салмоқли ўрин тутади.

XIX аср охирларига келиб ўзбек муסיқий маданиятида ўзгаришлар даври бошланди. Бу албатта, Туркистон ўлкасини Россия томонидан истило қилиниши билан боғлиқдир. Бу борада икки томонлама қараш билан ўрганмоқ зарур бўлади. Чунки баози бир ҳолларда миллий муסיқа маданиятимизга салбий таосирини кузатсак, иккинчи томондан, ўзига хос ривожланиш даври бўлганлигини ҳам эотироф этиш зарур бўлади. Чунки нота ёзувининг кириб келиши, ўлкамизда миллий муסיқа санъатимизни илмий равишда ўрганиш, фолклор ва этнография соҳасидаги ривожланишга сезиларли таосир этди.

Бу борада В.А. Успенский, Е.Е. Романовская, Н.Н.Миронов сингари муסיқашунос ва этнограф олимларнинг меҳнатларини айтиб ўтиш зурур бўлади. Илёс Акбаров, Мутал Бурхонов, Юнус Ражабий, Толибжон Содиков, Мухтор Ашрафий сингари муסיқамиз дарғалари улардан сабоқ олдилар. Бундан ташқари, жаҳон муסיқий маданиятининг дурдоналари саналмиш фортопиано сози, опера ва балет, симфоник ижро, жаҳон классик муסיқий созларининг кириб келиши муסיқий маданиятимизнинг ҳар томонлама серқирра ривожига салмоқли хисса қўшди. Натижада, ўзбек халқ муסיқалари, қўшиқлари, мақомлари жой олган 20 жилддан ортиқ китоблар дунё юзини кўрди.

Сўнгги 130 йил ичида муסיқий маданиятимиз мураккаб, кескин зиддиятларга, ижобий ва салбий кўринишларга тўла тарихий даврни бошидан кечирди. Ана шу ҳолатларга қарамай, ўтган даврлар мобайнида илм фан, санъат, жумладан, муסיқий маданият соҳасида фахрланишга арзигулик ишлар амалга оширилганлигини

эотироф этиш зарур. Якқол мисол сифатида муסיқа ижодиёти, ижрочилиги, муסיқа илми, таолими сингари сохаларни олиш мумкин.

Шу ўтган даврларнинг салбий оқибатлари сифатида хаётимизнинг ўта сиёсийлаштириливи, миллий қадриятларимизни менсимаслик, унинг топталишига йўл қўйилиши, халқчил йўналишларга беписандлик муносабатида бўлиш, азалий халқаро маданий алоқалар ривожланишига суноий тўсиқлар қўйилиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Хозирги замон ўзбек муסיқа ижодиёти сержабха ва кўлами кенг, услубан бой ва ранг-баранг, ривожланган ва шиддатли жараён сифатида гавдаланади. Зотан, муסיкий маданиятимиз жуда қадим, бетакрор ва ноёб аноаналарга эга бўлгани холда, замона зайли билан янгидан-янги йўналиш, шакл, жанр, услублар билан янада бойиб бормокда. Демакки, асрлар оша бизгача етиб келган ардоқли навобахш меросимиз қатори бир неча авлод ижодкорларининг кўркем муסיкий аноаналари маданий-маонавий мулкимизга айланди. Хар қандай санъат тури хар хил воситалар орқали хаётий воқеликни акс эттиришга қодир экан, сўнгги юз йиллик мобайнида Ўзбекистон муסיқасининг ривожланиши нечоғлик мураккаб ва ўзгарувчан ижтимоий шароитларда кечганини якқол тасаввур қилиш мумкин. Хусусан, 20-йиллардан эотиборан композиторликка хос ифода воситаларининг изчил жорий этила бошланиши муסיкий маданиятимизда муסיқа ижодкорлигининг янги тизими барпо этилишидан далолат берди.

Табиийки, тез орада ўзбек халқ ижодиёти, аноанавий бастакорлик ҳамда хаваскорлик сингари ўзаро чамбарчас боғлиқ қатламлар билан узвий боғлиқ равишда миллий қадриятларимизга, «ноаноанавий» композиторлик ижодкорлиги мухим тармоқ сифатида кўшилади. Умумбашарий маданий тараққиётга мос равишда мазкур жабха ўлкамизда тарихан жуда қисқа муддат ичида узил-кесил шаклланиб, самарали ривож топганини алохида эотироф этиш лозим.

Ғарбий ва Шарқий Оврупа мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланибгина қолмай, ўзгача яратувчанлик қонун-қоидаларини ўзлаштириш, уни ўзбек халқ муסיқасининг бой имкониятлари билан мохирона пайванд қилиш мақсадида илғор композиторларимиз

нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ минтақаси доирасида улкан ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Янгича мусиқий услубда ноёб замонавий асар яратиш, жаҳон халқлари мусиқаси ривожланишини ҳисобга олиб, тобора янгидан - янги ижодий уфқларни очиб бериш билан тавсифланувчи байналминал жараёнга Ўзбекистон ўз муносиб улуши билан дадил кира олди. Касбий улғайиш босқичларини тезкорлик билан ўтаб, ҳар томонлама етуклик палласига кўтарилиши билан «Ўзбек композиторлик мактаби» дунё мусиқа маданиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга интилди.

Асосан XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган ана шундай ижодга мойиллик даражаси илгари айрича ҳолда бўлган икки тоифадаги мусиқий тафаккур аносаларининг ўлкамизда узвий муштараклигига эришилганлиги билан ҳам характерланади. Шу боисдан кўп овозлик услуб ила бунёд этилган турли жанрлардаги бадиий жихатдан баркамол, мумтоз асарлар маонавий кадриятларимизнинг жаҳоншумул салоҳиятини янада оширди.

Мусиқий маданиятимизнинг янги йўналиши бўлган ўзбек симфоник мусиқаси 70-80-йилларда пешқадам сафга чиқиб олганини эслаб ўтайлик. Бу ўринда республикамизда, қўшни ва қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган нуфузли маданий тадбирлар, концерт, кўрик-танлов ҳамда фестивалларда катта муваффақият билан ижро этилган ўзбекона поэмалар, сюиталар, увертюралар, фантазиялар, чолғу концертлар ва симфониялар халқаро мусиқа жамоатчилиги диққат-эотиборини қайта-қайта ўзига жалб қилган.

Бугунги кунда ўзбек мусиқа санъати нафақат асл аносанавий кўринишларида, балки композиторлик йўналишларида ҳам халқаро миқёсда тобора кенгроқ тан олинмоқда. Бу маонода соф чолғу мусиқаси, хусусан, унинг анча мураккаб саналмиш симфоник ижодиёти алоҳида эотиборга молик. Эндиликда республикамиз композиторлиги шунчаки хилма хил мусиқа жанрларида ёзиш ва изланиш тажрибаларидан иборат бўлмай, балки ноёб аносаларига, мумтоз намуналар хазинасига эга сермахсул оқимдир. Уни турли йилларда халқчил куй оҳанглар заминида яратилган ноёб ва бетакрор асарлар ташкил этади. Зеро, ҳар қандай андозада басталанган мусиқанинг миллийлик, бадиий баркамоллик, ўзига

хослик, мазмундорлик, таосирчанлик каби фазилатлари хамиша кадрлидир.

Юксак касб махорати, теран билимдонлик, нозик дид билан кўхна миллий аноаналарга таяниб яратилган асарларнинг умри боқийлигини биргина ўзбек симфоник мусиқаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Жумладан, 30-йилларнинг иккинчи ярмида яратилган Алексей Козловскийнинг овоз ва симфоник оркестрига мослаштирилган эхтиросли «Тановар» поэмаси, «Лола» сюитаси, Рейнголд Глиернинг «Фарғона байрами» шодиёна увертюраси тингловчиларга хамон олам-олам завқу шавқ бағишлаб келмоқда. Симфоник оркестр иштирокида ижро этишга мўлжалланган ўлмас кашфиёт даражасидаги асарлар орасида Мутал Бурхоновнинг яккахон, хор ва симфоник оркестр учун «Алишер Навоийга қасида»си, Мухтор Ашрафий, Георгий Мушелр, Сулаймон Юдаковларнинг қатор симфоник асарлари, Дони Зокировнинг «Лирик поэма»си, Борис Надеждиннинг «Болаларга» сюитаси, Икром Акбаровнинг «Шоир хотирасига», «Эпик поэма»лари, «Самарқанд хикоялари» туркуми, Сайфи Жалилнинг «Самарқанднома» симфонияси, Тўлқин Қурбоновнинг симфоник куйлари, Мирсодиқ Тожиевнинг «Шоир севгиси» поэмаси ва 19 та мухташам симфониялари, Мирхалил Махмудовнинг 3 та симфонияси, Нурилла Зокиров, Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Хабибулло Рахимов, Бахрулло Лутфуллаев ва бошқа ижодкорларнинг ютуқлари мусиқий маданиятимиз равнакига муносиб хисса бўлиб қўшилди.

Заминимиздаги мусиқа санъатининг ривожини уч минг йилга бориб тақалади. Ўтган бу залворли даврлар мобайнида мусиқий маданиятимиз жуда кўп марта ўзининг узоқ ривожланиш даврини босиб ўтди ва халқимиз маонавий бойлигининг негизи сифатида эзгулик ва тараққиёт учун хизмат қилди. Шунинг учун ҳам биз жуда бой, ранг-баранг, кўлами кенг, услубан хилма хил, қиймати чин маонода бебаҳо даражали улугвор мусиқий меросга эгамиз.

Ўрта асрларда фақат мумтоз ижодкорлик қатламида «Ўн икки мақом»дек мухташам тизим, унинг негизида шаклланиб бизгача етиб келган Бухоро ва Хоразм мақом туркумлари, Фарғона-Тошкент мақомлари, аноанавий ижрочилик ва сурнай йўллари, халқ бастакорлик ижодкорлиги, мусиқий дostonчилик санъати мусиқий маданиятимизнинг сарчашмалари сифатида бахраманд қилиб келмоқда.

Миллий чолғуларимизнинг тоифалари кўплиги, турфа якка ва жўрнавозлик ижро аноаналарининг ўзига хослиги бўйича миллий муסיқа санъатимизга дунё узра тенг келадиганини топиш қийин. Шарқ муסיқа илмининг асосчиси деб бутун жаҳонда тан олинган ватандошимиз Абу Наср Форобий, буюк алломаларимиздан Абу Али ибн Сино, Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Зайнулобиддин Хусайний, Кавкабий Бухорий, Дарвиш Али Чангий ва бошқалар шарқона жаҳоншумул аҳамиятга молик ноёб назарий ва эстетик қарашларни ишлаб чиққан ҳолда мумтоз муסיқий асарларнинг ҳам муаллифи сифатида кенг танилгандирлар.

Ана шундай халқчил ва устозона қатламлар орқали бизгача етиб келган муסיқий маданиятимиз туфайли тарихан жуда қисқа муддатларда Ўзбекистонда янада янгича, кўп овозли миллий композиторлик ижодиёти узил - кесил шаклланди, ўз қиёфасига эга бўлди, жадал раванқ топди. Бунда халқ муסיқамиз, айниқса, мақомчилик аноаналари фақат ҳаётбахшликни таоминлабгина қолмай, балки махсулдор замин бўлиб хизмат қилди.

Маолумки, улуғвор мақом санъати миллий маонавий мулкимизнинг энг қимматли ва ардоқли хазинасидир. Унинг асл намуналаридан неча-неча авлодлар баҳраманд бўлиб келишмоқда. Хатто кенг кўламли тарғибот учун расман тақиқланган пайтларда ҳам мақомларнинг мавқеи, амалий-ҳаётий моҳияти сақланиб қолаверди. Халқимизнинг юксак онги, диди, рухий талаб ва эҳтиёжларига бастакорлик ижодиёти, устозона хофизлик ва созандалик ижрочилиги маонавий озуқа бериб келган. Шу боис бундай санъат усталари эл-юртимиз орасида ҳамиша қадрланганлар ва эъзозланганлар.

Буюк истиқлол туфайли муסיқий маданиятимиз эски сиёсий - мафкуравий тазйиқлардан халос бўлди. Шу билан бирга, у кўхна мумтоз аноаналаримизнинг тўла тикланишига, айниқса, ёш авлодларни билимдон, саводхон, маонавий баркамол даражада тарбиялашга мисли кўрилмаган имконият яратди. Хусусан, биз айнан мустақиллик даврида кўхна мақом ижрочилиги ва маонавий ижодкорлигида юзага келган янгича ижодий салоҳиятнинг тикланишини кузатишга муяссар бўлмоқдамиз.

Диний-фалсафий ашулалар масаласига келсак, булар, аввало бизнинг тарихий бойлигимиздир. Кимгадир ғайри табиий туюлса ҳам, бу йўналишга тўсиқ бўлмаслик аслида озодлик, эркинлик,

юксак маданиятга хос чинакам демократик тамойилларнинг амалдаги яққол ифодаси бўлса керак. Чунки мумтоз шарқ шеориятида битилган илохий, тасаввуфона мавзулар ўтмиш муסיқамизда ўзининг оханрабо, таосирчан ифодасини топган ва қадрланган. Бундай ашулаларнинг ўз тингловчилари, асосан, кексалар орасида шинавандалари, мухлислари бор. Буни албатта, хисобга олиш зарур бўлади.

Кези келганда шуни ҳам эотироф этиш керакки, Оврўпага турдош замонавий мусиқа ижрочилиги бўйича, жумладан, фортепиано, торли, дамли ва зарбли чолғулар, академик услубдаги хонандалик ихтисосликларидан кўплаб иқтидорли ёш мусиқачиларимиз вояга етмоқда. Уларнинг аксарияти республика ва чет мамлакатларда нуфузли халқаро танловларда иштирок этишиб, ғолиб ва совриндорликни қўлга киритишаётгани қувонарли холдир.

Хулоса қилиб айтганда, мусиқий маданиятимизнинг халқ маонавий ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Мусиқий маданият халқ маонавий дунёсининг ажралмас қисми бўлиб, унинг маонавий эҳтиёжини барча даврларда қондирган ва ҳар доим ҳамдард бўлган, беминнат хизмат қилган. Зеро, бугунги мустақиллик давримизда ҳам ўзининг маонавий бурчини муқаддас билиб, халқимизга хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам мусиқа маданиятимиз бугунги куннинг улкан ижод майдонига айланди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўзбек халқининг мусиқа меросини қадим билан боғлиқлигини қандай тушунасиз?
2. Мусиқий маданиятимизнинг маонавий ҳаётдаги ўрни қандай?
3. Мусиқий маданиятимизнинг серқирралиги қандай тушунилади?
4. Мусиқий маданиятимиздаги ўзгаришлар қайси даврларни ўз ичига олади?
5. Ҳозирги замон мусиқа ижодиётига қандай баҳо берасиз?
6. Ўзбек мусиқа маданиятининг халқаро миқёсдаги аҳамияти қандай?

Назорат учун мавзулар

1. Ўзбек халқининг муסיқий маданиятини қадимги давр билан боғлиқлиги.
2. Муסיқий маданиятнинг халқимиз маонавий ҳаётидаги тутган ўрни.
3. Ўзбек муסיқий маданиятининг жаҳон муסיқа маданияти таосиридаги ривож.
4. Ўзбекистонда академик муסיқа ижрочилиги

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МУСИҚА МЕРОСИ ТАРИХИГА НАЗАР

Буюк Турон заминида муסיқа маданияти ва ижрочилик санъатининг ривожланиши қадим замонларга боғланиб кетади. Буюк шарқ алломалари Мухаммад Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ахмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Пахлавон Махмуд, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек, Захириддин Мухаммад Бобур, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Пахлавон Мухаммад, Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чангий ва бошқа улуғ бобокалонларимиз ўзларининг рисоаларида ижрочилик санъати, муסיқа илми ва тарихи, чолғу созларининг тузилиши, ижровий услублари, санъаткорлик қонун - қоидаларига оид қимматли маолумотларни баён этиб кетганлар. Машхур дидактик асар «Қобуснома»да ҳам хофизлик ва санъаткорликнинг қоидаларига бағишланган алоҳида боб ўрин олган.

Заминимизда ўтказилган тарихий қазилмалар натижасида топилган дуторга, сурнай, қонунга, найга ўхшаш созлар, тошларга ўйиб битилган созандаларнинг соз чалиб турганидаги тасвирлари, миниатюра асарларидаги созанда ва хофизларнинг расмлари ўлкамизда ижрочилик санъати қадимдан ривожланиб келганлигидан далолат беради. Шарқ халқларининг муסיқий мероси бўлмиш Мақом, Мўғом, Дастгоҳ, Навба, Рага, Кюи каби ижрочиликнинг мураккаб туркумлари авлоддан - авлодга оғзаки равишда ўтиб келган. Тарихий манбалар, билимдон устоз санъаткорларнинг фикри ҳамда илмий тадқиқотларга қараганда, XIII-XVII асрларда Ўрта Осиё, Хуросон ва Озарбайжон халқлари

мусиқасида куйидаги ўн икки (Дувоздах) мақом мавжуд бўлган. Булар «Ушшоқ», «Наво», «Бузалик», «Рост», «Хусайний», «Хижоз», «Роҳавий», «Зангула», «Ироқ», «Исфакон», «Зирофқанд», «Бузург».

Яна бир тарихий манбага мурожаат қиладиган бўлсак, улуғ олим Мирзо Улуғбек Тарағайнинг «Рисола дар илми мусиқа» (Мусиқа илми ҳақида рисола) китобининг «Дар баёни дувоздах мақом» (ўн икки мақом зикрида) бобида шундай фикрлар келтирилади: Хожа Абдулқодир ибн Адурахмон Мароғий, Хожа Сайфидин Абдулмўмин, Султон Увайс Жалоирийларнинг сўзларига қараганда, аввалда мақомлар еттита бўлган: «Мақоми рост», «Мақоми Ушшоқ», «Мақоми Наво», «Мақоми Роҳоо», «Мақоми Хижоз», «Мақоми Ироқ», «Мақоми Хусайний». Яна ушбу рисолада улуғ бобомиз Улуғбекнинг ўзи танбур ва ноғорани жуда яхши чалганлигини, «Булужий», «Шодиёна», «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон», «Усулий отлиғ» сингари куйларни ихтиро қилганлигини таъкидлаб ўтади.

Юқоридаги фикрларга суянган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, тарихий шароитда янги ижро йўллари сайқалланган кўринишлари билан жилоланиб келган. Кейинчалик халқнинг этник жойлашиши, яшаш шароитлари, турмуш тарзига қараб уларнинг турлича маданий ривожланиш даврига асосланиб ҳар хил мақом йўллари ҳам ўз ўрнини топганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Натижада XVIII асрга келиб Бухоронинг «Шашмақом» (Олти мақом)и: «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» мақомлари ўзининг наср ва мушкулот қисмлари билан ривожланган бўлса, Фарғонанинг «Чор мақом»и (Тўрт мақом), «Дугоҳ Хусайний»нинг еттита йўли, «Чоргоҳ»нинг олтита ижрочилик йўли, «Шахнози Гулёр»нинг олтита ижрочилик йўли ҳамда «Баёт» йўлларининг савти ва тароналари билан жилоланиб, ижро этиб келинган.

Хоразм мақомларида ҳам юқорида таъкидланган олти мақом ижросини алоҳида услубий ва ўзига хос йўналишини кузатиш мумкин. Бунда фақат кейинчалик еттинчи мақом сифатида чертим йўлидаги «Панжгоҳ» мақоми киритилган. Шунинг учун авлоддан авлодга ўтиб келган бебаҳо мусликий бойлиги саналмиш Бухоро, Хоразм ва Фарғона, Тошкент мақомлари, бетакрор ашула ва катта ашулалар сингари дурдоналар бизга берилган улуғ неомат сифатида ардоқланади.

Халқ санъатининг улкан билимдони устоз Юсуфжон қизик Шакаржонов: «Миллий мусиқа санъатимиз бамисоли бир дарахт бўлиб, унинг томири Хоразм, танаси Бухоро, шохлари Фарғонадир», - деб таорифлаган эканлар. Устознинг бу сўзларида катта маоно ётади.

Муסיқий ижрочилигимизнинг яна бир йўналиши дostonчилик санъати Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вохаларида жуда ривожланган бўлиб, халқ бахшилари томонидан севиб ижро этиб келинади.

Тарихий манбаларга мурожат этадиган бўлсак муסיқий маданиятимиз узoқ тарих билан боғланганлигини гувоҳи бўламиз. Бунга қадимшунослар томонидан топилган ашёвий далиллар тош деворларга чизилган муסיқий созлар ва созандалар суратлари, миниатура кўринишидаги шохлар саройларидаги базмларда созандалар тасвири, муסיқий ижрочилигимизнинг садолари асрлар оша бизга етиб келганлигидан далолат беради.

IX-XII асрларда Ўрта Осиё муסיқий маданиятида ўзгаришлар даври бўлганлиги манбаларда кўрсатиб ўтилади. Лекин X-XII асрларда ижод қилган созандалар, хофизлар ва бастакорларнинг номлари ва уларнинг ижодий фаолиятлари ҳақида жуда кам маолумотлар сақланиб қолган. Устоз муסיқашунос олимларнинг ёзма манбаларига асосланиб баозилари устида тўхтаб ўтишни лозим топдик. VI-VII асрларда яшаб ижод этган Ўрта-Осиёлик Фахлoбод Борбад ҳақида маолумотларга қараганда муסיқашунослик, бастакорлик, созандалик ва хофизлик борасида тенги йўқ санъаткор бўлганлиги эотироф этилади. Афсонавий ижрочилик маҳоратига эга бўлганлиги ҳақида ёзган устоз муסיқашунос олим Ар-розий Борбаднинг буюк ижрочилик маҳорати билан биргаликда муסיқий созларнинг ҳам яратувчиси бўлганлигини айтиб ўтади. Борбад яратган муסיқа асбоби X-XII асрларда Хурoсон ва Туронда кенг тарқалганлигини ва унинг 4 торли бўлганлигини ёзади.

Қадимий кўлёзмаларда X-XII асрларда ижод қилган Абубакр Рубобий, Бунаср, Буамир ва чангчи Лукорий ва бошқа созанда ва хофизларнинг номлари эслаб ўтилади.

IX-X асрда яшаган буюк шоир Абу Абдулло Рудакий ўз замонасининг чанг созларини чалишда мохир бўлганлиги, айниқса «Бўйи жуйи мулиён» шеорини ушшоқ куйида айтилгани қадимги кўлёзмаларда кўрсатилган. Адабиётшунос олим Н.Маллаев қадимий

кўлёмалар асосида X-XII асрларда танбур, рубоб, кус ноғора, қўбиз, табл, танбурок, зир, най, чағона, шайпур, сурнай, карнай, арғунан, қонун каби торли, зарбли ва пуфлаб чаладиган чолғу асбоблари ўлкамизда кенг тарқалганини ва ўн икки мақом тараққий топиб такомиллашганини кўрсатиб ўтган.

Ўша даврнинг буюк олими Махмуд Қошғарийнинг «Девони луғотий турк» асарида қадимий туркий халқларнинг халқ оғзаки ижоди ва қўшиқлари, байрам ва маросимларидаги меҳнат қўшиқлари, қахрамонлик қўшиқлари ҳақида намуналар берилган бўлиб, ўша замонда қўшиқчилик жанри ривож топганини кўрсатади.

X-XII аср мусиқа ва ашула санъатига доир баён этилган ноёб маълумотлар Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарида ҳам учрайди. X асрнинг буюк қомусий олими, мусиқашунослик фанининг улуғ кашфиётчиси Абу Наср Ал Фаробий (873-950) бўлиб, унинг мусиқа соҳасида яратган асарлари асосида оврўпа олимлари ҳам қатор асарлар яратганлар. Фаробий ўз фаолиятида мусиқа илмини тадқиқ этиш билан бирга физиологик асосларини ишлаш устида ижод қилди ва «Қонун», «Ғижжак» каби янги мусиқий созларни кашф этди. Унинг мусиқа соҳасидаги назарий асарларидан «Китаб ул мусиқа ал- кабир» («Катта мусиқа китоби»), «Калом факултет-ил мусиқи» («Мусиқа ҳақида сўз»), «Китоб фи ихсоал ибқоо» (куйлар таснифи ҳақида китоб»), «Китоб фи-н накра музофа илал ибқоо» (Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида китоб») китоблари маълум. Академик Музаффар Хайруллаевнинг «Фаробий» асарида унинг мусиқа ижоди ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Фаробий Туркистоннинг Фароб (Ўтрор) шаҳрида туғилган бўлиб, унинг отаси Мухаммад Тархон туркий қабилалардан эди. Аввал Ўтрорда, ўқиб, сўнгра Боғдодга бориб унда фалсафа, табиёт, мусиқа фанлари билан чуқур шуғулланади. Қадимги Юнон фойласуфларидан Афлотун (Платон), Арасту (Аристо-телр) ларнинг дунё қарашларини чуқур ўрганиб, уларнинг таолимотларини қайтадан ишлаб чиқди. Бу эса унга Аристотел-дан кейин «Устод соний» (Иккинчи устод) номини беради. У ўша даврнинг энг ўткир созандаси, бастакори, Ўрта Осиёда ва Яқин Шарқда мусиқа маданиятининг йирик арбоби сифатида танилди. Фаробий ўша давр ижрочилик санъатида ҳам бениҳоя катта шухрат қозонди. Унинг

мусиқа йўналишидаги назарий асарлари келажакда Ўрта Осиё халқлари мусиқа фани тараққиётига асос бўлди ва шу билан бирга дунё мусиқа фани ривожига ҳам катта хисса бўлиб қўшилди.

Яна бир улуғ аллома Абу-Али Ибн Сино (980-1037) ҳам мусиқа назарияси билан шуғулланган бўлиб, 1931 йилда Махмуд ал Хавфнинг Берлинда нашр этилган Ибн Синонинг мусиқа ижодига бағишланган китобида Абу-Али Ибн Синони катта мусиқа назариячиси ва унинг мусиқа асбоблари ҳам кашф этгани тўғрисида маълумот беради. Яна шу китобда улуғ олимнинг мусиқа ҳақидаги «Китоб ун нажот» асарининг арабчадан немисчага таржимаси берилган. Абу Али Ибн Сино медицина, фалсафа, мусиқа соҳасида «Алқонун фит-тиб» («Тиб қонун»), «Китоб ул шифо» («Шифо китоби»), «Донишнома», «Рисола фиал муסיкий сайр мо фи ал шифо» («Мусиқа тўғрисида» «Шифо»да берилгандан бошқа рисола») каби қатор асарларни ёзди. Ибн Синонинг мусиқага доир мулоҳазалари «Китоб ул шифо» асарига алоҳида бир қисм қилиб киритилган. Юқоридаги асарларда Ибн Сино мусиқанинг эстетик аҳамияти ва таъсир кучига эътибор бериб, айрим жисмоний ва рухий касалликларни мусиқа воситаси билан шифолаш усуллари ўз амалиётида жорий қилади. Бу яна ўша даврда мусиқа санъатининг юксакликка эришганини ҳам кўрсатади. Абу Али Ибн Сино Бухоронинг Афшона қишлоғида туғилган бўлиб, отаси Абдуллох асли Балхлик давлатманд ва маданиятли киши бўлиб, ўғлини ёшлигидан қобилияти, истеододини, зехнини кўра билган ҳолда унинг ўқишига катта эътибор беради. Ибн Сино Бухорода яшаган даврида Сомонийларнинг бой кутубхонасидан фойдаланади ва Юнон китобларини тинмай қироат қилади. 999 йилда Қорахонийлар томонидан Сомонийлар давлати қулатилгач, Урганчга келиб Хоразм олимлари қаторидан жой олади. Кейинчалик Махмуд Ғазнавий тазйиқи остида кўп шаҳарларни кезиб 1037 йилда Ҳамодонда вафот этади.

X асрда яшаб ижод қилган Мухаммад Ибн Ал Хоразмий мусиқа ҳақида асар ёзиб, ўзининг «Мафотих ул улум» деб аталган қомусий асарига асосий боблардан қилиб қўшган. Хоразмликлар қадимдан мусиқа ва рақс ҳамда қизиқчилик шайдоси бўлганликларига Алишер Навоий ҳам шохидлик беради. У ўзининг «Сабои сайёр» достонида бир мусиқашуносни Хоразмдан келтириб гапга солганлигини қуйидаги мисраларда ифодалайди.

*Чун дуо қилди, деди фарзона,
Ки дей ўз кўргонимдан афсона,
Менки тушмиш буён чузор менга,
Мулк Хоразм эрур диёр менга,
Санъатим онда соз чолмоқ иши.
Қилмойин мен каби ишимни киши,
«Илм адвор» фан мусиқий
Мендин ул, илм бўлди тахқиқий.*

Шундан кўринадики, қадимги замонлардан бери мусиқий санъат дунёсида Хоразм юксак ўринда бўлган. XI-асрда дунёга келган «Қобуснома» асарининг 36-боби ҳам мусиқа санъатига бағишланган бўлиб, унда китоб муаллифи Кайковуснинг чолғучи ва хофизларга қандай куй танлаш ва қачон, қаерда ижро этиш ҳамда санъаткор одоби ва маданиятлари тўғрисидаги насихатлари, ўша даврда мусиқий санъатнинг тараққиёти юксак даражада кўтарилганлигидан далолат беради.

XII асрдан бошлаб Ал-Форобий, Абу Али Ибн Сино мусиқа назариялари замирида махаллий тилларда мусиқа фани ҳақида қатор асарлар майдонга кела бошлади. Хоразмлик олим Ар-Розий ўзининг XII -асрда ёзган «Жомеулу -улум» қомусининг бир бўлимини мусиқа фанига бағишлаган. XIII - асрда Мухаммад Ибн Маосуд аш- Шерозий (1236-1310) «Дар илмий мусиқий», Сайфутдин Абдул Мўмин ал Урмавий (1294 йилда вафот этган) нинг «Рисолатун Шарафия» каби асарлари ҳам мусиқага бағишланган. Мусиқа илми билан ўрта аср олими Мухаммад ал Амулий ҳам шуғулланган. Замонамизнинг атоқли мусиқашунос олими санъатшунослик доктори Исҳоқ Ражабов (1927-1982) XIII-асрда майдонга келган ал-Урмавийнинг «Рисолатун Шарфия», Аш-Шерозийнинг «Дар илмий мусиқий» асарларига илова қилинган ва уд сози учун ёзилган қадимий мусиқа ноталарини шартли белгилар билан ҳозирги замон нотасига ўгиришда тажрибалар ўтказди. Мухим аҳамиятга эга бўлган бу тадқиқотда XIII-асрда нотага олинган қадимий мусиқа тузилишини ҳозирги замон ўзбек куйларига жуда яқинлиги аниқланган.

Тарих зарварақларига назар солганимизда улуг бобомиз Амир Темур даврида ҳам маданият ва санъат ривожланганлигини гувоҳи бўламиз.

Айниқса Абдулқодир Мароғийнинг Шом давлатидан олиб келиб сарой муסיқачиларининг рахбари этиб тайинланганлиги ҳам унинг муסיқа санъатига ихлосманд бўлганлигидан далолат беради. XVII- аср муסיқа тарихчиси Дарвиш Алининг маолумотиға қараганда Хожа Абдулқодир Мароғий исфахонлик бўлиб, ўша давр Шарқининг буюк муסיқа олими, бастакор ва назариётчиси эди. У Самарқандга келгач, сарой театри ва муסיқасига рахбарлик қилди. Самарқандда ўз мактабини яратди, кўплаб шогирдлар тайёрлади ва муסיқий тараққиётга катта хисса қўшди. Унинг қаламиға мансуб «Зубдатул адвор», «Мақосидул илхон» номли китоблар ёзилганлиги тўғрисида маолумотлар мавжуд бўлиб, Дарвиш Али яна «Миатайин» номли муסיқа тўплами яратгани хақида маолумот беради.

Амир Темур ўз тузукларида ўнинчи тоифа хунар-санъат эгаларидир. Уларнинг давлат хонага келтириб ўрдада ўринлар белгиланган, деб таорифлайди. Ёзма манбаларда яна шу даврнинг йирик бастакор созандаларидан Сайфитдин Найи ва Қутби Найи, Саид Юсуф (қўбуз), Дарвиш бек каби муסיқа соҳасида машхур бўлган санъаткорлар қаламға олинади.

Мовароуннахр маданияти ва санъати айниқса Улуғбек (1394-1449) замонасида юксакликка кўтарилди. Профессор Абдурауф Фитрат Улуғбек даврида Самарқандда ижод қилган Дарвиш Ахмадий Қонуний, Султон Ахмад Найи, муסיқий рисола ёзган қорақўллик Хисорий, Хоразмлик Абу Вафо, муסיқашунос олим мавлоно Соҳиб Балхий, Шахрисабзлик бастакор Абул Барака, машхур созанда Навоийнинг муаллими Хўжа Юсуф Бурхон, Навоийнинг тоғаси Мухаммад али Ғарибийлар каби ўша замоннинг машхур санъаткорларини қаламға олиб ўтади. Машхур муסיқашунос Хофиз Дарвиш Алининг қаламиға мансуб «Тухфатус сурур» асарида айтилишича Улуғбек Мирзонинг ўзи ҳам муסיқий олимлардан саналган.

«Мухит ат таворих» китобида уни бастакор сифатида «Булужий», «Шодиёна» - (бу бизгача етиб келган), «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон», «Усули Бахри» каби йирик муסיқа асарлари яратгани кўрсатилади. Маолумотларда шаҳар санъаткорлари ичида яллачи аёллар ва раққосалар ҳам бўлганлиги айтиб ўтилади.

Улуғбек вафотидан сўнг санъатдаги ривожланиш даври Хиротга кўчди. Бунинг бевосита рахбарлигида улуғ бобомиз Алишер Навоий турди, подшоҳ ва шоир Хусайн Бойқаро хомийлик қилди. Навоий бутун Мовароуннахр, Хуросон санъат ва адабиёт, маданият ахлининг сарбони бўлиб янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди. Шу давр ичида ўзбек халқининг мусиқа маданияти юксак чўққига кўтарилди. Буюк мусиқа устозлари энг истеододли талабаларни ўз тарбиясига олди. Янги куйлар, кўшиқлар, мусиқа назариясига оид асарлар майдонга келди, талантли созандалар, бастакорлар, хофизлар етишиб чиқди. Устози ва дўсти буюк шоир Абдурахмон Жомий ҳам бу борада қалам тебратиб «Рисолал мусиқий» асарини ёзди. Бу асарда ўзбек халқининг қадимий ўн икки мақоми ҳақида қимматли маълумотлар берилди. Яна бир замондош олим Зайнобуди Ал Хусайний «Қонуни илми ва амали мусиқий» номли мусиқий дарслик ёзиб, уни Навоийга бағишлади. Нуритдин Марғилонийнинг «Мақсадул адвор» («Мусиқа илмини мақсади») рисоласи ҳам майдонга келди. Навоий фақат санъаткорларнинг хомийси бўлибгина қолмай, у мусиқа олими ва бастакори ҳам бўлган. Захириддин Мухаммад Бобур унинг бир қатор мусиқа асарлари яратганини, жумладан «Нақши» (ашула)лари, «Пешрав» (мусиқа)лари борлигини «Бобурнома» асарида хикоя қилади. Ўзларининг таҳаллуслари ҳам «Наво» га боғланганликлари замирида мусиқага яқиндан ошно бўлганликларини кўрсатади!.

Навоий «Махбубул-қулуб» асарининг иккинчи мутриб (ашулачи), муғанний (созанда) фаслида мутриб ва муғаннийлар ижроларини таосирчанлиги ва тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритади ва най, ғижжак, танбур, чанг, уд, рубоб, кўбуз, қонун, чағона, каби мусиқа асбобларини фазилатларини ҳам таорифлайди. «Мезонул авзон» асарида Навоий туюқ чанги, туркий, орзуворий, мухаббатнома, мустаозод каби халқ кўшиқларининг 8 тури, уларнинг вазн хусусиятлари ҳақида маълумотлар беради. «Хамсатул-мутахаййирин» асарида эса Навоийнинг мусиқа назариясига катта эhtiбор бергани намоён бўлади. Бу асарда Мавлоно Али Ўхнинг тенги йўқ созанда, назариётчи эканини ва унга бир назарий дарслик ёзишни топширганини айтади. Бундан ташқари устод Қулмухаммад, Хўжа Шахобиддин, Абдулломарваридий, мавлоно Биноий каби мусиқашуносларнинг

мусиқага оид асарлар ёзганларини кўрсатиб ўтади. Навоий «Холати Пахлавон Мухаммад» асарини ўз даврининг буюк бастакори, ўн икки мақомнинг такомиллашувида катта хисса қўшган Пахлавон Мухаммаднинг мусиқа ижодига бағишлади.

Ўша давр мусиқа маданияти ҳақида Захриддин Мухаммад Бобур ҳам қимматли маълумотлар берган. Унинг ёзишича устодлар Қулмухаммад, Абдулло Марворидий, Хусайн Удий, Дарвишбек, Юсуф ўғлоқи (қўбиз), Ғулом Шоди, Шайхи найи, Шайх қули (ғижжак)лар Навоийнинг ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли шуҳрат топганлар. Зайниддин Восифий ўзининг «Бадоеоул вақео» асарида Навоий замонасида халқ санъатини катта ривож топгани тўғрисида ёзиб, Хасан Найи, Ахмад Ғижжакий, Али Кучак Танбурий, Хасан Болобоний, Мирзо Байрам, Ғиёсиддин каби созанда ва бастакорларни номларини келтиради.

Зайниддин Восифийнинг маълумотларига қараганда Хирот Сафавийлар томонидан ишғол қилинганда беш юзга яқин санъат ахли Мовароуннахрга кўчиш қилганлиги, булар орасида Қосим Али қонуний, ашулачи ва созанда аёл (туғанния) ЧақарХоним, Саид Ахмад Ғижжакий, Муҳиби Али Болобоний, Хасан Уди, Хусан Уди, Хусайн Кучак найи, Хофиз Мархонанда, раққослардан Мақсуд Али кабилар борлиги айтиб ўтилади.

Профессор Абдурауф Фитрат ҳам XV-асрда Мовароуннахр ва Хиротда ижод қилган. «Ишрат» исмли чолғу созини чаладиган устод Абулқосим ва Хусайн Бойқаронинг муסיқий муаллими, андижонлик мавлоно Юсуф Бадийи, (Хусайн Бойқаро ҳам мусиқа билан шуғулланганлиги шундан кўринади), танбурга бир сим қўшимча қилиб ижро этган. Махмуд Шайбоний, Абдуқодир Марғилоний, Хабибуллоий чанги, Мухаррабий чангчи, Али Шунқар, Мехтар Шамсиддин ноғорачи, Мехтар Имом ноғорачи, Алижон ғижжакийлар каби ўша замоннинг муסיқий устозлари ҳақида маълумот беради.

XIV аср охири XV асрда Фарғона, Тошкент, Бухоро, Кеш ва Хева каби Мовароуннахрнинг бошқа вилоят ва шаҳарларида ҳам маданий ҳаёт, жумладан муסיқий маданият ривож топди. Фарғона хукмдори Умаршайх (Бобурнинг отаси) ўз пойтахти бўлмиш Андижонга санъат ахлини йиғишга ҳаракат қилган. Ўша давр санъат равнақи ҳақида «Бобурнома»да маълумотлар берилади. Бобур ўша давр Андижон муסיқий мухитининг устозларидан Хўжа

Юсуфни, Восидий эса Тошкентлик бастакор, созанда Шох Хусайнни эслаб ўтадилар.

XVI-XII аср мусиқий санъатнинг тараққиётига назар солсак, ўртадаги бир қанча узилишлардан сўнг, олдинга силжишлар рўй берганини гувоҳи бўламиз. XVI-асрнинг йирик шоири ва мусиқашунос олими Нажмитдин Кавкабий (1576 йилда вафот этган) раҳбарлигида ўн икки мақом янада мукаммалашди. Дарвиш Алининг хикоя қилишича, Хиротда тахсил кўрган мавлоно Нажмитдин Кавкабий Убайдуллохон томонидан Бухорога олдириб келинган ва бу ерда ўз мактабини яратиб, ўзбек мусиқаси такомили устида иш олиб борган. У Хўжа Мухаммад Мавлоно Ризо Самарқандий, Хўжа Хасан Нисорий, Мавлоно Хасан Кавкабий, Боқи жаррох каби мусиқашуносларни тайёрлаган. Кавкабий «Рисолаи мусиқий» асарини яратиб мусиқа назарияси фанига катта хисса қўшган.

XVI аср охири XVII асрда Шайбонийлар ҳукмдорлиги даврида Бухорога турли ерлардан санъаткорларни олиб келиб тўплаш давом эттирилади. Убайдуллохон (ўзи шоир сифатида девон қолдирган) Хиротни босиб олганда машҳур Хофиз Ахий Гаравийни Бухорога олдириб келади ва Гаравий Бухорода мақом ижрочилари мактабини ташкил қилади. Дарвиш Алининг шохидлик беришича Ахий Гаравий мактабида Хўжа Хамза Тошкандий, Хўжа Бобо чангий, Дарвиш Махмудий Андижоний, Хофизи Ушшоқий каби Мовароуннахрнинг турли жойларидан келган хофизлар тарбияланганлар.

XVII -асрнинг йирик созандаси, мусиқа тарихчиси ва назариётчиларидан бири Дарвиш Али Чанги бўлди. У 12 бўлимдан иборат «Рисолаи мусиқи» асарини яратди. Бу асар ўша давр мусиқа тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Унда мақомлар, мақомларнинг шўрбалари, усуллари ва мусиқа назариясига кенг тўхтайди. Дарвиш Али рисоласига турли даврларда яшаган созандалар ҳақида ва ўша замон мусиқа асбоблари танбур, чанг, най, қўшнай, қонун, уд, барбад, рубоб, қўбуз, руд, ғижжак, ишрат, кунгура, дутор, сетор, сурнай, болобон, ноғора, карнай, доира каби созлар тўғрисида кенг маълумот беради. Бу даврда яна номаолум муаллифлар томонидан «Рисолатун фиилмил мусиқий», «Присолаи карамия» каби мусиқа назариясига оид асарлар ҳам ёзилади.

XVII-асрнинг иккинчи ярмига келиб музика санъати яна тушкунликка тушади. Мовароуннахрнинг уч хонлик ва амирликка бўлиниб кетилиши сезиларли таосирини кўрсатади. Бунинг натижасида маданий-музикаий ҳаётда ажралишлар рўй беради. Шунга қарамасдан Хива хонлигида, Бухоро амирлигида, Қўқон хонлигидаги музикаий санъат мухити ўз холича давом этди ва бирмунча муваффақиятларга ҳам эришилди.

Ўтмишда нота ёзуви бўлмаганлиги сабабли оғиздан оғизга ўтиб келган мавжуд халқ мумтоз куй ва қўшиқлари эндиликда нотага олинган бўлиб, бу хайрли ишни В.А. Успенский, Е.Е. Романовская, И.А. Акбаров, М. Юсупов, академик Юнус Ражабий сингари алломалар амалга оширдилар. Бу борада, айниқса, устоз Юнус Ражабийнинг хизматлари бекиёсдир. Натижада «Ўзбек халқ музикаси», «Шашмақом», «Хоразм мақомлари», «Гулёри Шахноз» сингари кўп жилдли қатор музикаий тўпламлар дунёга келди ва халқимизнинг чинакам маонавий бойлигига айланди.

Ушбу тўпламларда мақомларни ва халқ аносонавий қўшиқларини наср ва мушкулот, айтим ва чертим йўлларини устоз хофизлар ва мохир созандадар ажойиб сайқаллар бериб ижро этишиб келмоқдалар. Яна шуни айтиш жоизки, халқимизнинг улкан музика меросини, фолклор санъатини илмий таҳлил қилиб, уни халққа етказиш борасида музикашунос олимларимизнинг ҳам хизматлари катта бўлиб, ўзларининг китоб ва монографияларида, қўлланма, дарсликларида, мақола ва чиқишларида илмий нуқтаи назар билан асослаб бермоқдалар. Бу борада Файзулла Кароматов, Илёс Акбаров, Исҳоқ Ражабов, Тўхтасин Ғофурбеков, Рустамбек Абдуллаев, Абдуманнон Назаров, Оқилхон Иброхимов, Отаназар Матёкубов, Равшан Юнусов сингари таниқли музикашуносларимизнинг меҳнатлари бекиёсдир.

Ўлкамизда музикаий меросимизнинг ажралмас қисми бўлмиш хофизлик азалдан муқаддас саналган. Исломи оламида муқаддас китобимиз бўлмиш «Қуроон» оятларини дилга жо қилиб, унинг зери - забарлари билан ёддан ижро этган алломаларни «Хофиз Қуроон» деб юритганлар.

«Хофиз» арабча сўз бўлиб, «ёдда сақламоқ» маносини англатади. Хофиз - Оллохнинг 99 исмларидан бири деб ҳам таърифланади. Мумтоз хофизларимиз исломий билимлардан ҳамда баъдий шеориятдан хабардор бўлганлар. Шунинг учун ҳам улар

ижро этган қўшиқлар нихоят таосирчан бўлиб, тингловчиларни ўзларига ром эта олган. Мумтоз шоирларимизнинг бекиёс маонога эга бўлган ғазалларини куйга солиб, ижро этган қўшиқлари учун «Хофиз» деган номга мушарраф бўлишлари ҳам қандайдир рамзий маоно касб этиши табиийдир. Бу ўринда Мажзуби Намангонийнинг қуйидаги сатрлари ибратлидир:

*Дема танбур ноласин қўл ташлаганда тордин
Билки келмиш бу тарона санъати Жаббордин.*

Шундан кўринадик, муסיқа инсон жисмига жон билан кирганлигини, бунда илохий қудрат борлигини ислом уламолари ҳам эотироф этишган. Улуғ аллома Алихонтўра Соғуний «Тарихи Мухаммадий» китобларида шаходат беришларича, пайғамбаримиз Расулуллох (С.А.В.) Маккадан Мадинага хижрат қилиб шаҳарга киришларида ёш жория қизлар чилдирмалар чалишиб, қуйидаги қўшиқ ва алёрларни айтишган экан:

*Тўлин ой чиқди бизларга Видо тоғини устидин,
Керакдур шукрини айтмоқ, бу дунё борича биздин,
Келибсиз, хуш келибсиз, эй юбормиш тангрини нури
Қабул этмак эрур биздин, худо амри келур сиздин.*

*Бани нажор ахлининг ёш қизлари бўлурмиз,
Мухаммаднинг келганин бахтимиз деб билурмиз.
Хуш келдингиз бизга сиз, қадамингиз муборак,
Оёқ босган изингиз кўзга сурма қилурмиз.*

Шундан кўринадик, қўшиқ, алёр, лапар айтиш Пайғамбаримиз (С.А.В.) давридан бизга мерос бўлиб қолган.

Ўтмишдан мақом ва аноанавий мумтоз қўшиқларнинг дунёга келишида ва ижро этилишида барча даврларда яшаган халқ бастакорлари ва хофизларининг ижодлари давр билан ҳамоҳанг бўлган. Бунга машҳур бастакор ва ижрочилар Борбад Марвазий, Абу Хафз Суғдий, Абу Бакр Рубобий, Абул Аббос Бахтиёр, Абдулқодир Мароғий, Дарвишали Чангий, Пахлавон Мухаммад сингари бобокалонларимизнинг ижодларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижодида ҳам мусиқа санъати катта ўрин тутган. Қуйида шоирнинг «Хофиз» радифли шеоридан мисол келтирилади:

*Чекти булбул киби минг лахз ила дoston Хофиз,
Йўқ анингдек яна бу даврда хушхон Хофиз.*

*Хофиз этган киби халқ лутфи они Қуроонда,
Бўлдик онинг доғи хар холида Қуроон Хофиз.*

*Сендадир наомайи Довуд ила иноофи Масих,
Бордурур йўқ эса даврон фаровон Хофиз.*

*Эй Навоий, дема лахнига недин бўлдинг сайд,
Халқ сайдига кони ўйла хуш илхом Хофиз.*

Ғазал сатрларида Навоийнинг хофиз ахлига бўлган чуқур хурмат-эҳтироми, хонанда санъатини улуғлаш, хушхон хофизларнинг сифатлари ифодаланади. Болалигидан чолғучи бўлган Довуд пайғамбар мусиқа санъатининг пири ҳисобланади. Шу сабабдан ушбу ғазалда «Наомайи Довуд» ибораси қўлланилган.

Ўзбек халқ мусиқасининг жанрларига асосланиб яратилган асарларни ижро этувчилар қадимдан турлича номланган: хонанда, хофиз, ашулачи, қўшиқчи, яллачи, катта ашулачи, лапарчи, талқинчи, мақомхон, савтхон, бахши, шоир, зокир, муғанний, мутриб, йировчи, гўянда сингарилар.

Бу ижрочилар бир неча гуруҳга бўлинадилар, чунончи, мақом ижрочиларига мақомхон, хофиз, хонанда, савтхон дейилса, дoston, мусиқа ижрочиларига бахши, шоир, дostonчи, йировчи дейилган. Халқ орасида кенг тарқалган жанр ижрочилари - яллачи, лапарчи, ашулачи, қўшиқчи сингари номлар билан аталиб келинган.

Шу ўринда айтиш керакки, барча мақом ижролари ва машхур қўшиқлар турли даврларда қайсидир бастакор томонидан яратилган. Бу ижролар халқона бўлганлиги сабабли халқ орасига сингиб кетган ва халқнинг маонавий бойлигига айланган. Шу боис бизнинг давримизда ҳам яратилган анонавий қўшиқларимизнинг машхурлари бастакорлар томонидан яратилиб, халқ орасида машхур бўлиб кетишининг сабаби ҳам шундадир. Масалан, Юнус Ражабийнинг «Не наво», «Куйгай», Тўхтасин Жалиловнинг «Кокилинг», «Ўйнасин», Комилжон Жабборовнинг «Этмасмидим», Имомжон Икромовнинг «Сўлим», Саиджон Калоновнинг «Эй сарви равон», Дони Зокировнинг

«Эй сабо», Орифхон Хатамовнинг «Хох инон, хох инонма», Рахматжон Турсуновнинг «Ғамзасин» сингари юзлаб қўшиқлар бунга мисолдир.

Анонавий қўшиқ ижрочилиги тарихига назар ташласак, Х1Х асрнинг иккинчи ярми ва ХХ аср бошларида ўлкамизда бу муқаддас санъатнинг бутун бир ижрочи авлоди етишиб чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдулғани, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Халим Ибодов, Леви Бобохонов, Содирхон хофиз Бобошарифов, Зоҳидхон хофиз, Мадали хофиз, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Матёқуб Харратов сингари забардаст хофизлар шулар жумласидандир.

Ўтмишда нота ривожланмаган бўлиб, Оврупа мусиқа терминлари ўрнида хофизларимиз овоз маромига қараб «Гуллиги», «Бинниги», «Шиками», «Хонақоҳий» деб аталмиш нафас олиш, чиқариш ва ижро йўлларида фойдаланишган. Ўша давр хофизларининг овозлари ўктам, бақувват бўлганлиги сабабли улар кўпроқ «Шиками» йўлида ижро этганлар. Бу йўлда ижро этиш ғоятда мураккаб бўлиб, шинавандалар томонидан жуда қадрланган. Чунки хофиз товушини ичкаридан тежамкорлик билан қорин бўшлиғидан чиқариб қўшиқ айтади. Шунинг учун ҳам «Шиками» йўли чуқур нафас олишга асосланиши, тиниқлиги ҳамда жарангдорлиги билан «Гуллиги», «Бинниги» каби ашула йўлларида фарқ қилади.

Устоз хофизлар ўз ижрочилик маҳоратларини ошириш учун акс-садо берувчи махсус гумбазли биноларда машғулот ўтказганлар, шу тариқа овозларига сайқал беришган. «Шиками» йўлидан фарқ қилувчи «Хонақоҳий» йўли бўлиб, унда хофиз қўшиқ сўзларини аниқ талаффуз этиб, тингловчига ғазал мазмунини ифодали қилиб етказган.

Устоз хофизларимиз дастурларидан ҳар хил маросимларда ижро этиладиган қўшиқлар ҳам ўрин олган. Масалан, Содирхон хофиз қўшиқларни созсиз, икки кафтини қулоғига қўйган ҳолда, аламли «Якка фарёд» тарзида, «Хонақоҳий» йўлида ижро этиб келган. Ўз ашулаларини йил фасллари ва ҳатто, куннинг маълум пайтларига кўра танлаб айтган. Баҳор тонгларида - «Амин насруллоҳи», «Қийиқ», «Қора тонг»ни, пешиндан кейин «Гулёри Шахноз»ни, кечқурун «Сарпарда», «Рок баланд», «Дилхирож» ва бошқаларни қуйлаган.

Бундан ташқари, устоз хофизларимиз кўшиқ ижро этиш билан бирга мақомларни ўзлаштириб, бетакрор муаллиф сифатида мақомларни янги шўобалар билан бойитганлар. Масалан, мақомдон устоз Ота Жалол Носиров «Шашмақом»нинг мушкулот қисмларини тартибга солган, айрим мақом шўобаларини кенгайтирган, ривожлантирган ва кўшимча қисмлар басталаган. Жумладан, улардан бири «Савти Жалолий» деб аталади. Марғилонлик Мадали хофиз эса «Абдурахмонбеги», «Қаландар», «Тановар» каби ижро йўллари янги талқинлари билан тўлдириб, санъатимиз хазинасини янги ижролар билан бойитди. Шу тариқа умрбоқий мақомларимизга устоз хофизларимиз ижросида кўшимча жило берилиб, янада тўлдирилиб ижро этиб келинмоқда.

Бизнинг давримизга келиб ҳам бу хайрли ишлар давом этди. Масалан, машхур хофиз ва бастакор Фаттоххон Мамадалиев «Насруллои» мусиқа йўлларига сўз солиб, унинг талқинчасини, уфорисини, соқиномасини яратди. «Мискин»нинг бешта йўлини, «Чоргоҳ» нинг бешта йўлини, «Умрзоқполвон ушшоқи»нинг соқинамоларини кўшиб, ушшоқларнинг қадимий ижроларини тиклади. «Бузрук»нинг сурнай йўллари талқин қилди. Изланишлар натижасида халқ аноанавий ижрочилиги бир неча ижро йўллари билан бойиди, улардан бири туркум сифатида «Савти Фаттоххон» номи билан ижрочиларимиз ва олимларимиз томонидан тан олинди.

XX асрнинг 20-30-йилларига келиб аноанавий кўшиқчилигимизга иккинчи бир авлод кириб келдики, бу улуғ хофизларимиз санъатимиз хазинасини ўзларининг мумтоз кўшиқлари билан бойитдилар. Уларнинг муборак номларини ҳурмат ва эҳтиром билан зикр этиб ўтиш жоиздир.

Хоразм воҳасидан Матпано ота Худойберганов, Куржи ота Авазматов, Мадрахим Ёқубов (Шерозий), Жуманиёз Хайитбоев, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Бухоро, Самарқанддан Ота Ғиёс Абдулғани, Михаил Толмасов, қори Каромат, Тиллабой хофиз, Уста Шоди, Тожихон хофиз, Борух Зеркиев, Тошкентдан Шораҳим Шоумаров, Иноғом ва Илхом хофизлар, Абдулқаххор, Султонхон, Юнус Ражабий, Бобоҳон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Хўжанддан Тўрахўжа хофиз, Абдуқаюм хофиз, Каримжон хофизлар, Фарғона водийсидан Хамроқул қори Тўрақулов, Эрка қори Каримов, Болта хофиз Ражабов, Мамадбобо Сатторов,

Шерқўзи Бойқўзиев, Хайдарали Хикматов, Холқора хофиз, Беркинбой Файзиев, Абдулла Файзуллаев, Жўрахон Султонов, Маомуржон Узоқов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Акбар Хайдаров, Боборахим Мирзаев, Ашурали хофиз, Умрзоқ полвон Сайдалиев сингари хофизлар ўзларидан олдин ижро қилиб ўтган устозларнинг қўшиқчилиқ санъатини давом эттиришиб, аноанавий ижрочилигимизда ҳар бирлари бир-бирига ўхшамаган ажойиб ижро услубларини ҳам яратдилар, шу билан бирга, ўзлари басталаган асарлари билан қўшиқчилигимиз хазинасини бойитдилар.

Бу борада, айниқса, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Матпано Худойберганов, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Юнус Ражабий ижодлари бунга мисол бўла олади. Содирхон хофиз ижро этган «Ушшоқи Содирхон» номи билан машҳур бўлиб кетган. Хожи Абдулазиз басталаган «Гулузорим» қўшиғи, Жўрахон Султонов басталаган ва ўзи ижро этган «Гулузорим қани», «Найлайин» қўшиқлари аноанавий меросимиз қатори мусиқий хазинамиздан мустаҳкам ўрин олди.

Шу ўринда айтиш лозимки, қўшиқчилиқ санъатимиз ривожига ўзбек бастакорлари ва созандалари ўзларининг улкан хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Имомжон Икромов, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Мухаммаджон Мирзаев, Мухторжон Муртазоев, Фахриддин Содиков, Абдухошим Исмоилов сингари юзлаб бастакорлар яратган қўшиқ ва куйлар халқ мулкига айланиб қолди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, аноанавий қўшиқчилиқ, ялла, лапар, ўлан ижрочилиғи ривожига аёл хофизаларимизнинг қўшган хиссалари ҳам бекиёсдир. Аёллар иштирокида ўтадиган йиғин ва мажлисларда аёл хофизалар хизмат қилишган. Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қодирий «Мехробдан чаён» романида Қўқон хони Худоёрхон саройидаги хофизалар тўғрисида аниқ маълумот беради. Нусрат хофиз, Мисқол хофиз, Тош хофиз, Марғилонлик Зебохон, Ботирбоши хола, Тилло хофиз, Тожихон хофиз, Хон оғача, Мисок оғача, Улуғ ўюнчи, Ражабхон хофизларнинг номлари зикр этилади. Кейинчалик ҳам бу аноаналар давом эттирилиб, Лутфихон ая, Адолатхон ая, Хадяхон Хамдамова, Халимахон Носирова, Тамарахоним, Саодат Қобулова, Зайнаб Полвонова, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Раҳимахон Мазохидова, Хабибахон Охунова, Олмахон Хайитова сингари забардаст хофизаларимизнинг

қўшиқчилик бўстонидаги хизматлари беқиёсдир. Уларнинг аноаналарини ҳозирда етук, талантли хофизалар давом эттирмоқдалар.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб аноанавий қўшиқчилигимиз гулдастаси навбатдаги авлод қўлига ўтди. Ориф хожи Алимахсумов, Очилхон Отахонов, Орифхон Хотамов, Муҳаммаджон Каримов, Одилжон Юсупов, Фаттоххон Мамадалиев, Таваккал Қодиров, Муроджон Аҳмедов, Рўзимат Жуманиёзов, Расулқори Мамадалиев, Фахриддин Умаров, Толибжон Бадинов, Қувондиқ Искандаров, Эсон Лутфуллаев, Алижон Хасанов, Неоматжон Қулабдуллаев, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Тождиддин Муродов, Камолиддин Рахимов сингари машхур хофизлар шулар жумласидандир.

Буюк истиқлолимиз шарофати билан аноанавий қўшиқчилик санъатимиз ривож топмоқда. Улуғ устозлар Жўраҳон Султонов, Маомуржон Узоқов, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Комилжон Отаниёзов, Фаттоххон Мамадалиев, Одилжон Юсупов, Таваккал Қодиров, Отажон Худойшукуров номлари билан ўтказилаётган республика ва воҳалар ёш хонандалари кўрик танловлари, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжуманида хофиз ва хонандаларимизнинг эришаётган муваффақиятлари, «Ўзбекистон - ватаним маним» республика қўшиқлар кўрик танловининг аноанавий тарзда ўтказилиши қўшиқчилик санъатимизнинг келажак авлод қўлига топширишда кўприк бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда устозлар аноанасини давом эттиришиб, қатор санъаткорлар муваффақиятли ижод қилмоқдалар. Улар устозлар мактабига суянган ҳолда ўзларига хос ижро йўллари ва услублари билан қўшиқчилик ҳазинасига сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.

Ота-боболаримиз асрлар мобайнида эозозлаб, сайқал беришиб, катта ижодий изланишлар билан ўз елкаларида опичлаб ўтган буюк санъатимиз ҳазинасини, миллий қўшиқчилик ижрочилиги аноанасини ушбу асрда етишиб чиқадиган санъаткор авлод вакиллари келгуси асрларга олиб ўтадилар деган умиддамиз.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўзбек мусиқий маданиятининг тарихий ривожини сўзлаб беринг?

2. Ўзбек мусиқа ижрочилиги қайси йўналишларда ривожланган?
3. Ўн икки мақом ҳақида нима биласиз?
4. Мирзо Улуғбек мусиқий мероси ҳақида сўзлаб беринг?
5. Мусиқамиз ривожда мусиқашунос олимларнинг ўрнини қандай тушунасиз?
6. «Хофиз» сўзининг маносини биласизми?
7. Пайғамбаримиз (С.А.В) дан қандай мерос қолган?
8. А.Навоийнинг «Хофиз» радифли ғазалини ёддан айтиб беринг?
9. Халқ бастакорларининг ижодини сўзлаб беринг?
10. Анонавий кўшиқчиликда халқ хофизларининг ўрни қандай?

Назорат учун мавзулар

1. Ўзбек мусиқа маданиятининг тарих билан боғлиқлиги ва ривож.
2. Ўзбек мусиқий ижрочилиги йўналишлари.
3. Ўзбек мусиқа маданиятини ёритишда мусиқашуносларнинг ўрни.
4. «Хофиз» сўзининг маноси ва моҳияти.
5. Пайғамбаримиз (С.А.В) дан қолган мерос.
6. Мусиқа ривожда халқ бастакорларининг ижодлари.
7. Анонавий кўшиқчилик ва халқ хофизлари.

II БОБ

МАҚОМ АСОСЛАРИ¹

Тарихдан маолумки, ер юзида яшовчи барча халқларнинг ўз маданияти ва санъати, шунингдек, мусиқий маданияти мавжуд бўлиб, уларнинг маонавий бойлиги хисобланган. Айниқса, Шарқ халқларининг мусиқий маданияти хар бир халқ миллий муסיқасининг асосини ташкил этган, назарий ва амалий ижрочилик мактабига эга бўлган. Шарқ халқларининг мусиқий бойлиги бўлган мақом, муғом, навба, рага, кюи сингари мусиқий ижрочиликнинг аниқ туркумлари турли даврларда турли кўриниш ва йўналишлар билан ижро этилиб келинган ва ривожланган.

Мақом туркумлари, «Шашмақом» хам ўзбек ва тожик халқларининг улкан мусиқий бойлиги хисобланиб, халқ бастакорлари ижоди натижасида шаклланган ва бойиб борган. Хозирга келиб, бу туркум ижроларининг аниқ шаклига, характериға ва аноанавий ижро услубларига тўлиқ эгамиз деб айта оламиз. Албатта, бунинг боиси, ўтган мақомдон ва бастакор устозларнинг бу борада қилган улкан ижодий меҳнатларининг натижасидир. Мақом ижролари мусиқий маданиятимизнинг асосини ташкил этганлиги сабабли бу мавзуга кўпроқ тўхталиш мақсадға мувофиқдир.

«Мақом» сўзининг луғавий маоноси арабчадан келиб чиққан бўлиб, «жой», «макон» маоносини англатади. Мусиқий маонода товуш хосил қиладиган жой ёки аниқ парда маоносини тушуниш мумкин. Албатта, ижрода товушсиз ёки аниқ пардасиз ижро шаклланмайди ва аниқ мусиқий охангни кашф этолмайди. «Мақом» сўзининг маоноси шундан келиб чиқиши табиийдир. Чунки мақом аниқ пардадан бошланадиган ва тугалланадиган куй ва ашулалар мажмуасини ифодалайди.

Мақом атамаси VIII-X асрлардан Уқлидис, Арасту сингари юнон олимларининг муסיқа назариясига бағишланган асарларининг араб тилиға таржима қилиниши натижасида қўлланила бошланган. Лекин IX асрда яшаб ижод этган Яхё бин Абу Мансурнинг муסיқа

¹Ушбу боб Исьоы Ражабовнинг «Маъом асослари» методик ышлланмаси асосида ёритилди. Тошкент – 1992 йил. Масоул муъаррир Р. Юнусов.

назариясига доир асарида, мусулмон шарқи халқларида юнон мусиқа назариясидан олдин ҳам ўз ерлик халқларнинг ўзига хос мусиқа назарияси мавжуд бўлганлигини айтиб ўтади.

Мақомларнинг назарий ва амалий томонларини IX- XV асрларда яшаб ижод этган ал - Киндий, ал- Форобий, ал- Хоразмий, Ибн Сино, ал- Урмавий, аш - Шерозий, ал- Хусайний, ал- Марвазий сингари улуғ олимларнинг кўплаб асарларида чуқур илмий шархлар билан асослаб берилган.

ЎН ИККИ МАҚОМ

XIV- XVII асрларда Марказий Осиё, Хуросон, Озарбайжонда ўн икки мақом (дувоздах мақом) мавжуд бўлганлиги тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Ўн икки мақом ҳақида аниқ маълумотларни XVI - XVII асрларда яшаб ижод этган олимлар Нажмиддин Кавкабий Бухорий ва Дарвеш Али Чангий ўз асарларида акс эттириб берганлар. Уларнинг рисоаларида Бухоро хонлиги даврида ижро этилган ўн икки мақом ва улар асосида бастакорлар томонидан басталанган куй ва ашулалар ва бастакорлар ҳақида маълумотлар берилади. Шундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ўн икки мақом XVIII асргача қўлланилган. XVIII аср ўрталарига келиб ўн икки мақом асосида шашмақом шаклланган дейишга тўла асос бўлади. Чунки ўн икки мақомдаги номларнинг кўпчилиги нота ёзуви бўлмаганлиги сабабли барча ижродаги мақом туркумлари сақланиб қолмаган ҳам бўлиши мумкин, деган хулоса ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ўн икки мақомнинг шўобаларида Шашмақомнинг барча шўобалари номларини учратамиз.

Нажмиддин Кавкабий ўн икки мақом тузилишини қуёш буржларига асослаб 12 юлдуз туркумларига қиёслайди ва қуйидаги нисбат билан тартиб беради:

- | | |
|------------------------|--------------------|
| 1. Хамал - Роҳавий | 7. Мезон -Рост |
| 2. Савр - Зангула | 8. Ақраб - Хижоз |
| 3. Жавзо - Бузург | 9. Қавс - Ироқ |
| 4. Саратон - Хусайний | 10. Жадий -Бусалик |
| 5. Асад - Ушшоқ | 11. Далв - Наво |
| 6. Сунбула - Зирофқанд | 12. Хут - Исфакон |

Юқорида кўрсатилган буржлар, қуёшнинг фалак бўйлаб ҳаракатланиши йўлида жойлашган юлдузлар номи бўлиб, қуёш йил давомида ҳар бирида бир ой бўлиб ўтади. Буржлар айланасининг аввалида ҳамал ойининг келиши эса янги йил ҳисоби Наврўз билан бошланиши ва шу кунда қуёш ҳамал буржига келиши билан изоҳланади.

Ўн икки мақомнинг номлари, овоза ва шўобаларини қуйидаги жадвал асосида кўрсатиш мумкин.

Ўн икки мақом тузилиши:

Ўн икки мақом номланиши	Овозалари	Шўобалари
Ушшоқ	Наврўз	Дугоҳ Сегоҳ
Наво		Чоргоҳ Панжгоҳ
Бусалик	Салмак	Ашийран Баётий
Рост		Наврўзи араб Наврўзи хоро
Хусайний	Гардонийа	Наврўзи Баётий Хисор
Хижоз		Нукуфт Уззол
Роҳавий	Гавашт	Авж Найриз
Зангула		Маборкао Ражб
Ироқ	Мойа	Наврўзи сабо Хумоюн
Исфакон		Зовулий Исфаконак
Зирофқанд (кучак)	Шахноз	Рўйи ироқ Бастан нигор
Бузург (бузрук)		Нихованд Жавзий Мухайяр

Албатта, буни мукаммал жадвал дейиш ўринли бўлмаса-да, хар холда ўн икки мақомнинг тузилиши нуқтаи назаридан яқинлашиш деб тушуниш мумкин бўлади.

ШАШМАҚОМ **(Олти мақом)**

Шашмақом тожикча сўз бўлиб, олти мақом маоносини англатади. Шашмақом ижроси қадимдан бастакорлик аноаналари натижасида дунёга келган ва халқ бастакорлари ижодининг махсулидир. Бастакор сўзи форсий атама асосида боғловчи деган маонони англатади. Барча мақом туркумлари ижроларининг шўобаларини қайсидир бир бастакор яратган ва халқона бўлганлиги учун халқ мулкига айланиб кетган. Шунингдек, бунинг натижасида мақом йўллари бойиб бораверган. Хозирда ҳам бу аноана давом этмокда.

Шашмақом ўзбек мусикий маданиятида беқиёс ўринга эга ва халқимиз мусикий меросининг асосини ташкил этади. Унинг таркибида 250га яқин мушкулот (чолғу) ва наср (ашула) йўллари бўлиб, буларнинг барчаси аниқ лад ва услублар асосида бир-бирига боғлангандир. Шашмақом таркибида ўзига хос шаклдаги йирик туркумлар бўлиб, улар Бузрук, Рост, Наво, Дугох, Сегох, Ироқ деб номланади. Буларнинг хар бири 20тадан 45 тагача катта ва кичик хажмдаги мақом йўлларида иборатдир. Шашмақомдаги хар бир туркум якка куй ва ашулалар тарзида созанда, хонанда ва дасталар томонидан ижро этилган ва хозир ҳам ижро этилади. Мақомларнинг хар бири икки бўлимдан иборат бўлиб, улар чолғу ва ашула бўлимларга ажралади. Юқорида айтганимиздек, мушкулот ва наср деб аталади.

Мақомларнинг мушкулот қисмида бир хил ном билан айтадиган чолғу қисмлари мавжуд бўлиб, оханглари турлича бўлади, лекин усули бир хил чалинади. Улар Тасниф, Таржи, Гардун, Мухаммас, Сақил деб номланади. Мақомларда номдош бўлмаган чолғу қисмлар ҳам учрайди. Масалан, Навода - Нағмаи Ораз, Дугохда Пешрави Дугох ва Самои Дугох, Сегохда - Хафифи Сегох ва хоказо.

Хар бир чолғу қисм хона ва базгўйлардан ташкил топган.

«Хона» - уй маоносини билдириб, куйнинг ўзгарувчан бўлагидир. Бунда куй мазмуни янгича услубда авж томон ҳаракатланиб, бош пардага қайтиб тушади ва мазмунан бойиб боради.

«Бозгўй» - «қайтариқ» маоносини англатади, бунда куй хоналаридан сўнг такрорланади ва тугалланади. Яна ижроларнинг такомиллашувида «пешрав» куй қисмлари катта аҳамият касб этади. Пешрав - олдинга юрувчи маонони беради ва куйнинг турли баландликларида бир неча марта такрорланади ва бозгўйга уланиб кетади.

Шашмақомнинг наср (ашула) бўлимининг шўобалари ҳам бастакорлик ижодининг маҳсулидир. Бунда 200 дан ортиқ турли шаклдаги ашулалар мавжуд бўлиб, улар асосида ҳам бастакорлар томонидан юзлаб куй ва ашулалар яратилган. Шашмақомнинг ашула бўлимлари анчагина мураккаб шаклдаги шўобалардан таркиб топган ва асосан, бир-биридан ажралиб турадиган икки хил шўобалар гуруҳига бўлинади.

Биринчиси _ Сарахбор, Талқин, Наср ва Уфар қисми. Иккинчисининг эса асосан, Савт - мўғулча шаклидаги шўобалар киради. Ашула бўлими ижроларида намудлар катта ўрин тутди. «Намуд» - кўриниш, ўхшаш маоносин англатиб, маолум бир ашула қисмининг иккинчисида қайтарилиши тушунилади. Намудлар шашмақомнинг ашула бўлимида кўп учрайди. Булар Дугоҳ, Сегоҳ, Баёт, Наво, Уззол, Ушшоқ, Ораз, Насруллоҳи, Мухайяри Чоргоҳ намудларидан иборат бўлиб, буларнинг аталишидан мақомнинг қайси шўобасидан олинганини билиб олиш мумкин. Бир мақомдан олинган намуд иккинчи мақомда фойдаланилганда, шу мақом шўобасининг куй ҳаракати, тузилиши ва доира усуллариға мослаштирилади. Намудлар йирик шаклдаги халқ ашулаларида ҳам учрайди. Бундан ташқари, аноанавий кўшиқ ижросидаги асосий ишлатиладиган авжлар, яъни Зебо пари авжи, Турк авжи сингари авжлар ҳам намудлар вазифасини бажаради ва ижроға жило беради.

Зебо пари авжи - Сегоҳ мақомидан ташқари барча мақомларда ишлатилади ва машҳур авж саналади. Бу авжни исфаралик машҳур хофиз Зебо пари яратган бўлиб, мақом ва аноанавий кўшиқ ижросига янгилик сифатида кириб келган ва машҳур бўлиб кетган.

Турк авжи деб номланувчи авж қадимий бўлиб, Бузрук ва Сегоҳ мақомлари шўобаларида фойдаланилган. Бундан ташқари, аноанавий кўшиқ ижросида ҳам жуда зарурий авж сифатида

ишлатилади. Мазкур намуд ва авжлар мақом шўобаларида куй тузилмаларининг қонуний ривожланиши, куйнинг рухи, қиёфаси лад асосининг парда тузилиши ва доира усулининг хусусиятларига мослаб олинади. Улар турли усулдаги ашулаларда ўзига хос оханг билан жилоланади.

Юқорида айтганимиздек, Шашмақомнинг биринчи гуруҳ шўобаларига Сарахбор, Талқин, Наср, уларнинг тароналари ва Уфар қисмлари киради. Хар бир мақом туркуми Сарахбор билан бошланади.

Сарахбор - тожикча «сар», яони бош, ахбор - арабча «хабар» маоносини беради ва бош ижро йўли мазмунини англатади. Олти мақомнинг хар бирида улар мақомлар номи билан қўшилиб, Сарахбор, Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ, ва Сарахбори Ироқ - деб номланади. Улар 11-14-15 бўғинли шеорий вазнда ижро этилади.

Талқин - арабча «тушунтириш» маоносини англатиб, бу шўоба Ироқдан ташқари барча мақомларда учрайди ва Талқини Уззол, Талқини Ушшоқ, Талқини Баёт, Талқини Чоргоҳ, Талқини Сегоҳ деб юритилади. Талқиннинг тароналари эса, Сарахбордаги каби вазифани бажаради. Фойлатун-фойлатун-фойлатун-фойлун шеорий вазн билан ижро этилади.

Наср - сочма маоносини англатиб, улар Шашмақомда ўн тўртта ном билан аталади:

Бузрукда - Насруллои, Наср Уззол;

Ростда - Наср Ушшоқ, Наврўзи Сабо;

Навода - Насри Баёт, Орази Наво, Хусайний Наво;

Дугоҳда - Насри Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Хусайний Дугоҳ;

Сегоҳда - Насри Сегоҳ, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам;

Ироқда - Мухайяри Ироқ.

Улар мафойилун - мафойилун - мафойилун вазнли шеорий туркумлар асосида ижро этилади.

Уфар - мақом ижроларининг якунловчи қисми бўлиб, шўҳ дойра усулида ижро этилади. Хар бир мақомнинг шўобалари ва уларнинг тароналари туркум тарзида ижро этилиб, уфар билан тамомланиб, охирги супориш билан якунланади. Уфар ижроларида турли вазндаги шеорлардан фойдаланилади.

Ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шўобалари Савт ва мўғулчалар усулида ижро этиладиган ашула йўллариidir. Иккинчи

гурух шўобалари беш қисмдан иборат бўлиб, асосан ашула йўлларида иборатдир. Бундан ташқари, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар шаҳобчалари ҳам мавжуддир. Улар Рамал, Комил, Музорео, Ражаз, Мутроқий вазнидаги шеорлар билан ижро этилади.

Иккинчи гурух шўобалари орасида Рок, Ироқи Бухоро, Мустаозоди Наво ўз тузилиши билан Савт мўғулча шўобаларидан фарқ қилади ва уларнинг бош қисмлари Сарахбор ва Талқин усулларида ижро этилади.

Биз қуйида Шашмақомнинг ҳар бир туркумининг номланиши, мазмуни, куй ва ашула йўллари тузилмалари ҳақида қисқача баён этишни лозим топдик ва шу асосда жадвалда кўрсатишга ҳаракат қилдик.

БУЗРУК МАҚОМИ

Олтита мақомнинг биринчиси шу ном билан аталади. Бу мақом қадимдан машҳур бўлган. Қадимий мусиқий манбаларда Бузрук аниқ лад тузилмасини ва унга мос куй ва ашулаларни ифодалаган. Ҳозиргача эса Шошмақом таркибидаги куй ва ашула йўллари билан ифодаланади.

«Бузрук» - форсча сўз бўлиб, «катта, улуғ» маоноларини билдиради ва маоносига қараб ҳам кўплаб куй ва ашула йўллари ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам улуғ мақом деб номланади. Бузрук мақомининг чолғу бўлими Таснифи Бузрук, Таржеи Бузрук, Гардуни Бузрук, Мухаммаси Бузрук, Мухаммаси Насруллои, Сақилий Ислимий, Сақилий Султон чолғу ижроларидан иборат. Бу чолғу қисмлар куй тузилиши, охангдорлиги билан мукаммал асарлар сарасига киради.

Бузрук мақомининг чолғу ва ашула йўллариининг бадий киммати шундан иборатки, улар асосида бастакорлар томонидан жуда кўп куй ва ашулалар яратилган.

Бузрукнинг чолғу қисмидаги куйлар бирин - кетин ижро этилгандан сўнг, шўобаларга ўтилади. Бу шўобалар Сарахбори Бузрук, Талқини Уззол, Насруллои, Насри Уззол, Уфори Уззол номлари остида тароналари билан туркум тарзда ижро этилади. Улар орасида Насруллои ва Насри Уззол Наср шўобалари

саналади. Уларнинг авжлари Ушшоқ, Уззол, Мухайяри, Чоргоҳ намудлари асосида бўлиб, Насруллоида эса турк авжидан фойдаланилган. Хеч қайси шўобаларни камситмаган ҳолда Бузрук мақомининг асосий Наср шўобаларидан бўлмиш Насруллои ҳақида бироз тўхталамиз.

Насрулло - шу номли куй ва ашулани яратган бастакорнинг таҳаллусидир. Баози манбаларга қараганда, Хуросон ҳукмдори Султон Санжар замонида машҳур Насрулло хофиз ўтганлиги, подшоҳ Санжар ва Насрулло хофиз ҳақида ривоятлар ҳам мавжуд. Халқ орасида машҳур бўлган Насруллои шўобаси 12 мақомда «Роҳавий» номи билан аталган.

Насруллои ижролари Бузрукнинг бошқа шўобаларидан фарқ қилади ва мусиқа ижодиётига сезиларли таосир кўрсатган. Унинг асосида туркум тарзида ижро этиладиган Насруллои номи билан машҳур бўлган 5 қисмли куйлар Фарғона Насруллови деб номланган ашула йўллари яратилган бўлиб, сўнгги йилларда машҳур хофиз ва бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев бу ижро йўлларини янгича талқин этди.

Насруллоининг 5 қисмли куйлар мажмуини кўхна қадимий созлар билан тўлдирилган «Мерос» ансамбли машҳур созанда Ғуломжон Хожиқулов раҳбарлигида муваффақиятли ижро этдилар.

Бузрук мақомидаги яна бир машҳур ижро иккинчи гуруҳ шўобаларидан бири «Савти Сарвиноз» номи билан машҳур. Савти Сарвиноздаги куй ва ашулалар оҳангдорлиги билан ажралиб туради.

Бу ашула оҳанглари асосида XIX асрнинг охирида Шаҳрисабзлик машҳур бастакор мақомдон хофиз Абдурахмонбек уч қисмли туркум яратди. Бу туркум ҳозиргача севиб ижро этилади.

XX асрнинг бошларида Марғилонлик Мадали хофиз Абдурахмонбеги туркумини тўлдириб, уни еттита ашула йўлини яратди ва ўз даврида бу ижролар «Мадалибеги» номи билан машҳур бўлган ва 1912 йилда пластинкага ёздирилган. Бу ноёб пластинка ҳозирда Марғилон санъат музейида сақланади.

Бузрук мақомининг 2 гуруҳдаги шўобаларидан бири халқнинг сеvimли ижроларидан Ироқи Бухоро саналади. Бу ижро ўзининг жозибаси билан куй тузилиши, авжининг хилма - хиллиги билан ажралиб туради.

Ироқ йўллари асосида Чўли Ироқ, Суворий сингари машхур чолғу асарлари, Тошкент Ироқи каби ашулалар юзага келган ва севиб чалиниб, куйланиб келади. Умуман, Бузрук мақоми Шашмақом таркибида бош катта мақом вазифасини ўзининг мусиқий салобати билан тўлдириб туради.

БУЗРУК МАҚОМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ЧОЛҒУ БЎЛИМИ

1. Таснифи Бузрук
2. Таржеи Бузрук
3. Гардуни Бузрук
4. Мухаммаси Насруллои
5. Сақили Ислимий
6. Сақили Султон

АШУЛА БЎЛИМИ

Биринчи гуруҳ шўобалари

1. Сарахбори Бузрук. Тарона 1,2,3,4,5
2. Талқини Уззол Тарона
3. Насруллои Тарона 1,2,3,4
4. Насри Уззол
5. Уфори Уззол. Супориш. Уфар

Иккинчи гуруҳ шўобалари

1. Мўғулчаи Бузрук шахобчалари
Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.
2. Савти Сарвиноз шахобчалари:
Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар
3. Ироқи Бухоро шахобчалари:
Талқинча, Чапандоз, Соқийнома, Уфар.
4. Рок шўобалари:
Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар

Жами: 44 ижро.

РОСТ МАҚОМИ

«Рост» мақоми - қадимий мақомлардан бири бўлиб, 12 мақомнинг бири ҳисобланган. Рост мақоми борасида турли афсоналар ҳам мавжуд бўлиб, Одам ато ва Момо Хаводан қолган

деб ҳам юритилади. «Рост» ибораси «мос келадиган, тўғри тушадиган» маноларини билдиради. Бу мақомнинг ладига кўп куй ва ашулалар мос келгани учун Рост деб номланган. Рост мақоми ҳам чолғу ва ашула бўлимларидан иборат бўлиб, мушкулот қисми Таснифи Рост, Гардуни Рост, Мухаммаси Рост, Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммас Панжигох, Сақилий вазмин, Сақилий Раг-раг деб номланади. Ростнинг ашула йўллари биринчи ва иккинчи шўобалардан таркиб топган бўлиб, биринчи гурух Сарахбори Рост, Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Наврўзи Сабо шўобалари ва Уфари Ушшоқ қисмидан иборат.

Рост мақомининг ашула бўлими бош мавзуи бўлган Сарахбори Рост ўзининг куй тузилиши жихатдан бетакрор ашула йўлларида бўлиб, жуда мураккаб қиёфага эга. Рост мақомининг иккинчи шўобаси «Талқини Ушшоқ» деб номланади. Бу мақомда Ушшоқнома билан машхур бир неча шўоба ва қисмлар мавжуд. Биринчи гурух шўобаларида Насри ушшоқ ва Уфори Ушшоқ ашула йўллари мавжуд. Уларнинг барчаси бир-бири билан ҳамоханг бўлиб, куй тузилиши ва таркибий қисмлари ҳам бир хилдир. Ушшоқ ибораси арабча «Ошиқлар» маносини англатади. Ушшоқнинг чолғу ва ашула йўллари ишқий, лирик оханг касб этишини ўзи ушбу маонога монандлигини кўрсатади.

Ўтмиш мусиқий манбаларида Наврўзи Араб, Наврўзи Хоро, Наврўзи Баёт, Наврўзи Ажам, Наврўзи Сабо сингари наврўз байрамига нисбатан берилган шўобалар мавжуд бўлганлиги айтилади. Бахор манзараларини лирикасини тасвирлайдиган ушбу ижролар 12 мақомда роҳавий мақомини шўобаси саналган. Шашмақомда эса Рост мақоми таркибига киритилган.

Рост мақомининг биринчи гурух шўобалари жуда машхур ашула йўллари саналади. Улар асосида Савт ижролари, уларнинг шохобчалари, Ушшоқнинг қатор вариантлари, Гулёри Шахноз ва унинг шохобчалари, сурнайда чалинадиган қатор мусиқа асарлари юзага келганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Рост мақомининг биринчи гурух шўобалари Сарахбори Ростдан бошланиб, унинг 4 та таронаси айтилади. Туркум эса Талқини Ушшоққа уланиб кетади. Таронасининг ижросидан сўнг Талқини Ушшоққа уланиб кетади. Сўнггра иккита таронаси, Наврўзи Сабо унинг талқинчасига ўтилади. Биринчи гурух шўобалари Уфори Ушшоқ ва охирги сипориши билан якунланади.

Рост мақомининг иккинчи гуруҳ шўобаларига Савти Ушшоқ, Савти калон, Савти Сабо киради ва Ростнинг биринчи гуруҳ шўобалари асосида яратилган бўлиб, уларнинг вариантлари саналади. Булардан Савти Ушшоқ шўобаси алоҳида мазмунга эга бўлиб, янгича сайқал билан жилоланади ва бой мазмундор ашула йўлларига эгадир.

Савти Ушшоқнинг куй оханглари асосида халқ бастакорлари жуда кўп куй ва ашулалар яратганлар. Халқимиз орасида машхур бўлган «Гулузорим», «Фарғонача тановар», «Тонг отгунча», Хоразм достонларида айтиладиган «Найлайин» ашуласи «Излайман» ва бошқа Фарғонача кўшиқ ва яллалар бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, Мухтор Ашрафийнинг «Дилором» операсидаги Дилором арияси, Дони Зокировнинг «Кўрмадим» романи, Дадаали Соатқуловнинг Муқимий ғазалига ёзган «Навбахор» романи, Тўхтасин Жалилов ижодига мансуб бир неча ашула йўллари, Ғанижон Тошматовнинг «Истадим» кўшиғига ўхшаган машхур ижролар Савти Ушшоқ ҳамоҳанглиги натижасида яратилган бўлиб, муסיқий маданиятимизнинг дурдоналарига айланиб кетган.

Рост мақомининг машхур шўобаларидан бири «Савти калон» саналади. «Калон» сўзи бастакор таҳаллусидир. «Савти калон» беш қисмли ашула йўли бўлиб, унинг шахобчалари Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уффордир. Улар асосида кўплаб куй ва ашулалар яратилган бўлиб, Қаландар 1- II (раққосасидан) “Фарход ва Ширин” драмасидаги Ширин арияси шулар жумласидандир.

Ушбу шўобадаги Соқиномайи Савти калон ашуласи машхур ижролардандир. Рост мақоми йўлларига мос куй ва ашулалар халқимиз муסיқий меросидан муносиб ўрин олган бўлиб, санъаткорларимиз томонидан севиб ижро этилиб келинади.

РОСТ МАҚОМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ЧОЛҒУ БЎЛИМИ

1. Таснифи Рост
2. Гардуни Рост
3. Мухаммаси Рост
4. Насри Ушшоқ. Тарона 1,2
5. Мухаммаси Панжгоҳ

6. Сақили вазмин
 7. Сақили раг-раг
- АШУЛА БЎЛИМИ**

Биринчи гурух шўобалари

1. Сарахбори Рост Тарона 1,2,3,4
2. Талқини Ушшоқ Тарона
3. Мухаммаси Ушшоқ
4. Наврўзи Сабо. Талқинча
5. Уфори Ушшоқ Сипориш

Иккинчи гурух шўобалари:

1. Савти Ушшоқ, Шахобчалари:
Қашқарча, Соқийнома, Уфар
2. Савти Калон. Шахобчалари:
Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфор
3. Савти Сабо шахобчалари:
Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфор

Жами: 35 ижро

НАВО МАҚОМИ

«Наво» мақоми - «Шашмақом» таркибидаги учинчи мақом санилиб, унинг тарихи ҳам ўтмиш замонларга бориб тақалади. «Наво» атамаси арабча сўз бўлиб, ёқимли куй, оханг деган манони англатади. Буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам ўз тахаллусини шу атамага монанд қўллаган бўлиб, «Наво чекувчи, куйловчи» маоноларини англатган. Ўтмиш мусиқа рисолаларида Наво мақоми Нағмаий Довудий, яони Довуд пайғамбар куйи деб ҳам аталади. Ўн икки мақомда наво мақоми иккинчи чолғу ва ашула бўлимларидан иборат. Ашула бўлими, биринчи ва иккинчи гурух шўобаларидан таркиб топган.

Наво мақоми саккизта чолғу қисмига эга бўлиб, Таснифи Наво, Таржеи Наво, Гардуни Наво, Нағмаи Орази Наво, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Хусайний, Сақили Наво деб номланади. Тасниф - мақомнинг бош куйи, Таржео - қайтарма

оханглардан иборат куй, Гардун, Мухаммас ва Сақил иборалари дойра усулларининг ифодасидир. Шунингдек, Нағмаи Орази Наво, Хусайний бастакорнинг тахаллусларига нисбатан берилган атама саналади.

Навонинг чолғу йўллари охангларга бой, тез таосир этадиган, куйлардан тузилган. Навонинг чолғу қисмида усуллар ўзгарсада, бирин-кетин келгани учун бир-бирига боғлиқликни кузатиш мумкин. Наво мақоми асосида қатор чолғу куйлари, сурнай наво йўллари яратилган.

Наво мақомининг ашула бўлими биринчи гурух шўобалари Сарахбор, Талқин, учта Наср ва битта Уфар қисмларидан таркиб топган. Биринчи гурух шўобалар - Сарахбори Наво, Талқини Баёт, Наср шўобалари - Наср Баёт, Орази Наво, Хусайний Наво деб номланади ва ўзларининг тонларига эга. Уларнинг биринчиси Савти Наво, Наво оханглари таосирида юзага келган. Чапандоз дойра усулида ижро этилгани учун «Чапандози наво» деб ҳам номланади. Устоз Юнус Ражабий «Савти» дойра усулини қўшиб, куй йўлининг барча ҳаракатларини сақлаб қолиб, ашула йўлини юзага келтирди. Натижада Савти Наво тўлдирилиб, унинг олти қисмли шакли юзага келди. Савти Навонинг бош ашула йўли ижро этилгандан сўнг ижро этилади. «Чапандози Савти Наво» ва унинг Талқинчаси, Қашқарчаси, Савти Навонинг машҳурлиги шундаки, шу асосда барча ижроларда севиб айтиладиган «Авжи Турк» юзага келган.

Наво мақомининг иккинчи гурухга кирган машҳур шўобаларидан бири Мўғулчаи Наво деб номланади ҳамда Талқинча ва Қашқарча ашула йўллари мавжуд бўлиб, туркум сифатида ижро этилади. Наво мақомининг иккинчи гурух шўобаларидан учинчиси Мустаозоди Наво деб номланади ва унда ҳам Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар қисмлари мавжуд. «Мустаозод» шеор вазни ифодаси бўлиб, арабчада «орттирилган» маносини англатади.

Мустаозоди Навонинг куй йўлида ҳам шеор шаклидаги каби орттирилган куй бўлаги мавжуд бўлиб, ҳар бир куй жумласи кетидан уни якунлаб боровчи кичик бир куй бўлаги қўшилади.

Мустаозоди Навонинг биринчи хати - даромад, иккинчи хати - миёнхат, учинчи ва тўртинчи хатлар Баёт намуди, бешинчи хати Наво намуди, охириги хати эса - туширим қисмлардан иборат. Мустаозоди Навонинг бош йўли ижро этилгандан сўнг унинг

шаҳобчалари - Талқинчаси, Қашқарчаси, Соқийномаси, Уфори ўқилади.

Умуман олганда Наво йирик мақомлардан бўлиб, унинг оханглари асосида жуда кўп куй ва ашула ҳамда сурнай йўллари яратилган. Бу асосда Фарғона, Тошкент, Тожикистон воҳаларида машхур бўлган баёт ижролари ва туркумлари яратилганлиги ва севиб ижро этилганлиги яққол мисол бўла олади. Баёт йўллари шу қадар кенг тарқалганки, унинг асосида кўплаб вариантлар яратилган ва ҳозир ҳам изланишлар давом этмоқда. Бастакорлар бу асосда куй ва ашулалар яратмоқдалар. Шундан кўринадики, Наво мақоми асосида келгусида ҳам кўплаб муסיқий асарлар яратилади.

НАВО МАҚОМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ЧОЛҒУ БЎЛИМИ

1. Таснифи Наво
2. Таржеи Наво
3. Гардуни Наво
4. Нағмаи Орази Наво
5. Мухаммаси Наво
6. Мухаммаси Баёт
7. Мухаммаси Хусайний
8. Сақили Наво

АШУЛА БЎЛИМИ

Биринчи гуруҳ шўобалари:

1. Сарахбори Наво. Тарона 1,2
2. Талқини Баёт Тарона
3. Насри Баёт Тарона 1,2
- 4 Орази Наво Тарона 1,2,3
5. Хусайний Наво
6. Уфари Баёт. Супориш

Иккинчи гуруҳ шўобалари:

1. Савти Наво шаҳобчалари:
Чапандози Савти Наво, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.
2. Мўғилчаи Наво шаҳобчалари:
Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.
3. Мустаозоди Наво шаҳобчалари:
Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.

Жами: 40 ижро

ДУГОХ МАҚОМИ

Шашмақом таркибига кирган тўртинчи мақом - Дугоҳ мақомидир. Дугоҳ атамаси икки ўрин, икки жой маоносини билдиради. Ўн икки мақом мажмуасида Хусайний моқомининг шўобаларидан биридир. Дугоҳ мақомининг Хусайний шўобасини, яъни Дугоҳ Хусайнийни тинглаб кўрилса, куй бошланишидаги товушлар оралиғидаги даромаддан олдин келадиган икки пардани гувоҳи бўламиз. Яъни ашула тоникадан олдинги пардадан бошланади.

Эй тан бас айла ғамли қиш ўтса баҳор бўлур

Шунга ўхшаш ижроларни дугоҳ мақомининг кўп шўобаларида учратиш мумкин. Дугоҳ Шашмақом таркибида мустақил мақом бўлиб, бошқа мақомлар сингари чолғу ва ашула бўлимларидан иборатдир. Чолғу қисми ва шўобалари туркум тарзида ижро этилади. Дугоҳнинг чолғу йўллари Таснифи Дугоҳ, Таржеи Дугоҳ, Гардуни Дугоҳ, Пешрави Дугоҳ, Самои Дугоҳ, Мухаммаси Дугоҳ, Мухаммаси Чоргоҳ, Мухаммаси Хожи Хўжа, Мухаммаси Чор Сархона, Сақили Ашқулло деб номланади. Дугоҳ мақомининг чолғу йўллари куй тузилиши жихатдан мукамал асарлар бўлиб, улар бадий бўёқларга бойдир. Чолғу бўлимидаги куйлар ижро этилгандан сўнг ашула йўли шўобаларига ўтилади. Ашула бўлими биринчи гуруҳ шўобалари тароналари билан яхлит ҳолда туркум тарзида ижро этилади. Булар асосий йўллар саналиб, Сарахбори Дугоҳ, Талқини Чоргоҳ, Орази Дугоҳ, Хусайний Дугоҳ шўобаларидир ва Уфар Чоргоҳ қисмидир.

Сарахбори Дугоҳ мақом шўобаларининг асосий мазмунини ташкил этади ва Навоийнинг:

*Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гул узор,
Ғахи кўзимга хол тушибдур, ғахи губор*

номли машҳур ғазали билан ижро этилади. Сарахбори Дугоҳ куй тузилиши жихатдан мураккаб бўлиб, бир неча куй қисмларидан таркиб топган. Унинг даромад ва миёнхат қисми чолғу муқаддима билан бошланиб, яна бош пардага қайтиб тушади. Учинчи хат Зебо

пари авж, тўртинчи, олтинчи хатлар Чоргох намуди, еттинчи хат туширим қисмларидан иборатдир.

Сарахбори Дугох Фарғона - Тошкент ижрочилигида машхур бўлган Чоргох йўлига жуда яқинлик сезилади ва кейин олти таронасига уланиб кетади. Олтинчи таронаси супориш орқали Талқини Чоргох, Насри Чоргох, Уфори Чоргох ашула йўлларига уланади. Талқини Чоргох куй билан бошланиб, Даромад, Миёнхат, Мухайяри Чоргох намуди ва туширим қисмлари мавжуд.

Дугох мақомининг Наср шўобаларидан бири учта таронаси бир-бирига уланиб кетади. Охирги таронасида супориш айтилиб, Хусайний Дугохга уланиб кетади. Бу ижро ривожланиб, Фарғона-Тошкент машхур ижро йўлларида Дугох Хусайний туркумларига олиб келади. Сурнай Дугохи, ўйин Дугохи ҳам шу ижронинг давомийлигидир. Дугох Хусайний олти қисми ашула йўллари бирлаштирган. Улар бир-бирларидан Дугох Хусайний I, II, III, IV, V, VI деб фарқланади.

Дугох мақомининг иккинчи гуруҳ шўобалари Савти Чоргох, Мўғулчаи Дугох, Оромижон - деб номланган ашула йўллари ва улар асосида яратилган ашула намуналаридан иборат. Булар ичида мураккаброғи Савти Чоргох бўлиб, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар шахобчалари туркум тарзида ижро этилади. Савти Чоргохнинг Қашқарча, Соқийнома йўллари бир-бирига ўхшаш бўлиб, Уфари эса Чоргох ва Уфари Оромижон билан ҳамоҳангдир.

Дугох мақомининг иккинчи гуруҳ шўобаларидан бири «Сарахбори оромижон» деб аталиб, биринчиси Сарахбори Оромижон, Оромижон, Уфори Оромижон деб аталган уч қисмга бўлинади. С.О. Даромад, Миёнхат, Мухайяри Чоргох намуди ва тушириш қисмларидан таркиб топган. Бобурнинг машхур байти билан ижро этилади:

*Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглимдин ўзга махрами асрор топмадим.*

Дугох мақоми асосида жуда кўп ашула йўллари яратилган бўлиб, айниқса, Фарғона-Тошкент ижрочилигида Дугохи Хусайний, Чоргох туркумлари жуда машхурдир. Дугохи Хусайнийнинг шахобчалари олти бўлиб, I-Сарахбори усулда, II-Савти усулда, кейингиси Қашқарча усулда ижро этилади. Дугох Хусайнийнинг

сурнай йўллари хам машхур бўлиб, Сурнай Дугохи, мушкулоти дугох, Самойи Дугох деб номланади. Яна бир машхур туркум «Чоргох» бўлиб, I, II, III, IV, V, VI тартибида ижро этилади. Чоргох I, куй тузилиши жихатдан Сарахбори Дугохнинг бир кўринишидир. Чоргох II эса Савти Чоргохнинг ўзгача вариантыдир. Савти Чоргох ва Чоргох III нинг куй тузилиши бир хилдир. Чоргохнинг IV, V, VI шахобчалари куй мавзуи жихатдан бир-бирининг ритмик вариантыдир. Чоргох йўллари асосида кўплаб чолғу йўллари, патнисаки ашулалар, сурнай йўллари яратилган бўлиб, улар халқимиз мусиқа меросининг ривожланишида жуда катта қийматга эга.

ДУГОХ МАҚОМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ЧОЛҒУ БЎЛИМИ

1. Таснифи Дугох
2. Пешрав
3. Таржеи Дугох
4. Гардуни Дугох
5. Самои Дугох
6. Мухаммаси Дугох
7. Мухаммаси Чоргох
8. Мухаммаси Хожихўжа
9. Мухаммаси Чор Сархона Супориш
10. Сақили Ашқулло Уфар

АШУЛА БЎЛИМИ

Биринчи гуруҳ шўобалари

1. Сарахбори Дугох.
Тарона. 1,2,3,4,5,6
2. Талқини Чоргох. Тарона
3. Насри Чоргох. Тарона
4. Орази Дугох. Тарона 1,2,3
5. Хусайний Дугох

Иккинчи гуруҳ шўобалари:

1. Савти Чоргох шахобчалари:
Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар
2. Мўғулчаи Дугох шахобчалари:
Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар, Қаландар
(ашула йўли) Самандар (ашула йўли).
3. Сарахбори Оромижон. Оромижон. Уфари Оромижон.

Дугох мақоми асосида яратилган куй ва оханглар:

Дугох Хусайний I, II, III, IV, V, VI

Чоргох I, II, III, IV, V, VI

СЕГОХ МАҚОМИ

Сегох - ўн икки мақом тизимидаги мақомларнинг учинчи пардасидан бошланиб ижро этиладиган куй ва ашулаларнинг намунаси бўлиб, «уч ўрин» маоносини англатади. Хозирда Сегох атамаси куй ва ашула йўлларини бошланғич уч пардаси ижро жараёнида ишлатилади. Сегох мақомининг чолғу ва ашула йўллари халқ орасида жуда кенг тарқалган. Сегохнинг патнисаки йўли ҳам мавжуд. Сегохнинг чолғу бўлимида Таснифи Сегох, Таржеи Сегох, Хафиф Сегох, Гардуни Сегох, Мухаммаси Сегох, Мухаммаси Ажам, Мухаммаси Мирзо Хаким, Сақили Баёт Нигор деб номланган қисмлар мавжуд. Сегох мақоми туркум тарзида ижро этилса, Таснифи Сегохдан бошланади. Таснифи Сегохнинг куй мавзуи Сегохнинг бошқа чолғу қисмлари ва шўобаларида тез-тез намоён бўлиб туради. Таржеи Сегох хоналари Таснифи Бузрукдаги Пешравларни эслатади. Хафифи Сегох чолғу йўли Таснифи Сегохнинг маолум вариантыдир. Дойра усуллари ҳам бир-биридан фарқ қилмайди.

Гурдуни Сегох куйи машхур бўлиб, жуда ёқимли эшитилади. Сегох мухаммасидаги хона ва бозгўйларнинг ҳар бири тўрттадан бўлиб, 16 тактдан иборат. Сегохнинг Мухаммаси Ажам, Мухаммаси Мирзо Хаким, Сақил Баста Нигор чолғу қисмлари куй тузилиши жихатдан ранг-баранг оханглардан иборат. Сегох мақомининг чолғу қисмлари ижросидан сўнг ашула қисмига ўтилади. Ашула қисмлари шўобалари икки гуруҳдан иборат бўлиб, биринчи гуруҳга Сарахбори Сегох, Талқини Сегох, Насри Сегох, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам ва Уфари Сегох қисмлари киради. Бу шўобалар бир неча тароналари билан туркум тарзида ижро этилади. Бу шўобалар орасида Сарахбори Сегохда етти тарона, Талқини Сегохда, Насри Сегох ва Наврўзи Ажамда биттадан тарона, Наврўзи Хорода учта тарона мавжуд. Бу шўобалар орасида учта наср шўобалар бўлиб, улар Насри Сегох, Наврўзи Хоро ва Наврўзи Ажам номлари билан машхурдир.

«Хоро» сўзи арабчада тоғли жой, «Ажам» ибораси шарқ халқлари номланиши ифодасидир.

Ашула бўлими Сарахбори Сегох шўобаси билан бошланади. Сўнгра унинг тароналари ўзига хос янграйди. Охирги еттинчи таронаси супориш деб аталади. Сарахбори Сегохга Талқини Сегох шўобаси уланиб кетади. Талқини Сегох бетакрор ашула йўли бўлиб, кўпроқ Хусайний Наво охангини эслатади. Насри Сегох талқини Сегох билан хамохангдир. Лекин янгича оханг ва мазмун касб этади ва авжида Наво ва Ораз намудлари учрайди. Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам, Наврўзи Сабо шўобалари ўтмишда ўн икки мақом тизимидаги шўобалар номи билан саналади. Наврўзи Ажам шўобасининг куй тузилиши бўйича бошқа шўобалардан фарқ филади. Унда Турк авжи орқали Уфари Сегохга уланиб кетади. Сегох мақом йўллари асосида жуда кўп халқ куйлари ва ашула йўллари яратилган бўлиб, якка созларда, халқ чолғу дасталари, ашулачилар ансамбллари томонидан севиб ижро этилади.

Сегох оханглари замирида авж ҳам яратилган бўлиб, Сегох намуди деб юритилади. Сегохнинг иккинчи гурух шўобалари Мўғулчаи Сегох ва сегох оханглари асосида яратилган куй ва ашулалардан иборат. Мўғулчаи Сегох ўз шахобчалари билан бошқа мақомлардаги мўғулчалардан фарқ қилади. Унинг таркибида Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар йўлларида ташқари чапандоз дойра усуллари ижро этиладиган нимчўпоний дейилган шахобчаси ҳам бор. Мўғулчаи Сегохнинг Талқинчаи Мўғулчаи Сегох, Нимчўпоний, Қашқарча, Соқийнома ва Уфарлари унинг куй тузилмалари негизида юзага келган. Мўғулчаи Сегох талқинчаси кетидан уланиб айтиладиган шахобчаси «Каримқулбеги» деб номланади. Мўғулчаи Сегохнинг иккинчи шахобчаси Нимчўпоний ҳам халқ орасида Каримқулбеги деб аталади. У Сегохнинг бош пардасидан бошланади. Авжида Сегох намуди ва турк авжидан фойдаланилган. Каримқулбеги XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган машхур хонанда ва бастакордир. Мўғулчаи Сегохнинг охирги шахобчаси Уфар қисмидир. Уфари Мўғулчаи Сегох ўзига хос нодир ашула йўлларида бўлиб, шўхчан янграйди.

Сегохнинг чолғу ва ашула бўлими жуда ёқимли куй ва ашулалардан иборат бўлиб, улар асосида жуда кўп куй ва ашулалар яратилган. Улардан бири халқ орасида машхур бўлган «Гиря I-II» ашулаларидир.

«Гиря 1» Чапандоз усулида ижро этилиб, мухаммас шаклидаги шеорлар билан айтилувчи кичик хажмли ашуладир. Унинг авжида намудлар тушиб қолдирилган.

*Қўшилсин бу мухаммас базм ичра савти гулёра
Қўйинг йўл бермангиз улфатлар ичра бўлса азёра.*

Гиря иккинчининг куй тузилиши биринчидан фарқ қилади ва жадалроқ суроатда ижро этилади. «Фиғон», «Сувора», «Гулузорим» каби ажойиб ашула йўллари ҳам Сегох садоларига асосланган. Сегох йўллари заминида жуда кўп чолғу йўллари, махсус сурнайда чалинадиган куйлар ҳам яратилган эди.

Мушкулоти Сегох ва унинг Уфари, Патнисаки Сегох, Сайқал, Наврўзи Ажам ва унинг тароналари, Уфари Ажам шу кунгача севиб ижро этилади. Сегох йўллари Хоразмда ҳам кенг тарқалган бўлиб, «Норим-Норим» куйи, «Феруз» ашуласи, «Эшвой» қўшиғи ўзининг оханглари жихатдан Сегох йўлларининг ўзгача кўринишидир. Сегох мақомининг чолғу ва ашула қисмлари ва улар асосида юзага келган намуналар ўзининг бадийий - эстетик қиммати билан мусиқа меросимизда сезиларли ўрин эгаллайди.

СЕГОХ МАҚОМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ЧОЛҒУ БЎЛИМИ

1. Таснифи Сегох
2. Таржеи Сегох
3. Хафифи Сегох
4. Гардуни Сегох
5. Муҳаммаси Сегох
6. Муҳаммаси Ажам
7. Муҳаммаси Мирзо Ҳаким
8. Сақили Баста Нигор

АШУЛА БЎЛИМИ

Биринчи гуруҳ шўобалари:

1. Сарахбори Сегох
Тарона 1,2,3,4,5,6,7
2. Талқини Сегох
Тарона
3. Насри Сегох. Тарона
4. Наврўзи Хоро. Тарона 1,2,3
5. Наврўзи Ажам. Тарона
6. Уфари Сегох. Супориш

Иккинчи гуруҳ шўобалари:

1. Мўғулчаи Сегох шахобчалари:
Талқинчаи Мўғулчаи Сегох Каримқулибеги. Қашқарча, Соқийнома, Уфар

2. Сегох мақоми асосида яратилган куй ва оханглар:

Мушкулоти Сегох ва Уфар, Патнисаки Сегох, Сайқал, Наврўзи Ажам ва тароналари, Уфари Ажам, Гиря I, II.

Жами: 45 ижро

ИРОҚ МАҚОМИ

Ироқ мақоми қадимги мақомлардан бўлиб, у ҳақда маолумотлар минг йилдан буён манбаларда қайд этилади. Бу даврларда лад қурилмалари куй ва ашула бўлимлари бир неча бор ўзгариши табиий бўлиб, «Шошмақом» таркибида эса асрлар оша такомиллашуви натижасида ўзига хос ўринга эга бўлган мақомдир. «Ироқ» ибораси Шарқда машхур бўлган араб мамлакати ва унга нисбатан берилган мақом номидир. Мақомлар қадимдан машхур мамлакатлар, шаҳарлар, яратилган бетакрор бастакорлар номлари билан номланиб келган. «Ироқ» мақоми шарқ халқлари мусиқасида муҳим ўрин тутди ва турли халқларда бир-бирига ўхшамаган ўзига хос оханглар асосида юзага келган. Шашмақомдаги Ироқ мақоми эса ўзбек ва тожик халқлари мусиқасининг лад-тоналлиги, вазн ва усуллари, куй тузилиши хусусиятлари орқали чамбарчас боғлиқдир. Унинг таянч пардалари I, IV, V, VI-босқичлардир.

Ироқ мақоми ҳам чолғу ва ашула бўлимидан таркиб топган бўлиб, унинг чолғу бўлимида Таснифи Ироқ, Таржеи Ироқ, Мухаммаси Ироқ, Сақили Ироқ 1, 2, Сақили Калон дейилган куй йўллари мавжуддир.

Таснифи Ироқ ушбу мақомнинг бош куй мавзуи бўлиб, анча кенг. Саккизта хона ва бозгўйдан иборат. Ироқ мақомининг Тасниф, Таржео, Мухаммас ва Сақил йўллари яхлит ҳолда бирин-кетин ижро этилгандан кейин, унинг ашула бўлими шўобаларига ўтилади. Улар Сарахбори Ироқ, Мухайяри Ироқ, Чамбари Ироқ ва Уфари Ироқ деб номланади.

«Ироқ»да иккинчи гуруҳ шўобалари учрамайди. «Ироқ» мақоми шўобаларининг куй тузилиши ва ижро этиш услуби мураккаб бўлгани учун кўпчилик хонандалар ижро эта олмаганлар. Лекин профессор Фитратнинг ёзишича, машхур Бухоролик мақомдон хофиз Ота Жалол Мухайяри Ироқ асосида беш қисмли Савт шўобасини яратган ва «Савти Жалолий» деб номланган. Унинг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар шаҳобчалари бўлган.

Ироқнинг ашула йўллари туркум Сарахбори Ироқ билан белгиланади. Бу ашула йўлининг куй тузилиши жуда мураккаб бўлиб, у кичик октаванинг «ля» пардасидан бошланиб, икки ярим октавагача, яони учинчи октаванинг «ре» пардасигача кўтарилади. Бу ижрони камдан - кам хофизлар бажаришган бўлиб, кўпроқ хотин-қиз овозлар бўлган мақом ансамблларда авжларини тўлдирганлар.

Сарахбори Ироқ чолғу муқаддимасидан сўнг икки байтдан иборат ашула жумлалари билан бошланади. Учинчи хати ўрта парда, яони Миёнхат, тўртинчи ва бешинчи хатлар Зебо пари авжи, олтинчи ва еттинчи хатлар - Мухайяри Чоргох намуди, охириги хат тушуриш қисмларидан иборат.

Сарахбори ироқ халқимиз орасида ироқ номи билан машхур хамма куй ашулаларнинг асоси бўлиб хизмат этган. Сарахбори ироқ ўқилгандан сўнг унинг олти таронаси бирин-кетин ижро этилади. Қолган тўртта таронаси эса Наср дойра усулида ижро этилади.

Сарахбори Ироқ тароналари билан биргаликда ижро этилгандан сўнг Мухайяри Ироқ шўобасига ўтилади. Мухайяри Ироқ наср шўобаси бўлиб, Мухайяри Чоргох намудининг турли баландликларда такрор ижро этиладиган вариантыдир. Мухайяр - «танлаб олинган» деган маонони билдиради. Мухайяри Ироқ Дугох мақоми ладига мос бўлиб, Чоргох шўобаси билан хамоханг куйланади. Шунинг учун унинг асосида яратилган намуд «Мухайяри Чоргох» деб аталиши эҳтимолдан холи эмас. Мухайяри ироқ мунгли, дардли, таосирчан янграйди.

Мухайяри Ироқ ижросидан сўнг унинг тўртта таронаси ва сипориши ўқилади. Биринчи таронаси Фарғона ва Тошкентда машхур бўлган «Чоргох-2»нинг ўзидир. Лекин авжида мухайяри Чоргох намуди киритилган. Иккинчи тарона хам Чоргох йўлларини эслатади. Учинчи ва тўртинчи тароналари куй тузилиши бошқача бўлиб, бастакор оханглардан иборат. Супориш эса Сарахбори Ироқ куй жумлаларидан иборат.

Ироқ мақомининг яна бир шўобаси Чамбари Ироқ деб номланиб, биргина ашула йўлидан иборат. Чамбари Ироқ Фарғона ва Тошкентда машхур бўлган «Сувора»ни эслатсада, талқинча дойра усулида ижро этилади. Чамбари Ироқ чолғу муқаддима билан бошланади. Унинг биринчи хати - Даромад, иккинчи ва учинчи хатлар - ўрта пардаларда ижро этиладиган Миёнхат, тўртинчи хати Зебо пари авжи, бешинчи, еттинчи хатлар Миёнхатнинг

янгиланиши, охирги хати эса туширим қисмларидан иборат. Ироқ мақомининг Уфари мухайяри Ироқ билан охангдош бўлиб, унинг Уфар дойра усулидаги кўринишидир.

Умуман олганда, Ироқ мақоми туркум бошқа мақомларга нисбатан анчагина ихчам, унинг таркибида Сарахбор ва биттагина Наср шўобаси хисобланган Мухайяри Ироқ мавжуд бўлиб, унда «Талқин» ёки «Чапандоз», иккинчи гуруҳга кирадиган «Савт» ва «Мўғулча» шўобалари ҳам йўқ. Лекин Ироқ йўллари асосида жуда кўп куй ва ашула йўллари яратилган бўлиб, мисол учун Чўли Ироқ, Уфари Мушкулоти Ироқ, Тошкент Ироқи, Бозургоний, Сурнай Ироғи ва қатор ижроларни кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, Ироқнинг чолғу йўллари ижро этилиб, унинг Сарахбори ва Наср шўобалари тароналари билан ўқилгандан сўнг Уфар қисми ва супориш билан туркум тугалланади.

ИРОҚ МАҚОМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ЧОЛҒУ БЎЛИМИ

1. Таснифи Ироқ
 2. Таржеи Ироқ
 3. Мухаммаси Ироқ
 4. Сақили Ироқ 1,2
 5. Сақили Калон
- Уфар, Супориш

АШУЛА БЎЛИМИ

Биринчи гуруҳ шўобалари:

1. Сарахбори Ироқ.
Тарона 1,2,3,4,5,6
2. Мухайяри Ироқ
Тарона 1,2,3,4

Иккинчи гуруҳ шўобалари:

1. Чамбари Ироқ, Уфар, Супориш
2. «Савти Жалолий» шўобаси: Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар
3. Ироқ мақоми асосида яратилган куй ва оханглар: Чўли Ироқ, Уфари Мушкулоти Ироқ, Тошкент Ироқи, Бозургоний, Сурнай Ироқи.

Жами: 31 ижро

Умумий Шашмақом ижроси баози тахминлар асосида 250 ижро деб олинди.

ХОРАЗМ МАҚОМЛАРИ

Хоразм мақомлари асосларига келсак, бу масалага икки томонлама ёндошиш зарурияти туғилади. Чунки Хоразм мақомлари юзасидан турлича қарашлар, бахсталаб фикрлар мавжуд бўлиб, барчасига маолум даражада ёндошиш, қайси томоннинг фикри ҳақиқатга яқинроқ эканлигини идрок этиш зарур бўлади. Бу санъат мухлисларининг фикрига боғлиқ.

Биринчидан, Хоразм мақомларининг яралиши ва ижро услублари ҳақидаги бахсларга қулоқ тутмоқ зарур бўлади. Баози маолумотларга қараганда, хоразмлик созанда ва бастакор Ниёзжон Хўжа XIX аср бошларида Бухорога бориб «Шашмақом»ни ўрганиб, Хоразмда уни тарғиб қилгани, Хоразм мақомлари «Шашмақом»нинг ўзгинаси эканлиги айтиб ўтилади.

Иккинчи бир манбаларда Хоразм мақомларининг айрим қисмларидаги парчалар тузилиш жихатидан ва характер жихатидан бир-биридан фарқ қилиниши айтилади. Қандай бўлмасин, Хоразм мақомлари Мухаммад Раҳимхон Соний - Феруз даврида машхур шоир ва мусиқашунос Комил Хоразмий ва ўғли Мухаммад Расул Мирзо ҳамда шогирдлари томонидан Хоразм олти ярим мақоми «Танбур чизиғи»га ноталаштирилганлиги ҳақида аниқ маолумотлар мавжуд.

Хоннинг ўзи ҳам етук шоир, созанда, бастакор, хофиз бўлганлиги, қадимий мақом куйлари асосида «Наво», «Сегох», «Дугох»ларга боғлаб куйлар яратгани, у яратган Феруз I, II, III ижролари халқ ичида машхур бўлиб кетганлиги айтиб ўтилади. Хатто Хоразм мақомларини халқнинг дахлсиз мулки деб эолон қилиб, мақомларни камситган ёки бузиб ижро этганларни қаттиқ жазолаш ҳақида фармони олий чиқарганлиги аниқ манбалар асосида кўрсатилади.

Хоразм мақомларини ноталаштиришга қатор мусиқашунос олимлар қўл уришган. Мулла Бекжон билан машхур мусиқашунос Матюсуф Девон 1925 йилда Москвада чоп этилган «Хоразм муסיкий тарихчаси» асарида Хоразм мақомларининг тузилиши, шакллари, ижро йўллари ҳақида маолумотлар беришган ва айрим

нота кўринишлари билан тўлдиришган. Хоразм мақомлари билан таниқли мусиқашунос Е.Е. Романовская ҳам шуғулланган бўлиб, шундай ёзади:

«Сўнгги хонлар даврида (XIX аср) Хивада ижро этиб келинган мақомлар ҳам 1934 йилда Ўзбекистон санъатшунослик илмий текшириш институти экспедицияси ёзиб олган мақомлар аслида Бухоро мақомларидир. Бу мақомларни бундан тахминан 130 йил бурун Ниёзхўжа деган созанда, машшоқ Бухородан Хивага олиб келган»¹

Бу ҳақда қандай фикрлар айтилмасин, барибир, Хоразм мақомлари ижросида алоҳида услуб ва шаклларга эга бўлган, усул ва ритми жихатидан «Шашмақом»дан фарқ қиладиган алоҳида ижро мактабини кузатамиз. Ўз даврида Хоразм ижрочилик мактабининг буюк намоёндалари етишиб чикдилар. Мухаммад Ёқуб девон, Бобо буломон, Комил Хоразмий, Мухаммад Юсуф Баёний, Қуржи ота, Полли дўзчи, Мухаммад Расул Мирзо, Худойберган Мухркан, Мухаммад Юсуф Девон-Чокар, Матпано Худойбергенов, Мадрахим Шерозий, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов сингари улуғ санъаткорлар шулар жумласидандир.

Хоразм мақомларини Матпано ота, Мадрахим Шерозий, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа устозлардан ўрганиб нотага олган, уни аввал бир жилд, кейин 1980 йилда уч жилдлик этиб чоп қилдирган, яна бир улкан бастакор Матниёз Юсуповдир (1925-1992).

Хоразм мақом санъатини вилоятда янада ривожлантириш тўғрисида, «Танбур чизиги»да битилган Феруз замонасидаги чизигига кўчириш билан келгуси авлодга тўлалигича етказиш борасида Хоразм ҳокимлигининг 1995 йил 29 сентябр 203- сонли қарори эолон қилинди. Ушбу қарорга биноан, таниқли созандалар Ахмад Машарипов, Озод Иброхимов, Озод Бобоназаровлардан иборат 3 кишилик гуруҳ тузилди ва бу ишлар муваффақият билан амалга оширилди.

Хоразм мақомлари қуйидаги тартибда келади:

Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ирок, Панжгоҳ.

Хоразм мақомларининг бевосита тузилиши ва ижровий хусусиятларига келсак, аввалда Шашмақом йўллариининг айтим бўлимидаги шўобалар сақлаб қолинган. Лекин кейинчалик Хоразм

¹ Е.Е.Романовская. Хоразм классик музыкаси. «Ўздав/нашр», Тошкент, 19- бет.

ижрочилик мактабининг тез ривожланиши натижасида ашула йўлларида жуда кўп ўзгарувчанликни кузатамиз.

Баози шўобаларнинг номланишида ҳам ижро хусусиятларида ҳам ўзгарувчанлик мавжуд. Масалан, тарона қисмлари «Рост» мақомида, «Сувора», «Нақш», «Фарёд»; «Бузрук»да эса «Сайри гулшан», «Наво»да - «Сувора», «Фарёд», «Нақш»; «Дугох»да - «Сувора»; «Сегох»да - «Нақш» ва «Муқаддима» деб номланади. Айтим бўлимларининг бош шўобаси бўлган Сарахборлар Хоразмда мақомлар номи билан - Мақоми Рост, Мақоми Бузрук, Мақоми Наво, Мақоми Сегох, Мақоми Дугох деб номланади. Шундай ҳолат - чертим бўлимларида ҳам кузатилади.

Хоразм мақомларидаги айтим ва чертим бўлимларининг бошланиш қисмидаги бир хиллик бунга сабабдир. Хоразм мақомларида Сарахборларнинг баози тароналари терма ҳолда, авж қўшилиб, йирик шаклдаги ашулага айлантирилган. «Сарахбори Рост»да учта тарона мавжуд бўлиб, «Тарона», «Сувора», «Нақш» деб номланади.

Сарахборлар тароналари билан айтилганидан сўнг, талқин шўобаларига ўтилади. Улар Талқини Рост, Талқини Бузрук, Талқини Наво, Талқини Сегох деб номланади. Хоразм мақомларида ўн бешта наср йўллари мавжуд бўлиб, «Хоразм мақомлари» китобида саккизта наср шўобалари берилади. Улар «Рост» мақомида «Наврўзи сабо», «Бузрук»да Насруллои, Навода - Фарёд ва Орази Наво, Дугохда Чоргох ва Баёт, Сегохда - Сабо, Наврўзи Хоро, Насри Ажам деб номланади.

Хоразмда кенг тарқалган айтим ижроларидан бири Сувора йўллариدير. Сувора ибораси тожикча отлиқ, чавандоз маоноларини билдиради. Суворалар шакл жихатдан мақом шўобалари каби йирикдир ва усуллари Соқийнома ёки Уфар дойра усулларида бўлади. Ҳозирда Сувора йўлларининг турли намуналари кенг тарқалган. Биринчи асосий Катта Сувора «Она Сувора» дейилади ёки «Ўзбек Сувораси» дейилади. Баозида «Тожиқ Сувораси» деб аталади. Асосий суворалар қуйидагилардан иборат:

1. Она Сувора (катта Сувора).
2. Чапандози Сувора.
3. Якпарда Сувора.
4. Кажханг Сувора.
5. Қўшпарда Сувора.

6. Беш парда Сувора.

7. Калта Сувора.

Савти Суворалар: Савти Сувора I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII, IX, X, XI, XII, XIII, XIV, XV ва хоказоларга бўлинади.

Мақомдон устоз Хожихон Болтаев савти сувораларни катор вариантларини яратган. «Уфори савти сувора» I,II ҳамда «Гул уфор савти сувора» йўллари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, Шашмақом Хоразм ижрочилик мактаби замирида ўзига хос ўзгариш ва ривожланиш жараёнини касб этди. Чертим йўллари, усуллари ихчамлаштирилди, бастакорлар томонидан қўшимча намуналар киритилди. Хоразм мақомлари ижрочилик нуқтаи-назаридан ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Асрлар давомида устоздан шогирдга, авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган Хоразм мақомлари даврлар ўтган сари ўзининг сержило, серқирра кўринишлари билан намоён бўлмоқда. Хоразм мақомат санъати ижрочилиги муסיкий маданиятимизнинг ажралмас бўлаги сифатида хамиша ардоқланади.

Хоразм мақомларининг бирин-кетин жойлашиши ва таркибий қисмида фарқлар мавжуд бўлиб, бунга эотиборни қаратиш зарур бўлади. Мухаммад Юсуф Баёнийнинг «Танбур чизиғи»да мақомлар қуйидаги тартибда жойлашган:

Дугох, Рост, Наво, Ироқ, Сегох, Бузрук ва ўз - ўзидан кўринадик, «Шашмақом»да жойлашган, яони Бузрук, Рост, Наво, Дугох, Сегох, Ироқ тартибида келмайди.

И.Акбаров таҳрири остида чоп этилган «Хоразм мақомлари»да эса Рост, Бузрук, Наво, Дугох, Сегох, Ироқ тартибида келади.

Матниёз Юсуповнинг 1980 йиллардаги чоп этилган 5 жилдлик «Хоразм мақомлари»да ҳам Рост, Бузрук, Наво, Дугох, Сегох, Ироқ ва Панжгох қўшилган тартибда келади.

Қуйида биз «Хоразм мақомлари» нинг турли даврларда ёзилган вариантларини бериш билан уларнинг бир-бирларидан фарқланишларини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

1. Рост мақоми

Хоразм «Танбур чизиги» қўлёзмаси	«Хоразм музыка тарихига доир очерклар» китобида берилган маълумот.	Матёқуб Харрат ижросида 1934 йилда ёзилган нусхаси	Матниёз Юсупов ёзиб олган 1958 йилдаги нашри	Матниёз Юсупов ёзиб олган 1980 йиллар наشري
Чертим йўли				
Мақоми Рост	Мақоми Рост	Мақоми Рост	Мақоми Рост	Тани мақом
Таржео	Таржео	Таржео	Таржео	Таржео
Пешрави Гардун	Пешрави Гардун	Пешрави Гардун	Пешрави Гардун	Пешрави Гардун
-	Мураббаи Комил	Мураббаи Комил	-	Мураббаи Комил
Мухаммас	Мухаммаси Жадид	Мухаммас	Мухаммас	Мухаммас
-	-	-	-	Пешрав I
Мухаммаси Панжгоҳ	Мухаммаси Жадид Фируз	Мухаммаси Жадид Фируз	Мухаммас	Мухаммаси Фируз
-	-	-	-	Пешрав II
-	-	-	-	Пешрав III
Мухаммаси Ушшоқ	Мухаммас	-	Мухаммаси Ушшоқ	Мухаммаси Ушшоқ
Панжгоҳ	-	-	-	Пешрав IV
-	Мураббаи Рост	Мураббаи Рост Мирзо	-	Мураббаи Рост
-	Мусаббаи Рост	-	-	Мусаббаи Рост
Сақили Вазмин	Сақили Мирзо Рост	Сақили Рост	Сақили Вазмин	Сақили Мирзо
Сақил	Сақил Мўҳркан	Сақил Мўҳркан	-	Сақил Мўҳркан
-	Уфор	Уфор Рост	Уфор	Уфор I
-	-	-	-	Уфор II
-	-	-	-	Гулуфор
Биринчи айтим йўллари				
Мақоми Рост	Мақоми Рост	-	Мақоми Рост	Тани мақом

Тарона	Тарона	-	Тарона	Тарона I
-	-	-	-	Тарона II
-	-	-	-	Тарона III
-	-	-	-	Тарона IV
Сувора	Сувора	-	Сувора	Сувора
Нақш	Нақш	-	Нақш	Нақш
Талқин	Талқин	-	Талқин	Талқин
-	-	-	-	Муқадима
Насри Ушшоқ	Насри Ушшоқ	-	Фарёд	Фарёд Насри Ушшоқ
Насри Сабо	Насри Сабо	-	Сабо	Сабо
Уфор	Уфор	-	Уфор	Уфор
Рост мақомининг иккинчи айтим йўллари аниқланиб, тубандагича берилди:				
1. Катта сувора. 2. Савти Сувора, 3. Уфори Сувора, 4. Гулуфори Сувора, 5. Фируз I, 6. Фируз II, 7. Савти Фируз I, 8. Савти Фируз II, 9. Тарона I, 10. Тарона II, 11. Мустазод, 12. Гулуфор.				

2. БУЗРУК МАҚОМИ				
Чертим йўли				
Тасниф	Мақоми Бузрук	Мақоми Бузрук	Мақоми Бузрук	Тани мақом
Таржео	Пешрав I	Пешрав I	Пешрав	Пешрав I
-	Пешрав II	Пешрав II	-	Пешрав II
-	Пешрав III	Пешрав III	-	Пешрав III
-	-	-	-	Пешрав IV
-	-	-	-	Пешрав V
Мухаммас	Мухаммас	Мухаммас	Мухаммас	Мухаммас I
-	-	-	-	Мухаммас II
-	Саусули Бузрук	Саусули Бузрук	-	Саусул
Мухаммас	Мухаммас Фируз	-	-	Мухаммас III
-	-	-	-	-
Насруллои	-	-	-	Мухаммас IV
Сақили Ислоний	Сақили Ислоний	Сақили Ислонихоний	Сақили Ислонихоний	Сақили Ислон
Сақили Ниёзжон- Хўжа	Сақили Ни- ёзжон-Хўжа	Сақили Ниёзжон- Хўжа	Сақили Ниёз-Хўжа	Сақили Ниёз-Хўжа
Сақили Султон	Сақили Султон	Сақили Султон	Сақили Султон	Сақили Султон
-	-	Уфори	Уфор	Уфор

		Бузрук		
-	-	-	-	Гулуфор
Биринчи айтим йўллари				
Мақоми Бузрук	Мақоми Бузрук	-	Мақоми Бузрук	Тани мақом
Тарона I	Тарона I	-	Тарона I	Тарона I
Тарона II	Тарона II	-	Тарона II	Тарона II
Тарона III	Тарона III	-	Тарона III	Тарона III
Тарона IV	Тарона IV	-	-	Тарона IV
Талқин	Талқин	-	Талқин	Талқин
-	-	-	-	ТаронаI
-	-	-	-	Тарона II
Насруллои	Насруллои	-	Насруллои	Насрулло
-	-	-	-	Талқин
Насри Ажам	-	-	-	Фарёд
Сувора	Сувора	-	Сувора	Сувора
Нақш	Нақш	-	-	Нақш
Муқаддимаи Насри Уззол	Муқаддимаи Насри Уззол	-	-	Муқаддима
Наср	-	-	-	Насри талқинча
Насри Уззол	Насри Уззол	-	-	Насри Оразибон
Уфор	Уфор	-	Уфор	Уфор
<i>Бузрук мақомининг иккинчи айтим йўллари аниқланиб, қуйидагича берилади: 1. Чапандози Сувора, 2. Савти Сувора, 3. Уфори Сувора, 4. Мустазод, 5 Мўғулча, 6 Мўғулча Уфориси, 7 Гулуфор.</i>				
3. НАВО МАҚОМИ				
Чертим Йўли				
Мақоми наво	Мақоми наво	Мақоми наво	Мақоми наво	Тани мақом
Пешрав	Пешрав	Пешрав I	Пешрав I	Пешрав I
-	-	Пешрав II	Пешрав II	Пешрав II
-	-	-	Пешрав III	Пешрав III
-	-	-	Пешрав IV	Пешрав IV
-	Пешрави Занжир	Пешрави Занжир	Пешрави Занжир	Пешрави Занжир
-	-	-	-	Қари Наво
Мухаммас	Мухаммаси Наво	Мухаммас	Катта Мухаммас	Катта Мухаммас
Мухаммаси	Мухаммаси	Мухаммаси	Мухаммаси	Мухаммаси

Баёт	Баёт	Баёт	Баёт	Баёт
Сақил	Сақил	Сақили Наво	Сақил	Сақил
-	Ним Сақил	Ним Сақил	Ним Сақил	Ним Сақил
-	Уфор	Уфори Наво	Уфор	Уфор I
-	-	-	-	Уфор II
Биринчи айтим йўли				
Мақоми Наво	Мақоми Наво	-	Мақоми Наво	Тани Мақом
Тарона	Тарона	-	Тарона	Тарона I
-	-	-	-	Тарона II
-	-	-	-	Тарона III
-	-	-	-	Тарона IV
Сувора	Сувора	-	Сувора	Сувора
Талқин	Талқин	-	Талқин	Талқин
Хоразмча Тарона	Хоразмча Тарона	-	-	Тарона
-	-	-	Фарёд	Фарёд
Насри Баёт	Насри Баёт	-	-	Наср
Насри Ораз	Насри Ораз	-	Ораз	Ораз
Муқаддимаи Дугоҳ Хусайний	Муқаддимаи Дугоҳ Хусайний	-	-	Муқаддима
Насри Дугоҳ Хусайний	Дугоҳ Хусайний	-	-	-
Талқин Мустазод	Талқин Мустазод	-	-	Талқин Мустазод
Нақш	Нақш	-	Нақш	Нақш
Сувораи Дугоҳ Хусайний	Сувораи Дугоҳ Хусайний	-	-	Сувораи Хусайн
Талқиний Дугоҳ Хусайний	Талқиний Дугоҳ Хусайний	-	-	Талқини Хусайн
Уфор	Уфор I	-	Уфор	Уфор I
-	Уфор II	-	-	Уфор II

*Наво мақомининг иккинчи айтим йўллари аниқланиб,
қуйидагича берилади:*

1. Якпарда Сувора, 2. Салти Сувора, 3. Уфори Сувора, 4. Гулуфори Сувора, 5. Мустазод, 6. Талқини мустазод, 7. Савти мустазод, 8. Гулуфори мустазод, 9. Уфори мустазод I, 10. Уфори мустазод II, 11. Рок I, 12. Рок II, 13. Тарона I, 14. Тарона II, 15. Уфор I, 16. Уфор II,

1. ДУГОХ МАҚОМИ

Чертим йўли

Мақоми Дугох	Мақоми Дугох	Мақоми Дугох	Мақоми Дугох	Тани Мақоми
Пешрав I	Пешрав I	Пешрав I	Пешрав I	Пешрав I
Пешрав II	Пешрав II	Пешрав II	Пешрав II	Пешрав II
Пешрав III	Пешрав III	Пешрав III	Пешрав III	Пешрав III
Пешрав IV	Пешрави Дугох Фируз	-	Пешрав IV	Пешрав IV
Пешрави Зарбул фатх	-	Зарбул фатх	Зарбул фатх	Зарбул фатх
Таржео	Таржео	Таржео	-	Таржео
Самои	Самои Дугох	Самои	Самои	Самои
Мухаммас I	Мухаммас I	Мухаммас I	Мухаммас	Мухаммас I
Мухаммас II	Мухаммас II	Мухаммас II	-	Мухаммас II
Мухаммас III	Мухаммас III	Мухаммаси Чоргох I	-	Мухаммас III
Мухаммас IV	Мухаммас IV	Мухаммаси Чоргох II	-	Мухаммас IV
Сақили Ишқулло	Сақили Ишқулло	Сақили Ишқулло	Сақили Ишқулло	Сақили Ишқулло
Сақили Фируз	Сақили Фируз	-	-	Сақил
Пахта зарб	Пахта зарб	Пахта зарб	Пахта зарб	Пахта зарб
-	Зарбул Фатх	-	-	Зарбул
Уфор	Уфор	Уфори Дугох	Уфор	Уфори I
-	-	-	-	Уфор II

Биринчи айтим йўллари

Мақоми дугох	Мақоми дугох	-	Мақоми дугох	Тани Мақоми
Тарона I	Тарона I	-	Тарона	Тарона I
Тарона II	Тарона II	-	-	Тарона II
Тарона III	Тарона III	-	-	Тарона III

-	-	-	-	Тарона IV
Муқаддимаи Насри	Муқаддимаи Насри хижоз	-	-	Муқаддима
Талқин	Талқин	-	-	Талқин
Чоргоҳ	Чоргоҳ	-	Чоргоҳ	Чоргоҳ I
Насри Чоргоҳ	Насри Чоргоҳ	-	-	Чоргоҳ II
Нақш	Нақш	-	-	Нақш
Насри ораз	-	-	-	Насри ораз
-	Муқаддимаи Насри Ораз	-	-	Муқаддима
Наср	Насри Ораз	-	-	Насри
Сувора	Сувораи Дугоҳ Хусайний	-	Сувора	Сувора
-	Талқини Дугоҳ Хусайний	-	-	Талқин
-	-	-	Баёт	Баёт
-	Сувора	-	-	Сувора
Уфор	Уфор I	-	Уфор	Уфор I
-	Уфор II	-	-	Уфор II
<i>Дугоҳ мақомининг иккинчи айтим йўллари аниқланиб, қуйидагича берилди:</i> 1. Хушпарда Сувора, 2. Савти Сувора. 3. Гулуфори Сувора 4. Уфори Сувора. 5. Мустазод. 6. Талқини Музтазод. 7. Савти Музтазод. 8. Уфори Мустазод. 9. Гулуфори Мустазод. 10. Уфор I, 11. Уфор II.				
5. СЕГОХ МАҚОМИ Чертим Йўли				
Мақоми Сегох	Мақоми Сегох	Мақоми Сегох	Мақоми Сегох	Тани Мақоми
-	-	-	-	Таржео
Хафиф	Хафиф	Хафиф Сегох	Хафиф	Хафиф
Пешрав	Пешрав	Пешрав	-	Пешрав I
-	-	-	-	Пешрав II
-	-	-	-	Пешрав III
-	-	-	-	Пешрав IV
Мухаммас I	Мухаммас	Мухаммаси Сегох	Мухаммас I	Мухаммас I
Мухаммас II	-	Мухаммаси Сегох II	Мухаммас II	Мухаммас II

Сақили бастанёр	Сақил	Сақили бастанёр	Сақили бастанёр	Сақил I
-	Сақили Фируз	-	-	Сақил II
-	Саусули Фируз	-	-	Саусул
-	Чор усули Фируз	-	-	Чор усул
-	Уфор	Уфори Сегох	Уфор	Уфор I
-	-	-	-	Уфор II
Биринчи айтим йўллари				
Мақоми Сегох	Мақоми Сегох	-	Мақоми Сегох	Тани Мақоми
Тарона I	Тарона I	-	Тарона	Тарона I
Тарона II	Тарона II	-	-	Тарона II
Тарона III	Тарона III	-	-	Тарона III
Муқадимаи Талқин	Муқадимаи Талқин	-	-	Талқин
Талқин	Талқин	-	Талқин	Муқаддима
-	-	-	Сабо	Сабо
Муқаддимаи Насри Хижоз	Муқаддимаи Насри Хижоз	-	-	Муқаддимаи Насри Хижоз
Насри Хижоз	Насри Хижоз	-	-	Насри Хижоз
Насри Нав- рўзи Хоро	Насри Нав- рўзи Хоро	-	Наврўзи хоро	Наврўзи хоро
Совора	Совора	-	Совора	Сувора
Нақш	Нақш	-	Нақш	Нақш
Таронаи насри ажам	Таронаи насри ажам	-	Муқаддимаи насри ажам	Муқаддимаи насри ажам
Насри ажам	Насри ажам	-	Насри ажам	Насри ажам
-	-	-	-	Тарона I
-	-	-	-	Тарона II
Уфор	Уфор I	-	Уфор	Уфор I
-	Уфор II	-	Уфор II	Уфор II
<i>Сегох мақомининг иккинчи айтим йўллари аниқланиб, қуйидагича берилди:</i> 1. Кажханг сувора, 2. Савти Сувора, 3. Уфори Сувора, 4. Гулуфори Сувора, 5. Талқин, 6. Гусбанд, 7. Мустазод, 8. Мустазод Уфориси, 9. Тарона I, 10. Тарона II, 11. Уфор I 12. Уфор II.				

6. ИРОҚ МАҚОМИ				
Чертим йўли				
Мақоми ироқ	Мақоми ироқ	Мақоми ироқ	Мақоми ироқ	Тани Мақоми
-	Таржео	Таржео	Таржео	Таржео I
Пешрав	Пешрав	Пешрав	-	Таржео II
-	-	-	Пешрав I	Пешрав I
-	-	-	Пешрав II	Пешрав II
-	-	-	-	Пешрав III
Мухаммас	Мухаммас	Мухаммас	Мухаммас	Мухаммас I
Мухаммаси Фируз	Мухаммаси Фируз	Мухаммаси Фируз шохи	-	Мухаммаси II
Саусул	Саусул	Саусул Ироқ	-	Саусул I
-	Саусул Фируз	Саусули Фируз шохи	-	Саусул II
Сақил I	Сақил I	Сақил I	Сақил	Сақил I
Сақил II	Сақил II	Сақил II	-	Сақил II
Нақши Ироқ На фурдам	Нақши Ироқ На фурдам	Нақши Ироқ На фурдам	-	Нақши На фурдам
Уфор	Уфор	Уфор Ироқ	Уфор	Уфор I
-	-	-	-	Уфор II
БИРИНЧИ АЙТИМ ЙЎЛЛАРИ				
-	-	-	-	Тани мақом
-	-	-	-	Тарона I
-	-	-	-	Тарона II
-	-	-	-	Тарона III
-	-	-	-	Тарона IV
-	-	-	-	Талқин
-	-	-	-	Фарёд
-	-	-	-	Сувора
-	-	-	-	Муқаддима
-	-	-	-	Талқин
-	-	-	-	Нақш
-	-	-	-	Ораз
-	-	-	-	Уфор I
-	-	-	-	Уфор II

*Ироқ мақомининг иккинчи айтим йўллари аниқланиб,
қуйидагича берилади:*

1. Катта Сувора, 2. Савти Сувора, 3. Уфори Сувора, 4. Гулуфори, 5. Талқин, 6. Мустазод, 7. Фарёди Мустазод, 8. Талқини Мустазод, 9. Савти Мустазод, 10. Уфори Мустазод, 11. Гулуфори Мустазод. 12. Уфор I. 13. Уфор II.

7. ПАНЖГОХ МАҚОМИ

Чертим йўли

-	-	Мақоми панжгох	-	Тани мақом
-	-	-	-	Таржео
-	-	-	-	ТаржеоII
-	-	-	-	Пешрав I
-	-	-	-	Пешрав II
-	-	-	-	Пешрав III
-	-	-	-	Пешрав IV
-	-	Мухаммаси Панжгох	-	Мухаммас I
-	-	Мухаммаси Ушшоқ	-	Мухаммас II
-	-	Сақили Вазмин	-	Сақил I
-	-	-	-	Сақил II
-	-	-	-	Уфор I
-	-	-	-	Уфор II
-	-	-	-	Гулуфор
-	-	-	-	Мухаммаси достон
-	-	-	-	Қорадали
-	-	-	-	Рахмайло
-	-	-	-	Норим-норим уфориси
-	-	-	-	Норим-норим Уфориси
-	-	-	-	Бартавил

Айтим йўли

-	-	-	-	Талқин
-	-	-	-	Мустазод
-	-	-	-	Талқин
-	-	-	-	Мустазод
-	-	-	-	Савти сувора
-	-	-	-	Гулуфор I

-	-	-	-	Гулуфор II
---	---	---	---	------------



1923 йил. Ўзбек миллий ансамбли Москва шаҳрида.



Тўхтасин Жалилов, Тамарахоним, Уста Олим Комилов,
Абдуқодир Исмоилов. Лондонда. 1935 йил.



Хожи Абдулазиз Абдурасулов (ўртада) шогирдлари
даврасида. 1928 йил. Самарқанд.



Гавхар Рахимова, Мухитдин қори Ёкубов ва Тамарахоним.
1930 йил.



Юсуфжон қизик Шакаржонов (ўртада), Маомиржон Узоқов (ўнгда),
Жўрахон Султонов (чапда). 1955 йил.



Юнус Ражабий (юқорида, ўртада) республика радиоси мақомчилар
ансамбли давраида. 1961 йил.

Ушбу мақомлар замирида бастакорлар томонидан юзлаб ашула ва куйлар яратилган бўлиб, Хоразм ижрочилик мактабининг, қолаверса ўзбек мусикий маданиятининг ўлмас асарларига айланиб қолган.

ФАРҒОНА-ТОШКЕНТ МАҚОМ ИЖРОЧИЛИГИ ЙЎЛЛАРИ

Миллий мусикий ижрочилигимиз уч асосий йўналишда, яъни Хоразм-Бухоро-Фарғона ижрочилик мактаблари замирида ривожланганлиги барчамизга маълум. Хар бир воҳа халқининг этник жойланиши, урф-одатлари, маҳаллий менталитети, яшаш турмуш тарзи замирида ўзига хос мусикий ижрочилик услублари ҳам мавжуддир. Ўн икки мақом асосида Шошмақом яратилганлиги, Шашмақом замирида бастакорларимиз томонидан бир-биридан гўзал чолғу ва ашула йўллари яратилганлиги аниқ манбалар асосида бизгача етиб келган. Фарғона-Тошкент мақом йўллари ана шундай машхур ижроларнинг махсулидир.

«Дугоҳ Хусайний», «Шахнози Гулёр», «Баёт», «Чоргоҳ» ижролари туркум сифатида машхур бўлганлиги сабабли «Чормақом» (тўрт мақом) деб ҳам юритилади.

Фарғона, Тошкент, Самарқанд воҳаларида, Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида ва бошқа шаҳарларда Шашмақом асосида турли шакллардаги чолғу ва ашула йўллари яратилганлиги маълум. Шулар жумласидан машхур чолғу асарлар: беш қисмли Насруллои, Муножот туркуми, Чўли Ироқ, Навонинг бир неча чолғу намуналари, Наврўзи Ажам, Ажам ва унинг тароналари, Илғор, Мискин ва Адойининг беш қисмли туркуми, икки қисмли Мирзадавлат, Мадалибек, Бексултон, Чўли Қурд, Сайқал, Сувора йўллари, Мушкулоти Дугоҳ ва унинг Уфари, Дутор Баёти, Ўйин Дугоҳи, Рост Панжгоҳ Қашқарчаси, Дилхирож, Мушкулоти Сегоҳ ва унинг Уфари, патнисаки услубда чалинадиган Дугоҳ, Сегоҳ ва Ушшоқ намуналари Қари Наво, Сурнай йўлларида Бузрук, Наво, Ироқ, Дугоҳ, Дугоҳи Хусайний, Насруллои, Чоргоҳ, Мустаозод, Дашти Наво каби ўнлаб куйлар маҳаллий бастакорлар томонидан мақомлар асосида яратилган бўлиб, мусикий маданиятимизнинг бебаҳо дурдоналари саналади.

Юқоридаги санаб ўтилган чолғу йўллари туркумли ва якка-якка ижро этиладиган куйлардан иборатдир. Фарғона-Тошкент мақомларининг ашула вариантлари ҳам туркум ва якка тарзда ижро этиладиган ашулалар бўлиб, жуда катта кўриниш хосил қилади. Туркум сифатида келадиган машхур ижролар куйидагилардир:

«Баёт» I, II, (II), III (III), IV, V.

«Чоргоҳ» I, II, III (III), IV, V, VI

«Дугоҳ Хусайний» I,II,(II), III (тарона), IV (IV), V, VI, VII

«Шахнози Гулёр» I, II, III, IV, V

(Қавс ичида кўрсатилганлари қўшимча вариант ижроларидир).

Ушбу туркум ижроларга қисқача шарҳ бериб ўтамиз. Баёт I-Наво мақомининг Баёт шўобалари асосида яратилган ва шу шўобада учрайдиган авжлар ва намудлар маолум даражада сақланиб қолган. Баёт II Наво мақомидаги Насри Баётнинг II-III тароналари куй тузилиши ва ҳаракати шакли билан бир хиллик кузатилади.

Баёт III, IV, V куй тузилиши, шакли жихатдан олдинги қисмлардан кескин фарқ қилади. Улар Баёт I, II ижроларининг даромад бошланиш пардасидан беш парда, яъни Квинта юқорига кўтариб ижро этилади. Лекин ижро тугашида яна даромад пардага қайтилади. Шу билан Баёт туркумининг тўлиқ ижроси аниқ бошланиш ва тугалланиш пардасига эга бўлади.

Яна бир машхур ижро туркуми бўлган Чоргоҳ эса Дугоҳ мақомидаги Сарахбори Дугоҳ, Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Савти Чоргоҳ шўобалар асосида яратилган. Чоргоҳ I да Сарахбори Дугоҳнинг доира усули, ашула ижроси, шеор ўлчови ва тушириш қисмлари Савти Чоргоҳ шаҳобчаларининг маолум кўринишидир. Чоргоҳ III нинг ашула ижро йўли Савти Чоргоҳга ҳамохангдир. Чоргоҳнинг IV, V, VI шаҳобчалари ҳар хил доира усули билан ижро этиладиган бир хил кўринишлардир.

Фарғона - Тошкент мақом йўлларида бири Дугоҳ Хусайний туркуми, Шашмақомдаги Хусайний Дугоҳ асосида яратилган бўлиб, кейинги шўобалардан ва тароналаридан фойдаланилган. Дугоҳ Хусайнийнинг I-қисми Сарахбор, иккинчи қисми Савти, кейингилари Қашқарча усулларида ижро этилади ва Уфар, Супориш билан тугалланади. Дугоҳ Хусайнийнинг ҳамма шаҳобчалари халқ орасида кенг тарқалган.

Фарғона-Тошкент ижрочилик йўлларида «Шахнози-Гулёр» ашулалар туркуми ҳам жуда машхурдир. «Шахнози Гулёр» Рост мақоми ашула йўллари асосида яратилган бўлиб, биринчиси Гулёр, иккинчиси Шахноз, учинчиси Чапандози Гулёр, тўртинчиси Ушшоқ, бешинчиси Қашқарчаи Ушшоқ номлари билан машхурдир. Биринчи Гулёр Сарахбор усулида, Шахноз - тарона усулда, учинчиси - Чапандоз, тўртинчиси - Сарахбор, бешинчиси – Қашқарча дойра усулларида ижро этилади.

«Шахнози Гулёр» ўз тузилиши жихатдан Баёт, Чоргоҳ, Дугоҳи Хусайний туркумларидан тубдан фарқ қилади. Фарғона - Тошкент мақом йўлларида яна бир машхур ижролардан бири Рост мақоми шўобалари асосида яратилган Ушшоқ туркумларидир. Ушшоқнинг беш хил йўли бўлиб, ҳар бири алоҳида якка ашула сифатида ижро этилади. Уларнинг куй тузилиши, оҳанги бир хил бўлсада, шаклан сал бир-биридан фарқи билан ажралиб туради. Ушшоқ ижроларида Уззол шўобасининг оҳанглари даромадда, намудлари авжларда ишлатилган. Ушшоқ ижроларининг биринчиси қолганларидан беш парда ёки квинта кўтарилиб ижро этилиши билан фарқланади. Сўнгги қатордан даромадга тушилади ва даромад пардадан кейинги Ушшоқлар бошланади. Убайдий ғазали билан айтиладиган Ушшоқ Фарғона водийси ва Тошкентда машхур бўлган. Фарғона-Тошкент ижрочилигида қуйидаги туркум ижролар ҳам машхурдир:

Бузрук мақоми шўобалари билан ҳамоҳанг Абдурахмонбеги i - ii ва унинг Уфари, марғилонлик Мадали хофиз томонидан 7 та ижрогача тўлдирилган бўлиб, Фарғона водийсида «Маодалибеги» деб ҳам юритилган.

Абдурахмонбеги I,II, III,IV,V,VI, VII ижролари аксарияти ўша даврда замондош бўлган Муқимий ғазаллари билан айтилади.

Рост мақомининг «Савти Калон» шўобаси шаҳобчалари асосида яратилган Қаландар I-II ашуласи ҳам тўлдирилиб, Қаландар I,II,III,IV,V тарзида ижро этилади.

Яна бир эл севган машхур ижролардан «Тановар» туркумидир. Ҳозирда Тановарнинг 13 та ижрочилик йўллари мавжуд бўлиб, 9 та ашула - ялла йўли, 4 та мусиқий йўли билан жилоланади. Булардан тўртинчиси дутор тановари деб юритилади.

Халқ бастакорлари Фарғона - Тошкент ижрочилик йўлларида монанд юзлаб ашулалар ва мусиқалар яратганлар. Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Имомжон Икромов, Комилжон Жабборов, Дони Зокиров, Мухторжон Муртазоев, Жўрахон Султонов, Орифхон Хотамов сингари бастакорлар ижодлари бунга мисол бўла олади. Натижада мақом йўллари асосида юзлаб ашулалар ва мусиқалар халқ мулкига айланди. Кейинчалик бастакор Имомжон Икромов

Навоийнинг «Қаро кўзим» радифли ғазалини жуда мохирлик билан шу йўлга солиб, яна ҳам машхур ижрога айлантирди. Бу ижро Тошкент Ушшоқи деб ҳам юритилади.

Ушшоқ 1 дан келиб чиқадиган Даромади Ушшоқ, Хожи Абдулазиз томонидан қайта ишланган Самарқанд Ушшоқи, ижрода бир хиллик касб этади. Ушшоқнинг яна бир намунаси хўжандлик хофиз ва бастакор Содирхон Бобошарипов томонидан жилоланган ва «Содирхон Ушшоқи» номи билан машхур бўлган варианты ҳам «Ушшоқ I» нинг шаклига ҳамоҳангдир.

Ушшоқ ижролари орасида Қўқон Ушшоқи садоланиш шакли, авжлардаги ўзгаришлар жихатидан бошқа Ушшоқ йўлларида сезиларли фарқ қилади. Ўзига хос оханглар тузилмасига эгадир. Шуниси диққатга сазоворки, Ушшоқларнинг барча ижролари Шашмақомдаги Ушшоқ шўобалари охангларига асосланган бўлсада, уларнинг ҳар бири ўзига хос куй тузилишига эга, таосирчанлик хусусиятлари ҳам ҳар хилдир.

Фарғона-Тошкент ижрочилигида ўзига хос ижро мактабига эга бўлган катта ашула ижросидир. Катта ашула машхур ижро йўли бўлиб, Фарғона водийсида, қисман Тошкентда ижро этилади. Катта ашула икки, уч, баозан тўрт хофиз томонидан айтилади. Патнисаки катта ашула деб ҳам юртилади. Ашула сўзлари ижро йўналишига қараб бўлиб олинади ва маолум жойларда бирга куйланади ва бирга тамомланади. «Раббано додимга ет», «Айлансин қулинг», «Бир келсун», «Шафоат», «Адашганман», «Эй дилбари жононим», «Ёввойи Чоргоҳ» сингари патнисаки ашулалар жуда машхурдир. Кейинчалик «Боғ аро», «Кириб бўстонни кездим», «Канолим», «Ўзбекистоним» каби катта ашулалар ҳам шу қаторга қўшилади. Ҳамроқул қори Тўрақулов, Холқора хофиз, Эрка қори Каримов, Хайдарали Хикматов, Шерқўзи Бойқўзиев, Болтабой Ражабов, Мамадбобо Сатторов, Жўрахон Султонов сингари машхур хофизлар катта ашула бобида донг таратганлар.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек мусиқий санъатида Фарғона-Тошкент ижрочилик мактаби алоҳида ўрин тутди. Бу мактабнинг мусиқий ва ашула ижрочилиги аниқ услубга, дойра усулига, мусиқий тузилмасига эгадир. Бу аноана давом этмокда ва ҳозирда ҳам халқ бастакорлари ижодларининг самараси билан Фарғона-Тошкент ижрочилик йўллари бойиб бормокда. Ушбу ижрони амалга оширадиган созанда ва хофизлар ҳам етишиб чиқмокда.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ДОСТОНЧИЛИК САНЪАТИ

Ўзбек халқининг достончилик санъати ҳақида сўз борганда Сурхондарё-Қашқадарё, Самарқанд-Бухоро, Хоразм достончилик мусиқий услублари ҳақида сўз юритиш жоиз бўлади.

Сурхондарё-Қашқадарё достонлари адабий-мусиқий асар сифатида талқин қилинади. Улар насрий ва назмий қисмларга бўлиниб, ўзаро бир-бирига боғлангандир. Достон ижрочиларини бахши, шоир, юзбоши деб атайдилар. Достонлар асосан дўмбира чолғу жўрлигида бўғиқ овозда куйланади. Бўғиқ овозни ҳосил қилиш ва ишлатиш алоҳида машқлар натижасида амалга оширилади. Ушбу малакани оширишда устоз-шогирд аноаналарига риоя қилинади. Натижада шогирдлар ушбу воҳаларда машхур бўлган «Алпомиш», «Авазхон», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» достонларини ёд оладилар ва кўрикдан ўтадилар. Бахшилар достонларнинг насрий қисмларини кўшиқ шаклида куйлайдилар.

Сурхондарё-Қашқадарё достончилик санъатида Шахрисабз ва Шеробод мактаблари асосий марказ саналади. Абдулла Нурали ўғли ва Ислон Назар ўғли каби бахши шоирлар Шахрисабз достончилик мактабининг йирик намояндалари бўлса, Шерназар Бекназар ўғли, Мардонқул Авлиёқул ўғли, Умар Сафар ўғли, Нормурод бахшилар эса Шеробод достончилик мактабининг машхур ижрочилари ҳисобланадилар.

Достонларни ижро этиш ҳам асосан мавсумий бўлиб, кеч кузда дехқонлар ҳосилларини йиғиштириб бўлганларидан сўнг бошланиб, эрта баҳоргача давом этади. Достончи бахшилар хонадонларда уюштирилган достончилик кечаларига таклиф қилинадилар ва маҳалла, кўни-қўшни йиғилишиб, достонлар тинглашади. Бу азалдан одат тусини олган бўлиб, бахшиларни оилавий байрамларга, тўй-томошаларга, ҳосил байрамларига ҳам таклиф этганлар. Яони достончи бахши ўз достонларини қисқача айтим йўли билан таорифлаб беради ва эшитувчиларнинг хоҳишига кўра бир достонни бошлайди. Достончи бахшилар достон ижроларидан ташқари бағишлов ижроларига ҳам жуда уста бўлиб, бирон яхши кунга, маросимга, машхур одамларнинг исмларига монанд бағишловларни насрий ва шеорий йўлларда ҳам ижро этадилар. Бу ижро бахшилардан ўта зукколикни талаб қилади. Ҳозирги давр достончилик ижрочилиги Шоберди бахши Болтаев мактаби

етакчилик қилмоқда. Сурхондарё-Қашқадарё мусиқасида достончилик санъатидан ташқари кенг оммалашган меҳнат қўшиқлари алоҳида аҳамият касб этади. Қўш, ўрим, ёрғинчок қўшиқлари дехқончилик билан боғланса, «хўш - хўш», «Чурей», «Турей-турей» қўшиқлари чорвачилик билан боғлиқдир. Чарх, ўрмак, кашта, бўзчи қўшиқлари эса хунармандлар меҳнати қўшиқлари саналади.

Бухоро-Самарқанд мусиқа услубига доир достончилик мактаблари асосан вилоят туманларида қарор топган бўлиб, улар, «Булунқур достончилик мактаби», «Нарпай достончилик мактаби» каби аталади. Шулардан Булунғур ва Қўрғон достончилик мактаблари машхурроқдир. Булунғур достончилик мактабида «Алпомиш», «Ёдгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Рустамхон», «Гўр-ўғлини туғилиши» каби қахрамонлик достонлари етакчи ўрин тутади. Жўровоз соз сифатида домбра сози қўшилади. Амин бахши, Чинни Шоир, Тавбузар шоир, Қурбонбек шоир, Йўлдошбубул, Йўлдошшоир, Қўлдаш Суяр каби бахшилар бу мактабнинг ўтмишидаги (XIX аср) йирик намояндаларидир. Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) бу мактабнинг сўнги йирик вакилларида бири эди. Қўрғон достончилик мактабида «Алпомиш» достони ижро этилган бўлса-да, бироқ унда ишқий-романтик достонларга жумладан, «Гумор пари», «Қундуз» билан «Юлдуз», «Ойсулув», «Кунтуғмиш» сингари достонларга этибор берилади. Қўрғон достончилик мактабининг ўтмишидаги йирик вакиллари қатори Ёдгор, Ларас, Мулла-Тош, Мулла Холмурод, Жуманбулбул каби бахшиларни айтиш керак. Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937) ва Пўлкан шоирлар (1874-1941) бу мактабнинг сўнги йирик намояндалари эди.

Хоразм достончилик мактаби ўз алоҳидалигига эга бўлиб, бошқа маҳаллий достончилик мактаблардан фарқли жиҳатларга эга. Бу фарқлар асосан қуйдагилардан иборат.

А) Хоразм достонлари «Бўғиқ овозда» эмас, балки «Очиқ овоз» услубида куйлаш хусусиятлари билан оҳангланади.

Б) Кўпинча маҳаллий достончилик мактабларида дўмбра сози жўрнавот сийратида қўлланилса, Хоразм достончилигида дутор, тор сўзларидан фойдаланилади. Шунингдек, достон айтишда ижрочилик ансамбли қатнашади. Бунда устоз бахши дутор, тор ёки

рубобда, қолганлар эса ғижжак, бўламон ва баозан доира созларида жўр бўлиб туришади.

В) Хоразм достонлари репертуарини «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Бозиргон», «Ошиқ Ойдин» каби достонлар ташкил этади. Бироқ, Хоразм достончилигида қахрамонлик достонига мансуб «Алпомиш» намунаси учрамайди. Хоразм достончилигининг йирик вакиллари Ахмад бахши, Бола бахши, Рўзимбек Муродов, Қаландар бахшилар номини айтиш жоиздир. Ўтмишда достон айтувчиларни гўянда, улар ижро қиладиган йўллариномна деб юритилган.

Эргаш Жуманбулбулнинг куйидаги шеорида эса Нурота мактаби услубига оид достонлар номалари санаб ўтилади:

*Йигирма хил оханг билан сўз айтиб,
Йигирма хил нома дўмбра чертиб
Хох катта, хох кичик эшитса,
Хар қандай одамни балқитиб, эритиб*

Шеробод мактабининг машхур бахшиси Умар шоир Сафар ўғли ижодига мансуб шеорда эса Сурхондарё-Қашқадарё достончилигидаги номалар сони келтирилади.

*Эй дўмбирам кажасдор,
Ўттиз икки номанг бор,
Хаммаси хам мафтункор,
Бирин чалсам бири бор...*

деб, 32 нома борлиги таорифланади. Кейинчалик 60 га етказилган. Ушбу маолумотлардан кўринадикки, достон кўшиқлари қадимдан номалар деб юритилган.

Хоразм номалари йирик хажм, куй йўналиши, парда, лад ва авжлари ўзига хос ёрқин услуби билан ажралиб туради.

Махсус тил иродаси, мусиқий нуқтаи назардан Хоразмда иккита йирик достончилик услуби мавжуд. Улар бахшиларнинг иборалари билан Ширвоний ва Эроний ёки Жанубий ёки Шимолий хоразм услублари деб юритилади. Ширвоний услуб ўз ичига Хазарасп, Боғот, Янгиариқ, Қўшқўпир, Урганч, Хонқа, Шовот, Тошховуз вилоятининг Илонли, Кўхна Урганч, Қорақолпоғистоннинг Тўрткўл, Элликқалоа туманларини қамраб олади. Унинг марказини шартли равишда Хива шаҳри деб белгилаш мумкин. Мазкур услуб номалари 72 та бўлиб, улар достон

шеорларининг вазни, бўғинларига ижрочи бахшини овоз имкониятларига қараб ўқилади.

Эроний услуб Гурлан туманининг бир қисмини Қорақолпоғистоннинг Амударё, Хўжайли Тошховуз вилоятининг шимолий туманларини ўз ичига қамраб олади. Унинг марказини шартли равишда Манғит шахри деб белгилаш мумкин.

Устоз бахшиларнинг фикрича мусиқий моҳиятга кўра ширвоний услуб 72, эроний услуб 32, Сурхондарё, Қашқадарё воҳаларининг Шеробод мактаби 64 номадан иборат.

Хулоса қилиб айтганда дoston ижрочилиги ўзбек мусиқа санъатининг ажралмас бўлагидир.

МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗНИНГ ТАОСИРЧАНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқимиз маданиятини ва маънавиятини юксалтиришда, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришда, фикрлаш қобилиятини ўстиришда миллий мусиқамизнинг ва аноанавий ижродаги қўшиқларимизнинг ўрни бекиёсдир. Миллий мусиқамиз дурдоналари ва аноанавий қўшиқларимиз аввалдан халқимиз орасида ардоқланиб, оғиздан-оғизга ўтиб, куйланиб, созлар орқали чалиниб келинган ва уларни катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Мумтоз куй ва қўшиқларимиз миллий тафаккурни маонавий камол топтиришда асосий восита саналган. Халқнинг оғир кунида ҳам, шодлик, хурсандчилик пайтларида ҳам доимо ҳамроҳ бўлган. Ширали куй, ёқимли овоз ўз таосирчанлиги билан инсон қалбига сирли хаяжон солади, унинг рухиятини тетик қилади. Улуғ мутафаккир шоир Саодий Шерозий куй ва қўшиқни «Рух озукаси» деб атаган экан. Шунинг учун ҳам киши яхши бир куй ёхуд қўшиқ тинглаганида жаҳолатдан йироқлашади, қалбини яхшилик туғёнлари қамраб олади. Мухаббат, садоқат, инсонийлик, гўзаллик каби юксак даражадаги инсоний хис-туйғуларни қалбан хис қилади. Мусиқа шундай ажойиб санъатки, унинг учун ҳеч қандай тил тўсиғи йўқ, таржимонга муҳтож эмас. Мусиқа шундай ажойиб шифобахш фазилатларга эгаки, бунини ўз навбатида Абу Наср Муҳаммад ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино каби улуғ даҳолар ўз асарларида таорифлаб берганлар.

Ислом дини мафкурасида баози мазхабларда мусиқа эшитиш шариат бўйича гуноҳ деб саналади. Аммо Хадиси Шарифда бунга бошқача назар ташланади. Қуйида мусиқашунос олимимиз Исҳоқ Ражабовнинг «Мақомлар масаласига доир» китобидан мисол келтирамиз:

«Қодирия» деб аталган Сўфийлар мазхабининг йирик вакилларида хисобланмиш Абдулҳақ Дехлавий (XVI аср) ўзининг «Таққиқус симоо» («Эшитиш масаласи таҳқиқоти») асарида шайхлар ва сўфийларнинг мусиқаю - ашоор эшитишларига оид фикрларини акс эттиради. Дехлавий турли мусулмон мазхабларининг йирик вакиллари (Жунайд Бағдодий, Мухаммад ал - Ғаззолий, Абдулла Ахрор, Юсуф Хамадоний ва бошқалар) асарларига ва «Хадис»га суяниб мусиқа эшитиш масаласини тадқиқот этади. «Хадис»да келтирилишича, Мухаммад (С.А.В)нинг суюкли рафиқалари Биби Ойша хузурида икки жория қиз ашула айтиб, ўйин - кулги қилиб ўтиришганида, Биби Ойшанинг оталари Абу Бакр кириб, мусиқа, ўйин-кулгу шариат бўйича ҳаром ва гуноҳ эканини айтиб, маон этади. Бу пайтда чопонига ўралиб ётган Мухаммад (С.А.В) ўринларидан туриб: «Бу кун билан бизнинг байрамимиз, уларга ҳалал берманг»- демишлар. Кейин пайғамбаримиз (САВ) «Хадис»да Қуроон сураларини чиройли овоз билан безашни тавсия этиб, уни оҳанга солиб айтинглари, диннинг обрўсини оширади, деган эканлар

Улуғ машойиқлардан Жалолиддин Румий ҳам ўзининг «Маснавий» асарини рубоб, най, дойра жўрлигида ижро этиб, шогирдларига ёздирганлиги ҳақида маолумотлар мавжуд. Шу қадар ардоқли, қувончу-қайғуларга ҳамиша ҳамдарду ҳамроҳ бўлмиш бу сирли, мафтункор мусиқий оҳанглари ҳамма даврларда барчага маонавий озуқа, мадад бўлиб келган.

Миллий мусиқамизнинг таосирчанлик хусусиятига келсак, куй оҳанглариининг ўзига хос бир хил тебраниш билан жилоланиши инсон рухий оламини ана шу оҳанга вобасталиги ва таосир кучини ўз меоёрида ушлаб туриши натижасида эшитиш даражаси қандайлиги ва таосир этиш хусусиятлари кузатилади. Айниқса, бу ҳолни аноанавий қўшиқларимиз мисолида кузатишимиз мумкин.

Аноанавий қўшиқларимиз халқона бўлганлиги учун, ғазалдаги маоно, куй ва мусиқа билан мутаносиб ҳолда бирлашиб, аниқ бир услубда қулоққа эшитилиши эшитувчининг таосирчанлик қобилятини камол топтиради ва таосир этиш фаолиятига мойил

қилади. Бу хусусда қуйидаги йўналишларга эотиборни қаратиш зарур бўлади.

1. Ғазал матни ва мазмунига эотибор бериш ва ғазал мазмунига тушунган ҳолда эшитиш кўникмасини ҳосил қилиш.
2. Куй ва мусиқа ижросини ва улардаги уйғунликни сеза билган ҳолда эшитиш кўникмасини ҳосил қилиш.
3. Ғазал, шеор ва куй, мусиқанинг вобасталигида умумлашган ижро кўникмаси орқали эшитиш имкониятига эга бўлиш.

Аноанавий кўшиқ ижрочилигида тез таосир этиш хусусиятига эга ижрочилик жанрлари кўплаб ижроларни ўз ичига олади.

Масалан, алла ижрочилигини олганимизда, бунинг ёрқин мисоли сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин. Аллалар оналарнинг жигарбанд фарзандларига қилган хасратларидир. Қадимдан аллалар инсон меҳр-мухаббати билан сийнаси тўла оналарнинг орзу-умид садолари бўлиб янграган.

*Тол ичинда танлаб олган,
Тол човгиним болам, алла.
Гул ичинда искаб олган,
Гули райхоним, болам, алла.
Йўлбарсдай юраклигим,
Қоплонлардай билаклигим, алла,
Яхши - ёмон кунимда
Менга жуда кераклигим, алла.*

Кўшиқнинг бу тури чолғусиз майин ором берувчи оханг билан куйланади. Улуғ аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарининг I-китобида шундай ёзади: «Боланинг миждозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-аста тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва ашуладир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорида қараб боланинг танаси билан тарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеододи ҳосил қилинади». Улуғ бобокалонимизнинг бу сўзлари бола тарбиясида мусиқанинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини исботлайди.

Ўзбек халқининг таосирчан аноанавий фолклор кўшиқларидан бири ёр-ёрлардир. «Ёр-ёр»лар никоҳ тўйларининг иккинчи босқичи - қиз узатиш кечаси айтиладиган кўшиқлардан бири ҳисобланади. «Ёр-ёр»лар нафақат ўзбекларда, балки қирғиз,

қозок, қорақалпоқ каби туркий халқларда ҳам кенг тарқалган. Тожиқ халқининг ҳам севимли айтишувидир. «Ёр-ёр» ижроси ҳар қандай одамга тез таосир қилади ва юракнинг тубига етиб боради. Чунки ёшларнинг энг бахтли кунига бағишланган бу қўшиқ ижроси инсондаги хиссиётни, ёшларга, фарзандларга бўлган меҳрни, қиз болани ўз давридан келинлик даврига ўтаётганлигини ифодаловчи хис - туйғуни жунбушга келтиради.

«Ёр-ёр» мавзуси нихоятда кенг бўлиб, уларда келин ва куёвни таорифлаш, уларнинг ахил яшаши ва бола чақали бўлиши, ширин турмуш қуришларига ундаш, турмушда бўладиган аччиқ-чучукларга қаноат қилиш каби оҳанглар билан бирга, келин бўлишдек бахтга муяссар бўлган қизга дугоналарининг ва бошқаларнинг орзу-хавасмандликлари ҳам баён этилади. Масалан, шундай мисра келтириш мумкин:

*Қат-қатгина қатламалар қатланади, ёр-ёр,
Қизни олиб янгалари отланади, ёр-ёр,
Қизни олиб янгалари тура турсин ёр-ёр,
Оқ сут берган оналари рози бўлсин, ёр-ёр.*

Шундан кўринадики, таосирчанлик хусусияти қўшиқ ижросининг мавзусига қараб ўз ифодасини топади ва ҳар қандай одамни ўзига ром этади.

Анонавий қўшиқларимизнинг таосирчанлик хусусиятларини таҳлил қиладиган бўлсак, аввало, асрлар бўйи халқимизнинг бой улкан меросига айланган мақом ижрочилигининг инсонларга таосирини айтмасдан иложимиз йўқ. Мақом ижрочилиги ўзининг мусиқа ва ашула қисмлари билан ижро этилади. «Шашмақом»нинг Наср қисми ижролари мумтоз шеориятимиз дурдоналаридан, маонодор ғазаллардан таркиб топган мусиқий уйғунликдаги ашулалар бўлганлиги учун, ғазал маноси мусиқий ижро билан бирлашиб, гўзал бир ижрони ташкил қилади. Хофизлар томонидан юқори савияда ижро этилган бу ашулалар инсонларда ички туйғуни, ота-боболаримизнинг маонавий меросига бўлган ҳурматини, улкан тарих зарварақларининг инсон организмга таосирини қадимдан тиббиёт илми ҳам ҳозирги замонавий медицина ҳам эотироф этади. Чунки мусиқа асаб хасталикларини даволашда муҳим ўрин тутишини, мия фаолиятини яхшилашда ижобий таосир этишини ҳозирги замон медицинаси ҳам исботлаб берган.

Ровийларнинг нақл қилишларича, машхур олим Муҳаммад ал-Хоразмий Халифа Маомун таклифи билан Бағдод шахрига келгач, шаҳарнинг таниқли олиму фузалолари уни имтихон қилибдилар:

- Тиббиётда даволашнинг уч тури бордур. Сизга аларнинг қайси тури кўпроқ хуш келади?

- Бизда даволашнинг уч эмас, тўрт тури бордур. Бири сўз, дору бири, кескир пичокдир биттаси, Дағи Хива мулкида машхур эрур сознинг саси.

Менга ана шу тўртинчиси, яониким, соз билан даволаш усули кўпроқ хуш ёқади, - деб жавоб берган экан. Шундан хулоса чиқадики, мақом куйлари, мусиқа оханглари билан беморларни даволаш тарзи қадимдан машхур экан. Буни турли замон алломалари ҳам ўз асарларида эотироф этганлар.

Хозирги замон медицинасида бу усул, айниқса, Европада жуда ривожланганлигини айтиш мумкин. Хеч кимга сир эмас, хозирги даврда замондошларимизда ташқи таосир натижасида кўпроқ Европа ва Шарқ эстрада мусиқасига ва кўшиқларига мойиллик сезилмоқда. Бу тушунарли хол, албатта. Чунки бу мусиқаларнинг тарғиботи жуда кенг қамровли бўлиб, хаммаси иқтисодий ўлчам ва санъат бизнеси билан боғлиқ. Бизнинг республикамызда ҳам телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари бу санъат йўналишига сезиларли таосир ўтказмоқда. Натижада айниқса, ёшларда унга эргашиш, тақлид қилиб рақсга тушиш, сўзларни тушуниб-тушунмай кўшиқ айтиш сингари ҳолатлар кузатилмоқда. Натижада, ҳаётга ҳам енгил-елпи кўз билан қараш, унинг қадрига етмаслик ҳоллари ҳам сезилмоқда.

Бу борада миллий мусиқамизга, аноанавий кўшиқларимизга суяниб, унинг таосирчанлик хусусиятларини сақлаган ҳолда халқимиз онгига етказиш муҳимдир. Бунинг учун миллий мусиқамиз ва аноанавий кўшиқлардан тузилган концерт дастурларини телевидение ва радио орқали тез-тез аниқ вақтларда халққа етказиш зарур. Ахборот воситалари орқали тарғиб қилмоқ зарур. Бу борада мутасадди ташкилотлар аниқ дастурлар асосида ишларини йўлга қўймоқликлари тақазо қилинади. Миллий мусиқамизнинг таосирчанлик хусусиятларини илмий-методологик йўл билан, мусиқашунос олимларнинг фикрлари асосида олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Миллий мусикамиздаги мушкулот қисми, яони чолғу қисмидаги мусиқий ижролар уларнинг таосирчанлик хусусиятлари, наср қисми ёки айтим бўлими, аноанавий қўшиқларимиз, мумтоз шеориятимиз дурдоналаридан тузилган ғазал мазмунлари мусиқий тузилма билан ҳамоҳангликда халқона ижроси билан инсонга тез таосир этувчи воситадир. Миллий мусиқий маданиятимиз дурдоналари одамларни яхшиликка, одобга, диёнатга чақиради. Қалбда миллий ғурур туйғусини уйғотади, юракни жунбушга келтиради. Албатта, бундай таосирчан кучга эга бўлган, тарбиявий аҳамияти билан фойдаси тегадиган маонавий омилдан фойдаланишимиз, ҳозирги кунда меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни эотиборга олиб, ушбу санъат воситаси орқали баҳра олдиришимиз зарур. Табиатан нозик таоб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг мусиқа мероси кенг кўламли маънавият кўзгусидир.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Мақом тарихи ҳақида нима биласиз?
2. 12 мақомни шарҳлаб беринг?
3. «Шашмақом»даги мақомлар тахлилини биласизми?
4. «Бузрук» мақоми ижро йўллари ва ижровий тузилишини шарҳлаб беринг?
5. «Рост» мақоми ижро йўллари ва ижровий тузилишини шарҳлаб беринг?
6. «Наво» мақоми ижро йўллари ва ижровий тузилишини шарҳлаб беринг?
7. «Дугоҳ» мақоми ижро йўллари ва ижровий тузилишини шарҳлаб беринг?
8. «Сегоҳ» мақоми ижро йўллари ва ижровий тузилишини шарҳлаб беринг?
9. «Ироқ» мақоми ижро йўллари ва ижровий тузилишини шарҳлаб беринг?
10. Хоразм мақомлари ҳақида нима биласиз?
11. «Хоразм танбур чизиги» ҳақида сўзлаб беринг?
12. Хоразм мақомлари тузилишини шарҳлаб беринг?

13. Фарғона -Тошкент мақом ижрочилиги йўллари хақида нима биласиз?
14. «Чор мақом» ижроси қандай тузилган ва туркумлар ижролари қандай номланади?
15. Фарғона-Тошкент мақом йўллари асосида қандай машхур ижролар яратилган?
16. Ўзбек халқи дostonчилик санъати хақида нима биласиз?
17. Dostonчилик мактабларини шархлаб беринг?
18. Миллий муסיқамизнинг таосирчанлик хусусиятини қандай тушунасиз?
19. Ислom дини ва муסיқа орасидаги боғланиш хақида сўзлаб беринг?
20. Алла ва ёр-ёр ижроларининг таосирчанлигини шархлаб беринг?
21. Миллий муסיқамиз тараққиётида хозирги замон муסיқасининг таосирини қандай тушунасиз?

Назорат учун мавзулар

1. Мақомат санъатининг тарихий илдизлари.
2. 12 мақом «Шашмақом»нинг асоси.
3. «Шашмақом» ва унинг туркумлари.
4. «Шашмақом» асосида яратилган ашула ва муסיқа ижро йўллари.
5. Хоразм мақомлари ва «Хоразм танбур чизиғи» орасидаги фарқлар.
6. Фарғона-Тошкент ижро йўллари ва «Чормақом» ижровий тузилиши.
7. Dostonчилик ижроси ва тахлили.
8. Миллий муסיқамизнинг таосирчан кучи.
9. Ислom дини ва муסיқа.
10. Миллий муסיқа ва замон тараққиёти.

III БОБ

МУСИҚА МАДАНИЯТИМИЗ НАМОЯНДАЛАРИ

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ (1825-1897)

Комил Хоразмий Хива шахрида мадраса мударриси Абдулла Охун оиласида дунёга келган. Отасининг назорати остида ўқиб жуда кўп билимларнинг сохибига айланди. Натижада забарбаст шоир, мусикашунос, созанда бўлиб етишади.




Унинг устозлари замонасининг забардаст созандалари ва мақом таолимотчилари бўлган. Бухородан «Шашмақом» ни Хоразмга олиб келган Ниёзхўжанинг шогирдлари Мухаммаджон сандикчи, Абдусаттор махрам, Худойберган этикчиларидан таолим олди. Ғазаллардан девон тузади ва мусиқа устаси сифатида танбурнинг 18 пардасига қараб 18 чизик чизиб, нечанчи пардада ўйналса, нохуннинг уришига биноан нукталарни жойлаштирган ва шу тариқа Хоразм «Танбур чизиғи»ни яратган. Комил Хоразмий Мухаммад Рахимхон Соний Феруз саройида мартабали лавозимларда ишлаб унинг хомийлигида ижод қилган. Комил Хоразмий «Танбур чизиғини» бошлаб берган бўлсада у олти ярим мақомнинг бир мақомини «рост»ни қоғозга туширган, қолган беш ярим мақомнинг унинг ўғли, машхур бастакор Расул Мирзо ва хоннинг назорати остида хон созандалари, Комил Хоразмий шогирдлари амалга оширганлар ва Комил Хоразмий ҳаётлигида ниятига етказилди. Отасини эзгу ишини давом этирган Комил Хоразмийнинг ўғли Мухаммад Расул Мирзо 1922 йилда 83 ёшда вафот этган ва ўзининг хусусий мадрасасига дафн қилинган.

Комил Хоразмий ва унинг шогирдлари томонидан халқнинг бебаҳо мулки - мақомларнинг ноталаштирилиши жаҳон мусиқа маданияти хазинасига қўшилган улкан бойлик сифатида эотироф этилди.

ОТА ЖАЛОЛИДДИН НАЗИРОВ (1845-1928)

Ўзбек мусиқа маданиятининг атоқли арбоби, Шашмақом ижросининг билимдони, Ота Жалол Носиров мақомдон устоз сифатида санъаткорлар ва шинавандалар орасида ўз даврида машхур бўлиб хозиргача, унинг муборак номи эозозланади. Бухорода биринчи мусиқа мактабининг очилиши, Самарқандда мусиқа билим юртининг ташкил топиши, шашмақомнинг ёзиб олиниши ва сақлаб қолиниши унинг номи билан боғлиқдир. Уста Шоди, Домла Халим, Левича хофиз, Бобокул



Файзуллаев, Хожи Абдулазиз, каби мақом хонандлари Ота Жалол Носировдан таолим олишган. Ота Жалол Носиров 1845 йили Бухоро шахрининг Эшон пир махалласида таваллуд топган. Унинг оиласи мусиқага мойил бўлиб, акаси Мулла Хайрулло махоратли мақом ижрочиси, унинг ўғли Каромат эса, уста камончилардан эди. Ана шу мухит уни мусиқа билан шуғулланишига шароит яратиб беради. У саккиз ёшидан мусиқа билан шуғулланади ва ўша даврнинг Тиллабой, Мирзо Хидоят, Абдурахмонбек, Мир бобо сингари машхур хонанда ва созандаларидан сабоқ олади. Натижада 20 ёшидаёқ шашмақомни тўлиқ ўзлаштириб олди. Унинг даврағини эшитган Амир Музаффархон саройга таклиф этиб сарой хофизи этиб тайинлайди. Амир Олимхон даврида эса «Мирохўр» унвони берилади.

1920 йилда Бухорода «Шарқ мусиқа мактаби» очилиб, бир қанча хофиз ва созандалар жалб қилинади ва Ота Жалол Носиров ўзи бош бўлиб шашмақомни ўргата бошлайди. 1923 йили В.А. Успенский Ота Жалол Носиров ва Ота Ғиёс Абдуғаниевлардан шашмақомнинг барча туркумларини ёзиб олади. Шашмақомнинг ўша даврда нотага олиниши ва 1924 йилда нашр қилиниши катта воқеа сифатида баҳоланади. Ва кейинги ноталаштириш жараёнларига йўл очиб беради.

Ота Жалол Носиров фақат хонанда ва созанда эмас, балки бастакор сифатида ҳам ижод қилганлиги манбаларда кўрсатилади. Устоз Шашмақомнинг мушкilot қисмларини тартибга солган


айрим шўобаларини кенгайтирган ва қўшимча қисмлар басталаган. Сегоҳ мақоми ижросига савт усули билан бир неча қисмли шўоба басталаган. Ушбу шўоба ижроси «Савти жалолий» деб номланади.

1925 йилда Ота Жалол Носиров Самарқандга таклиф этилади. Бу ерда ёшларга мақом ижроларини ва йўлларини ўргатади, концертларда иштирок этади. Хожи Абдулазиз, Юнус Ражабий, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Шорахим Шоумаровлар билан ижодий мулоқотда бўлди. Ва улар устоздан шашмақом йўлларини ўрганадилар, ва маслахатлар олиб турадилар. Ота Жалол Носиров ижрочилик услубидан бахраманд бўлган ўнлаб шогирдлар кейинчалик мақом ижрочилиги санъатини ривожига катта хисса қўшдилар.

Ота Жалол Носиров мусиқа маданиятимиз тарихидан шашмақом билимдони ва тарғиботчиси, машхур хофиз, ва созанда кўплаб мақом ижрочиларининг устози сифатида ўзидан ўчмас ном қолдирган улуғ санъаткордир.

ХОЖИ АБДУЛАЗИЗ АБДУРАСУЛОВ (1854-1936)

Хожи Абдулазиз Абдурасулов машхур хофиз ва бастакор сифатида шуҳрат қозонган бўлиб, Самарқанд, шаҳрида кўк масжид маҳалласида тўқувчи оиласида таваллуд топган. Унинг мусиқага бўлган хаваси ёшлиқдан бошланиб, танбурчи Хожи Раҳимқулга шогирд бўлиб тушади ва мақом йўлларини ижрочиси Борух хофиздан ашулалар ўрганади ва бирга куйлай бошлайди. Кейинчалик «Шашмақом»ни мукаммал ўрганиш мақсадида Бухорога бориб, машхур мақомдон устоз Ота Жалол Носировдан сабоқ олади.



Абдулазиз икки марта Маккага хаж сафарига боради ва сафар давомида турли миллат куй ва қўшиқлари билан танишади. Хожи Абдулазиз танбурни жуда яхши чертсада, ашулаларни кўпроқ дуэтлар жўрлигида ижро этарди. Унинг дастурларидан юзлаб ашулалар ўрин олган бўлиб, хофизликдан ташқари бастакорлик

билан ҳам шуғулланарди. У яратган «Гулзорим» «Бозургоний», «Бебоқча» «Қурбон ўлам» ашулалари эл орасида машхур ижро саналади. 1909 йилда унинг ижросида Рига «Грамафон» фирмаси «Ироқ», «Насруллои», «Ушшоқлар»ни ёзиб олган. 1928 йилда Самарқанд мусиқа ва хореография институтига ишга олинади ва у ерда бўлғуси машхур санъаткорлар М.Ашрафий, Т. Содиқов, М.Бурхонов, Д.Зокиров ва бошқалар унинг ижодидан бахраманд бўладилар. Устоз санъаткор мақом ижроларини бойитиб, жумладан «Ушшоқ»ни «Самарқанд ушшоқи», «Қашқарчаи ушшоқ» йўлларини ва яна бир неча ижроларини яратади. Устоз жуда кўп шогирдлар етиштиради. Машхур санъаткор Юнус Ражабий шундай эслайди: - Пойтахт Самарқанд шаҳридаги пайтларда, Ризқи Ражабий, Имомжон Икромов, яна бир қанча санъаткорлар Хожи аканинг уйларида яшаб кўшиқ ўрганардик. Мен Хожи ака айтган кўшиқлардан таосирланиб эрталабгача ухлай олмасдим. Ва бирорта куйни дилимга жойлаш учун секин хиргойи қилиб такрорлардим. Борди-ю, бирор жойни хато қилсам борми, Хожи ака ётган жойида менга қайрилиб, «Хой Юнусвой, ундоқ эмас мана бундоқ бўлади» деб ўзлари айтиб берардилар. Хожи Абдулазиз Абдурасулов ижросида қатор кўшиқлар грампластинкаларга, радио тасмаларига ёзиб олинган. Устоз хофиз саксон ёшда ҳам 1933 йил феврал ойида бўлган Ўзбекистон санъаткорларини биринчи слётида кўшиқ айтиш бахтига муяссар бўлган. Шу куни хожи Абдулазиз Абдурасулов ва домла Халим Ибодовга «Ўзбекистон халқ хофизи» фахрий унвони берилди. Устознинг табаррук номи мустақиллик йилларида ҳам эозозланди Президентимиз фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени берилди. Унинг номида Самарқанд шаҳрида ёш хонандаларнинг республика кўрик танлови ўтказиб турилади.

МУЛЛА ТҶЙЧИ ТОШМУХАММЕДОВ (1866-1945)

Ўзбек кўшиқчилик санъатида ўзидан ўчмас из қолдирган машхур хофиз Мулла Тўйчи Тошмухаммедов Тошкент шаҳрининг «Гулбозор» маҳалласида бўзчи оиласида таваллуд топган. Дастлаб Абдулла Қори мактабида тахсил олган ва исломий илмлар билан бир қаторда Шерозий,



Машраб, Фузулий, Хувайдо, ғазалларини тинмай мутоала қилади. Ундаги санъатга бўлган хавас ўқиган ғазаллари ва хофизларнинг хонишлари орқали уйғонади, ўзи ҳам шу йўлни танлайди.

Дастлабки мусиқа таолимини амакиси Уста Қўчқордан олади. Сўнгра устози Убайдулло Андалибдан қўшиқ айтиш сирларини ўрганади. Аста секин Тошкент хофизларини назарига туша бошлайди. Шобарот танбурчи, Шожалил хофиз, Мухаммад Умар, Абдуқаххор ва Назархон хофизлар билан бирга ижод қилиб, ашула йўлларини ўрганади. Тез орада сайл ва тўйларда йиғинларда қатнашиб, эл оғзига тушади. Замондош шоирлар Камий, Мискин, Хислатлар билан ҳамкорликда ижод қилиб, улар иштирокидаги йиғинларда қатнашади ва Бухоро, Самарканд, Қўқон, Андижон, Марғилон шаҳарларига ҳам бориб ашула йўлларини ўрганади, ўзига хос ашулачилик услубини яратади. Шоир Хислат Мулла Тўйчи хофизга атаб «Армуғоний Хислат» девонини тузган. Ушбу девондаги барча ғазаллар хофиз томонидан ижро этилган.

1904-1907 йилларда ўзбек халқининг куй ашула ва мақомлари биринчи марта грамафон пластинкасига ёзилади. Тўйчи хофиз ижросида «Дугох Хусайн», «Чоргох», «Баёт», «Ушшок», «Гиря», «Дилхирож», «Гулёр шахноз», «Қўчабоғи», «Эшвой», «Курт» сингари ашулалар пластинкага ёзилади. 1905- йилда ёзилган «Баёт» туркумлари пластинкаси ушбу сатрлар муаллифида сақланади. Тўйчи хофиз тез-тез сафарларда бўлиб фақат Ўзбекистон ва қўшни республикаларда эмас, Шарқ мамлакатларида ҳам танилди.

Айниқса, шарқий Туркистонда, Қашқарда жуда машхур эди. 60 йиллик ижодий фаолиятини санъатга бағишлади ва халқ хурматига сазовор бўлди. Ўзбекистон халқ артисти унвонига мушарраф бўлди. Кўплаб шогирдлар етиштирди. Шорахим Шоумаров, Юнус Ражабий, Акбар Хайдаров, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Турғун Каримов сингари машхур хофизлар Мулла Тўйчи Тошмухаммедов мактабининг вакиллари дир.

МАДАЛИ ХОФИЗ РАХМАТИЛЛО ЎҒЛИ (1867-1930)

Фарғона аноанавий ижрочилигининг мохир билимдони Мадали хофиз Шахрихон шахрида туғилди. Отаси асли косиб бўлиб, диний илмларни пухта эгаллагани учун Рахматилло Қори номи билан машхур эди. Ўғли Мадалибекни ҳам косибликка берди. Лекин қўшиққа бўлган хавас уни машхур танбурчи хофиз Нурухун акага эргаштирди. Замондош шоирлар Оразий, Хайратийлар билан ҳамкорлик қилади. Ўша даврда Марғилонда гуллаб яшнаган маданий мухит уни ўзига чорлади ва шу ердан уйланиб, муқим яшаб қолди. Бу ерда Юсуф қизик, Матҳолиқ хофиз сингари санъат дарғалари билан яқиндан танишди. Унинг овози шу қадар баланд бўлган эканки, «Мадали хофиз Марғилонда қўшиқ айтса, симда (Фарғонада) эштилади», - деган ибора халқ ичида машхур бўлган.



Муқимий, Завқий, Хазиний, Писандий, Рожий каби машхур шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қилади. Уларнинг ғазаллари замирида қатор қўшиқ ва яллалар яратади. Айниқса, Муқимий ғазаллари билан айтиладиган «Абдурахмонбеги» қўшиқлар мажмуаси ҳозиргача севиб куйланади. Хофиз «Чормақом»нинг машхур ижрочиси сифатида халқ орасида машхур бўлган.


Мадали хофиз «Қаландар»лар, «Тановор»лар, қўшиқ ва яллаларни тўплаб ўзи ижро қилди ва шогирдларга ўргатди. Хатто Мулла Тўйчи Тошмухаммедов ҳам Мадали хофизнинг олдига келиб қўшиқлар ўрганиб кетар экан. Бунинг далили сифатида Мулла Тўйчи хофиз Мадали хофизга шоир Хислатнинг «Армуғони Хислат» баёзини совға тариқасида бериб кетган экан. Бу баёз ҳозиргача устознинг фарзандларида сақланиб келади.

Мадали хофиз ўзбек қўшиқчилиқ санъатига ялла йўлларини олиб кирди. «Шошмақом»нинг «Бузрук» мақомидаги «Савти сарвиноз» ҳамда «Сегох» шўобаларининг муаллифи сифатида, Мадалибек номи «Ўзбек халқ мусиқаси» китобида кўрсатиб ўтилган.

1912 йилда «Роберт Кенц» фирмаси экспедицияси даврида хофизнинг «Абдурахмонбеги» кўшиқлар мажмуасини пластинкага ёзиб олади. Бу пластинка ҳозиргача хофизнинг ўғли, таниқли бастакор Мамасиддиқ Мадалиевда сақланади. Мадали хофиз ҳар бир кўшиқни талабчанлик билан мохирона ижро этгани ва шогирдларидан ҳам шундай талаб қилгани учун «Ноёб» деган таҳаллусга эга бўлган эди. Мадали хофиз олтмиш уч йил умр кўриб, Марғилон шаҳрида вафот этди. Ўзининг восиятига кўра Хўжамаооз мазорига дафн этилган.

УСТА ОЛИМ КОМИЛОВ (1875-1954)

1935 йил Англия пойтахти Лондон шаҳри. Мухташам томошагоҳда жаҳон халқларининг санъат фестивали ўтмоқда. Навбат Ўзбекистонлик санъаткорлар Тамарахоним ва Уста Олим Комиловларга берилади. Уста Олим чалган доирага Тамарахоним «Пилла» рақсига тушиб томошабинларни лол қолдирадилар. Қарсақлар остида ижрочилар яна сахнага таклиф қилинади. Бу сафар «Пахта» рақси ижро этилади. Томошабинлар оёқларида қалқиб туришиб, иккала санъаткорни олқишлашади. Бутун томошагоҳни ларзага келтирган, гумбурлаган чилдирма овозини Лондонликлар биринчи бор кўришлари ва эшитишлари эди. Уста Олим Комиловнинг бетакрор доира овози эди. Рақсдан сўнг олдинги қаторда ўтирган Буюк Британия қироличаси Мария Ложалон сахнага чиқади. Уста Олимнинг чилдирмасини кўлига олиб кўради. Бу доира созидан юракни тўлқинлантирувчи садо чиқарган панжаларни мўъжиза деб атайди. Ушбу мўъжизакор панжалардан гипсга нусха олиб, Лондон музейига қўйишга фармон беради. Ўзбек санъаткорларига қойил қолган қиролича ўз қўли билан Уста Олим Комилов, Тамарахонимга фестивал олтин медалини тақиб қўяди. Уста Олим Комиловнинг бу панжа нусхаси ҳозиргача Лондон музейида сақланмоқда. 1875 йилда Марғилонлик оддий тўқувчи оиласида дунёга келган Уста Олим Комилов шундай




буюклик даражасига етган санъаткордир. Ёшлигида арава тузатувчи устага шогирд тушади, 12 ёшдан бошлаб Масаид отадан чанг ва доира чалишни ўрганади. Лекин доирага бўлган хавас унга кўпроқ илхом келтирар эди. Натижада доира созининг устаси бўлиб етишади.

Машхур санъаткор Мухиддин Қори Ёқубов 1926 йилда тузган ўзбек этнографик фолклор ансамблига Уста Олим Комиловни таклиф қилади. У бу ансамбл таркибида Россиянинг жуда кўп шаҳарларида ва Кавказ ортида гастролда бўлади, сўнгра ўша даврда республика пойтахти бўлмиш Самарқанд шаҳрига оиласини кўчириб келади. Турмуш ўртоғи Бегимхон ўзи билан синглиси Нурхон Йўлдошхўжаевани ҳам бирга олиб келади. Нурхон санъат соҳасида ишлай бошлайди. Бир йилдан сўнг Марғилонга қайтишганда, Нурхон акаси томонидан вахшийларча ўлдирилади.

Бу фожиа бутун республика санъат ахлини ларзага солади. Бу ҳақда мусикали драмалар сахналаштирилган, шеор ва кўшиқлар яратилган. Уста Олим Комилов машхур санъаткор Тамарахоним труппасида узоқ йил фаолият кўрсатиб, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида санъатини намойиш қилган. 1932 йилда меҳнат қаҳрамони унвони билан тақдирланган. 1937 йилда эса Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасидан сўнг «Ўзбекистон халқ артисти» унвонини олади. Фарғона канали қурилишида ўзининг доира шодиёналари билан одамларни меҳнатга чорлайди. Уста Олим Комилов Ўзбекистон доирачиларининг пири устози хисобланади. Буни Ғофир Иноғомов, Қаҳрамон Дадаев, Одил Камолхўжаев, Талоат Сайфуддинов, Дилмурод Исломов сингари доирачилар мамнуният билан гапиришади. Хозирда Марғилон шаҳридаги адабиёт ва санъат музейида устознинг кийимлари, шахсий буюмлари, орден ва медаллари ҳамда Лондон томошабинларини лол қолдирган чилдирмаси сақланмоқда. Машхур санъаткор Уста Олим Комилов юртдошлари қалбига абадий муҳрланган. Марғилон шаҳридаги кўчалардан бирига, Фарғона шаҳридаги 1-болалар мусиқа мактабига унинг номи берилган. Устозлар чироғи асло ўчмагай.

ДОМЛА ХАЛИМ ИБОДОВ (1878-1940)

Анонавий кўшиқчилик санъатимизнинг ёрқин намоёндаларидан бири Домла Халим Ибодов Бухоро шахрида тўқувчи оиласида дунёга келди. Ўн ёшидан таниқли хонанда ва созанда Уста Шароф рахбарлигида дойра чертиб, халқ кўшиқларини ижро эта бошлади.



Устоз унга секин-аста «Шашмақом» намуналаридан таништира бошлади ва машхур санъаткорлар Ота Жалол ва Ота Ғиёслар билан яқиндан танишишига ёрдам берди. Ўн саккиз ёшидаёқ Бухорода етук хонанда бўлиб элга танилди. У мақом намуналарини жозибали овози билан ижро этар, шинавандалар қалбида завқ-шавқ уйғотарди. Ўзи устоз бўлиб ёшларга ашула, дойра усулларида дарс берарди. 1923 йилда Москвада биринчи қишлоқ хўжалик кўргазмасида Юсуфжон қизик Шакаржонов, Мулла тўйчи Тошмухаммедов, Ахмаджон Умрзоқов, Шорахим Шоумаров, Ғулом Зафарий, Абдуқодир Исмоилов, Тўхтасин Жалиловлар билан биргаликда қатнашиб зўр муваффақиятларга эришди. Сафардан қайтгач, машхур хонанда ҳақида мана шундай мисралар ҳам битилди:

Москвага Домла Халим қилди сафар.

Кўшиқ билан унда топти кўп зафар.

1928 йилда Самарқандда мусиқа ва хореография институти очилиши муносабати билан Домла Халим Ибодов бу ерга таклиф қилинади ва мусиқашунос Н. Н. Миронов ундан «Шашмақом» нинг кўпгина намуналарини ёзиб олади. Самарқандда у атоқли бастакор ва хонанда Хожи Абдулазиз Абдурасулов билан бирга ҳамнафас бўлиб, жуда кўп концертларда, сайилларда иштирок этди.

Домла Халим Ибодов 1931 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиосида ишлай бошлади. У ижро этган «Савти Сарвиноз», «Қашқарчаи ушшоқ» «Ироқ», «Насруллои», «Мўғулчаи дугоҳ», «Тўлқин», «Наврўзи Сабо» сингари ашулалар ҳозиргача олтин фондда сақланади. 1933-1934 йилларда мусиқашунос Е.Е.Романовская Домла Халим ижросида қатор куй ва кўшиқларни, мақом йўллариини ёзиб олади. Устоз қатор анжуманларда жумладан 1932 йилда Республика

санъат курултойида, 1936 йилда санъаткорларнинг I-Республика конференциясида, 1937 йилда Москвада биринчи ўзбек декадасида қатнашиб, зўр муваффақиятларга эришди.


У жуда кўп иқтидорли шогирдларга устозлик қилди. Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиков, Мутал Бурхонов, Мардон Насимов, Дони Зокиров, Шариф Рамазонов, Набижон Хасанов, Олимжон Халимов (хофизнинг ўғли, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор) лар шулар жумласидандир.

Домла Халим Ибодов санъатимиз олдидаги бебаҳо хизматлари учун «Ўзбекистон халқ хофизи» фахрий унвонига сазовор бўлган. Эндиликда унинг номи билан аталиб келинаётган Бухородаги санъат билим юрти устоз орзу қилган хайрли ишларни адо этиб келмоқда.

Устоз санъаткор, муסיқий маданиятимизнинг атоқли намоёндаси Домла Халим Ибодов 1940 йилда вафот этди. Устознинг мўтабар номи, мазмундор хаётининг саҳифалари муסיқий санъатимиз тарихи зарварақларида жилоланиб, мангулик касб этиб турибди.

МУХИДДИН ҚОРИ ЁҚУБОВ (1894-1957)

Мухиддин Қори Ёқубов ўзбек маданиятининг атоқли арбобларидан биридир. Машхур санъат намоёндасини хаёти ва ижодини яхлитича олиб қаралса, халқимиз хаёти, орзу-умидлари, интилишлари, халқ санъатининг ривож босқичлари билан узвий боғлиқлигини кузатамиз. Бу жараёнда хамиша олдинги сафда бўлганлигига гувоҳ бўламиз. У санъат тараққиёти йўлида борлигини сарфлаган, маданият ва санъатимизнинг ташкилотчиларидан биридир.



Мухиддин Қори Ёқубов Фарғона музофотининг Ёрмозор қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси зиёли одам бўлиб, ўғлини исломий ва замонавий билимлар эгаси бўлишига ҳаракат қилди ва Фарғона шаҳрининг маданият масканларига кўпроқ жалб қилди.

Ёшлигиданок европа маданиятини ўзида акс эттирган Фарғона шахрининг маданий ҳаёти билан қизиқди ва тўғаракларга, жумладан мусиқа тўғаракларига қатнаша бошлади. Нота ёзувини ўрганади, дамли созлар оркестрида мусиқа асбоблари чалишни ўрганади.

1916 йилда М.Қори Ёқубов Фарғонада бир гуруҳ хаваскор ёшлардан иборат чолғу асбоблар тўғарагини ташкил қилди. Бу тўғаракда миллий чолғу асбоблари билан бир қаторда, европа мусиқа асбобларини чаладиган маҳаллий ёшлар ҳам бор эди. 1918 йилда Хамза Хакимзода Ниёзий билан танишади ва бу учрашув унинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар биргаликда театр труппасини ташкил этадилар ва «Бой ила хизматчи», «Фарғона фожеаси», «Тухматчилар жазоси» пьесаларини сахналаштирадилар ва улардаги бош ролларни М.Қори Ёқубов ижро этади.

1923 йилда мусиқа ва ижрочилик санъатини ривожлантиришдаги, маданий ҳаётдаги ютуқларни кенг ташвиқот қилишдаги хизматлари учун унга «Туркистоннинг биринчи халқ хофизи» унвони берилади. Ўша даврда М.Қори Ёқубов «Шарқ кечалари» деб номланган концерт дастури билан турли шаҳарлардаги концертларда қатнашар ва «Ушшоқ», «Фигон», «Баёт», «Кўчабоғ», «Чоргоҳ», «Дугоҳ», «Эшвой», «Йўл бўлсин» ашулаларини айтиб олқишларга сазовор бўлар эди. 1925 йили Тамарахоним билан Парижда жаҳон санъат кўргазмасида иштирок этади. Сўнг Берлинга таклиф қилиниб машҳур Бетховен залида концерт беради. Ўша йили Берлиндаги «Фосише, цейтунг» газетаси ўзбек санъаткорининг ижросига шундай баҳо берган эди: - «Ўзбек хонандаси Муҳиддин Қори Ёқубовнинг ижроси айниқса катта таассурот қолдирди. Бу санъаткорлар Европанинг катта шаҳарларига ташриф буюрди. Кўзлаган мақсади ўз халқининг ноёб санъатига қизиқиш уйғотишдир. Унинг репертуарида ҳали нотага ёзиб олинмаган икки юздан зиёд асрий қўшиқлар мавжуддир. У Париждан Берлинга келиб маҳаллий аҳоли олдида ўз қўшиқларини ижро этди. Уни ниҳоятда қизғин ва ҳаяжонли кутиб олдилар».

Муҳиддин Қори Ёқубов 1926 йили Марғилонда ўзбек этнографик ансамблини ташкил этади ва машҳур санъаткорларни бирлаштириб, барча вилоятларда, собиқ иттифокнинг ўнлаб шаҳарларида жумладан, Москва шаҳрида ижодий сафарда бўлади. Сўнгра Москвада 3 йил машҳур режиссёр Майерхолд студиясида

таолим олади. 1929 йилда Мухиддин Қори Ёкубов ташаббуси билан Давлат этнографик ансамбли биринчи Ўзбек мусикали театрига айлантирилди. Ушбу театрга Х.Носирова, К.Зокиров, Л.Саримсокова, Б.Мирзаев, Тамарахоним, М.Турғунбоева, М.Ашрафий сингари санъаткорлар жалб қилинди ва шу йўсинда ўзбек миллий операсини яратишга замин тайёрланди. Кейинчалик шу сахнада «Ер тарғин», «Бўрон», «Лайли ва Мажнун», «Махмуд Торобий», «Улуғ канол», «Фарход ва Ширин», «Улуғбек», каби операларда етакчи партияларни ижро этди.

Ўзбекистон Давлат филармониясининг ташкил этилишида ҳам Мухиддин Қори Ёкубовнинг хизматлари катта бўлди. 1936-1947 йилларда филармониянинг директори ва бадий раҳбари бўлиб ишлади, жуда кўп санъаткорларни бу даргохга жалб этди, ёш ижодкорларга устозлик қилди. Ўзи ҳам сахнага чиқиб «Илила ёрим», «Ғайра-ғайра», «Билакузук», «Олмача анор», «Сув бўйида» каби халқ кўшиқ, лапар ва хажвий айтишувларини мохирлик билан ижро этди. Хозирда бу жамоа унинг номи билан аталади. 1937 йилда Мухиддин Қори Ёкубовга «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони берилди.

Собиқ шўро сиёсати шундай буюк санъаткорни ҳам ўз домига тортади ва умрининг сўнгги бир неча йилини қамокда ўтказди. Қамокдан қайтиб келгач, дардга чалиниб, 1957 йил 2 февралда вафот этади. Улуғ мустақиллик шарофати билан ўзбек санъатининг бу фидойисига Президентимизнинг фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени берилди. Бутун умрини халқ санъати ривожига бағишлаган бу фидойи санъаткорнинг номи тарих зарварақларида хамиша нур сочиб туради.

ТЎХТАСИН ЖАЛИЛОВ **(1896-1966)**

Ўзбек мусиқий санъатининг йирик намояндаси машхур бастакор, Тўхтасин Жалилов Андижон шаҳрида таваллуд топди. У оддий оиладан бўлиб, ёшлиги кўп хаёт қийинчиликларига дуч келди ва тирикчилик йўлида турли хонадонларда халфа бўлиб хизмат



қилди. Андижонда машхур Саидхон тўра хонадониди бўладиган суҳбатлар ва санъаткорлар иштироки ёш Тўхтасинда мусиқага ихлос уйғотади ва шу йўлни танлайди. «Толзор» чойхонасида водийлик хонанда ва созандалар иштирокидаги йиғинларда доим қатнашар, Ашурали хофиз, Дехқонбой, Хайит Охун танбурчиларни ва водийнинг турли жойларидан келган санъаткорлар ашулаларини тингларди. Ёш Тўхтасин кўқонлик Юсуфжон чангчини назарига тушади ва ундан мусиқа созларини парда тузилишларини ўргана бошлайди. Ёғижак, дутор, танбур созларини кунт билан ўрганади. 1919 йилда Андижон шаҳрида Хамза Хакимзода Ниёзий томонидан тузилган ташвиқот ансамблига таклиф қилинади ва Орифжон дуторчи, Ёқубжон чангчи, Зокир эшон доирачи, Беркинбой Файзиевлар билан ижрочилик малакасини ошириб боради. Орифжон дуторчи (гармон), Рустам Мехтар сингари таниқли созандалардан сабоқ олади. Тўхтасин Жалилов ижоди давомида жуда кўп ансамблларда меҳнат қилди ва машхурлик даражасига кўтарилди. 1926 йилда тузилган ўзбек давлат этнографик ансамблида созанда, 1929 йилда Андижон театрида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. 1935 йилда Лондонда бўлиб ўтган фестивалда қатнашиб, уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Тамарахонимлар билан катта муваффақиятга эришади. 1937 йилда Москвада ўтказилган биринчи ўзбек санъат ва адабиёт декадасида қатнашиш учун ўзбек давлат филармонияси қошида ашула ва рақс ансамбли ташкил этилади ва Тўхтасин Жалилов бунга бадий раҳбар этиб тайинланади. Декададан сўнг ансамбл билан собиқ иттифоқнинг жуда кўп шаҳарларида, гастрол сафарларида бўлади. Бу ансамбл ўз даврида юзга яқин хонанда, созанда, раққосаларни ўз ичига олган эди. 1940 йилда ўзбек мусиқали драма ва комедия театри ташкил қилиниб, Тўхтасин Жалилов бадий раҳбар этиб тайинланади. Сўнгра бу театрға Муқимий номи берилади. Тўхтасин Жалилов бутун ижоди давомида 30 дан ортиқ мусиқали драма ва 200 дан ортиқ куй ва кўшиқлар яратди. Унинг барча яратган кўшиқ, куй, арияларида халқоналик акс этган бўлиб, халқ ашулалари ва куйларидан мохирона фойдаланганлиги, халқ ижро йўлларини яхши билганлигидан далолат беради. У яратган «Тохир ва Зухра», «Гулсара», «Халима», «Нурхон», «Алпомиш», «Муқимий», «Равшан ва Зулхумор», «Лайли ва Мажнун», «Гул ва Наврўз» сингари мусиқали драмалари ўзбек театр санъатининг ривожиди

мухим ахамиятга эгадир. «Кокилинг», «Довруғ», «Сигнал», «Гулистоним менинг», сингари юзлаб қўшиқ ва куйлари хонандалар ва созандастар томонидан севиб куйланади ва ижро этилади. Устоз кўплаб шогирдлар етиштирди. Мамадазиз Ниёзов, Ғанижон Тошматов, Комилжон Жабборов, Мирзажон Тиллаев, Ғуломжон Хожикулов сингари машхур бастакор ва созандастар шулар жумласидандир. Машхур санъаткор Халима Носирова «Тўхтасин Жалилов - барча санъаткорларнинг, созанда ва хонандаларнинг, бастакор дирижёрларнинг отахони, меҳрибони маслахатчиси эди» - деб эслайди.

Устознинг фарзандлари Холхўжа Тўхтасинов, Холида Жалилова, Салоҳиддин Тўхтасинов, Дехқон Жалиловлар ота изидан боришиб, ўзбек санъатига муносиб хисса қўшдилар.

Устоз Тўхтасин Жалиловнинг меҳнатлари муносиб тақдирланган бўлиб «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонига, ҳукуматнинг бир қанча мукофотларига, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармони билан «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлди.


Унинг номига Андижон санъат билим юрти, кўчалар қўйилган бўлиб, устоз ҳаётининг давомийлигидан дарак беради ва халқ хотирасида сақланади.

ЮНУС РАЖАБИЙ (1897-1976)

Юнус Ражабий деганда ўзининг бутун салобати, ижоди, ўзидан қолдирган улкан мусиқа мероси билан, ўзбек миллий мусиқа-сига бебаҳо хисса қўшган буюк санъаткор кўз ўнгимизда гавдаланади. Мусиқий

маданиятимизда унинг алоҳида ўрни бўлиб, ўз ижодий ва илмий ишлари натижасида академик даражасига кўтарилган улуғ санъаткордир. Юнус Ражабий ўзининг ижодий фаолиятини ўзбек халқ ашула, қўшиқ, чолғу

куйлари ва мақом йўлларини нотага ёзиб олишга бағишлади. Натижада тўққиз томлик «Ўзбек халқ музикаси» тўплами,



«Шашмақом»нинг олти томлиги, «Муסיкий меросимизга бир назар» рисоласи чоп этилди. Юнус Ражабий 1897 йилда Тошкент шахрининг чақар махалласида таваллуд топди. Дастлаб эски усул мактабида саводини чиқаргач, муסיқага бўлган иштиёқ уни шу йўлга бошлайди. Машхур хофиз ва созанда Шорахим Шоумаров унга биринчи устозлик қилади ва дутор чалиб қўшиқ айтиш йўллариини ўрганади. 1919 йилда Тошкент халқ консерваторияси миллий чолғу асбоблари бўлимига ўқишга кириб, миллий созлар ижрочилига билан бир қаторда назарий дарсларни ҳам ўзлаштиради. Устози Шорахим Шоумаров билан биргаликда биринчи муסיқали сахна асари бўлган «Фарход ва Ширин» спектаклига муסיқа басталайди. 1923 йили Самарқандга бориб яшаб, дастлаб ўзбек педагогика билим юртига муסיқа рахбари сўнгра 1925 йилда театрда ансамбл рахбари бўлиб ишлайди. Машхур хофиз ва бастакор Хожи Абдулазиз Абдурасулов унинг Самарқанддаги ижодий фаолиятида мухим рол ўйнади ва мақом йўллариини янгича талқинда ўзлаштира бошлади ва ўзи ҳам куй, қўшиқлар ярата бошлайди. Юнус Ражабий 1927 йилда ташкил қилинган биринчи ўзбек радиоси миллий чолғу ансамблининг асосчиси ва муסיқа рахбари бўлди. Унинг ташаббуси билан ўзбек миллий чолғу асбоблариини такомиллаштириш ишлари бошланади ва натижада ўбек халқ чолғу асбоблари товуш садоланишида, ташқи қиёфасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ўзбек радиоси қошида халқ миллий чолғу ансамбли заминида ўзбек халқ чолғу оркестри тузилди. Бу даргохда 50 йил ижодий меҳнат қилди. Кейинчалик 1960 йилда эса хозиргача ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттираётган мақом ансамблини тузди ва «Шашмақом»ни мушкilot ва наср бўлимлариини магнит лентасига туширди. Бу мақом ансамбли хозиргача устознинг ижрочилик мактаби руҳида фаолиятини давом эттирмоқда.

Устоз Юнус Ражабий ижодининг солномасига назар ташласак, ижодий фаолияти давомида «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Муқанна», «Ўғил уйлантириш», «Қасос» сингари 10 дан ортиқ муסיқали драмалар, «Кошки», «Ўлмасин», «Не наво», «Қадах», «Пахта», «Фарғонача», «Ўйин баёти», «Куйгай» сингари 200 дан ортиқ куй ва қўшиқлар яратганлигини гувоҳи бўламиз. У композитор Б.Бровцин билан ҳамкорликда яратилган «Ёлғиз ва ҳаммамиз» ва «Фарғонача» симфоник асарларининг ҳам

муаллифидир. Унинг хофизлик ижрочилиги ҳам халқимиз томонидан жуда қадрланган ва «Ушшоқ», «Кошки», «Куйгай», «Баёт» ашулаларини бетакрор ижрочисидир. Устоз Юнус Ражабийнинг серқирра ижодий фаолияти республикаимиз мусиқа маданиятининг янгича рух билан шаклланиши ва тараққиёти борасида муҳим аҳамият касб этади. Устоз ўзидан юзлаб шогирдларни қолдирди. Толибжон Содиков, Дони Зокиров, Дадаали Соаткулов, Набижон Хасанов, Саиджон Колонов, Ориф Қосимов, Фахриддин Содиков, Назира Ахмедова, Турғун Каримов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Махмуд Юнусов, Турғун Алиматов, Орифхожи Алимахсумов, Сирож Аминов, Исҳоқ Катаев, Эсон Лутфуллаев сингари машхур хофиз ва созанда бастакорлар Юнус Ражабий ижрочилик мактабининг вакиллари. Мақомдон хонандалар, халқ чолғу ва ашула ансамбллари, мусикали драма театрлари артистлари унинг ажойиб дилрабо кўшиқ ва куйларини ижро этмоқдалар, асарларини сахналаштирмоқдалар. Унинг асарлари эфирда, зангори экранларда янграмоқда. Юнус Ражабий оилавий сулоласи ўзбек санъатининг ривожига муҳим хисса қўшмоқдалар.

Устоз Юнус Ражабий бир қанча давлат мукофотлари, «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, вафотидан сўнг 2000 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. 1966 йилда Ўзбекистон фанлар академиясига аозо қилиб сайланган. Академик илмий унвонга эга. 1976 йил 23 апрел куни 79 ёшида вафот этган. Унинг хотираси абадийлаштирилиб, Тошкент шаҳридаги метро бекатларининг бирига, ўзи яшаган кўчага, республика радиоси мақом ансамблига, Жиззах вилоят театрига унинг номи берилган. Юнус Ражабий уй музейи ишлаб турибди. У ерда хар хил маданий тадбирлар ўтказилади.

ЖЎРАХОН СУЛТОНОВ **(1903-1965)**

Жўрахон Султонов, хофизлик ва бастакорлик санъатининг сарбонларидан бири, мафтункор овоз сохиби, ижрочиликда ўзига хос мактаб яратган санъаткор кўз олдимизга келади.



Жўрахон Султонов 1897 йилда Марғилон шахрининг «Пошшо Искандар» махалласида таваллуд топди. Уни отаси Султонбой хожи табиатан дилкаш, шеорият ва мусикадан хабардор одам эди. Онаси Саодатхон ая зиёли оиладан бўлиб, ўғли Жўрахонни меҳр билан тарбиялади. Ўша даврда Марғилондаги чойхоналар маданият, маорифат ўчоғи вазифасини ҳам бажарар эди. Султонбой хожи ўғли Жўрахонни чойхонага олиб келиб Юсуфжон қизикқа шогирдликка топширади. Натижада Мадали хофиздан танбур чалиб ялла айтиш йўлларини, Болта хофиз билан Маматбобо хофиздан патнисака ашула йўлларини ўргана бошлади. «Шафоат», «Даргохингга келибман», «Хайрул башар», «Шояд», «Ёввойи чоргох» сингари патнисака ашулаларни бирга ижро эта бошлади. (Бу ерда шуни айтиш жоизки, Жўрахон Султонов устози Маматбобо хофиз билан, ашулачиликда ёввойи йўлларни кашф этган хофиздир. Яна улар жўровоз бўлиб айтиш услубини яратишди). 1918 йилда «Санойи нафиса» тузилиб унинг ҳақиқий ижодий фаолияти бошланади. 1926 йилда Мухиддин Қори Ёкубов раҳбарлигида ўзбек давлат этнографик ансамбли ташкил этилди ва қатор номдор санъаткорлар қатори Жўрахон Султонов ҳам таклиф қилинади. 1928 йилда эса Марғилонда ташкил этилган мусикали драма театрига директор этиб тайинланди. Маомуржон Узоқов, Бобораҳим Мирзаев, Зокиржон Эргашев сингари ёш санъаткорларга устозлик қилди. Шогирди Маомуржон Узоқов билан жўровозликда ижод қилдилар ва бу ҳамкорлик 30 йил давом этди.

Жўрахон Султонов 1932 йилда Тошкентга кўчиб келиб ўзбек мусикали театрида кейинчилик республика радиосида ишлайди. 1937 йилда Москвада ўтган ўзбек декадаси, кейинчалик катта Фарғона канали қурилиши хофизга чинакам шухрат келтирди. «Эй нозанин», «Бу гулшан», «Офарин», «Минг қадам» сингари кўшиқлар ўша даврнинг маҳсулидир. 1939 йилда кўплаб санъаткорлар қатори Жўрахон Султоновга «Ўзбекистон халқ хофизи» фахрий унвони берилади. Уруш йилларида ижод қилган «Найлайин», «Отга миндим» кўшиқлари «Ватан ўғлонлари» ва «Фронтга совға» филмларида ўз аксини топган. Урушдан сўнг аввал эстрада театрида, кейинчалик 1958 йилгача Республика радиосида яккахон ашулачи бўлиб ишлади. Ўша даврларда унинг дастуридан «Чор зарб», «Чаман ялла», «Охким», «Сайри гулзор», «Беш парда сувора», «Содирхон ушшоқи», «Савти сувора», «Гулузорим қани»,

«Хануз», «Бўлмиш», «Патнисаки чоргох», «Эй дилбари жаноним», «Бормикан», «Боғаро», «Ситора» сингари асосан ўзи басталаган машхур ашулалар ўрин олган эди. Жўрахон Султонов жуда кўп шогирдлар етиштирди. Барча санъаткорлар уни эозозлаб «Уста» деб аташарди.

Давраларда ўзининг билимдонлиги, зукколиги, сўзга чечанлиги, ширин аскиялари билан хаммани ўзига жалб қила оларди. Жўрахон Султонов оғир касалликдан сўнг 1965 йил 19 октябрда Марғилон шаҳрида вафот этди. Таозияга шунчалик кўп халқ тўпландики, таозияни етти жойда ўқишга тўғри келди. Хофизнинг ўзлари васият қилган Машад қабристонига дафн қилдилар.

Устознинг номларига ўзлари яшаган кўча, муסיқа мактаби, қўйилган. Марғилон шаҳрида ёш хонандаларнинг Жўрахон Султонов, Маомуржон Узоқов номидаги Республика кўрик танлови ўтказиб турилади. 2001 йилда Президентимизнинг фармони билан устозга «Буюк хизматлари учун» ордени берилди. Бу ишларнинг барчаси халқимизнинг улуғ санъаткорига бўлган эхтироми ва хурматидан далолатдир

МАОМУРЖОН УЗОҚОВ (1904-1963)

Марғилоннинг машхур Машад махалласида Маомуржон Узоқов бўзчи Узоқжон ака хонадонида таваллуд топди. Узоқжон ака санъатга жуда ишқибоз бўлиб, тез-тез кўшни «Чорчинор» махалласи гузаридаги чойхонада бўладиган санъаткорларнинг йиғинларига ёш ўғли Маомуржонни ҳам бирга олиб борарди. Шу тариқа унинг ёш қалбида кўшиққа, санъатга меҳр уйғона бошлади. Онаси Зебуниса опа ҳам доира чалиб, халқ ялла ва лапарларини мохирлик билан ижро этар эди. Тезда устозлар назарига тушади ва Хасан қоридан дутор чалишни, Худойберган хофиздан кўшиқ айтишни ўргана бошлайди. 1928 йилда Марғилонда ўзбек муסיқали театри ташкил этилади ва Жўражон Султонов уни ишга таклиф қилади. Маомуржон



Узоқовнинг кейинги ўттиз йиллик ижодий фаолияти шу улуғ санъаткор билан боғланиб қолди. Жўрахон ака танбурда, Маомуржон ака дуторда жўровоз бўлиб қўшиқ айта бошлайдилар. Улар хамнафасликда қўшиқ айтишиб жуда катта доврў қозонадилар. 1932 йилда Жўрахон Султонов билан бирга Тошкентга келди ва шу ерда яшай бошлади. 1939 йили халқ хашарига айланган катта Фарғона канали қурилиши санъаткорларнинг хам ўзаро беллашувига айланиб кетди. Хужжатли киноленталарда мухрланган тасвирларда Жўрахон Султонов билан бирга ижро этган қатор қўшиқларини кўриш мумкин. Шу йили кўп хофизлар қатори Маомуржон Узоқовга хам «Ўзбекистон халқ хофизи» фахрий унвони берилди. Сўнгра Муқимий театрига таклиф қилинди ва қўшиқ айтиш билан бирга «Тохир ва Зухра» да жарчи, кейинчалик эса Тохир ролини ижро этди.

Маомуржон Узоқовнинг урушдан кейинги ижодий фаолияти ўзбек эстрадаси ва Республика радиоси билан боғланиб қолди. Машхур созанда ва бастакор Мухаммаджон Мирзаев Маомуржон аканинг ижодида хофизлик қирраларининг янгича шаклланишида катта таосир кўрсатди. Ижодий хамкорлик натижасида «Суратинг», «Кўзларинг», «Эй чехраси тобоним», «Йўлингда», «Ёр истаб», «Мустаозод», «Айрулмасин», «Фиғонким», «Шўхи паривашга», «Намоён қил», «Якка бу Фарғонада», «Ёлғиз», «Насихат», «Эй сабо», «Жоним менинг», «Бир келиб кетсун», «Жонон бўламан деб», сингари қўшиқ ва яллалар дунёга келди. Бу қўшиқларни хофиз жон дилидан куйлар, бу қўшиқлар фақат унинг довудий овози учун яратилгандай эди. 50-60 йиллар орасида Маомуржон Узоқов қўшиқчилик оламида янги саҳифа очди ва ўзбек қўшиқчилик санъатининг хақиқий юлдузига айланди. 1959 йилда Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида жўшиб қўшиқ куйлаган Маомуржон аканинг довудий овозидан таосирланган Москвалик таниқли мусикашунос профессорлардан бири концертдан кейин хофизнинг хузурига келиб, «Устозингиз ким?» деб сўрайди. «Устозим Жўрахон ака!» деган жавобни эшитган профессор хайратланиб, «Италия қўшиқчилик мактабини битирган бўлсангиз керак, деб ўйлабман» деган жавобни берган экан.

Маомуржон Узоқовнинг вафоти хақидаги шов-шувлар хозиргача қалбларни ларзага солиб келади. 1963 йил 23 июл куни

Марғилон боғида, дўстлари, шогирдлари, шинавандалари даврасида қўшиқ куйлаб турганида унинг хаёти мангуликка юз тутди. Машад қабристонидида шогирдининг қабрига тупроқ тортаётган устози Жўрахон Султонов бироз тўхтаб, «Маомуржон ўлим мени навбатим эди, афсус сен эрта кетдинг. Мен сендан мингдан-минг розиман, мендан ҳам рози бўлгин», деб фарёд чекканида маросимга йиғилган бутун халқ уввос солиб йиғлаб юборди.

Ўзбекистон халқ хофизи Маомуржон Узоқовнинг муборак номи халқнинг қалбидан бир умрга жой олган. Унинг номи абадийлаштирилиб ўзи яшаган кўчага, маҳалла, муסיқа мактабига берилган. Хар икки йилда Марғилон шаҳрида Маомуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов номидаги Республика ёш хонандалар кўрик танлови ўтказиб турилади. Президентимизнинг фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланиши буюк хофиз умрининг давоми бўлиб, муборак нафасининг сўнмаслигидан далолатдир.

ТАМАРАХОНИМ (1906-1991)

Тамарахоним аслида арман фарзанди, Боку ишчиси Артём Петросев - унинг отаси бўлиб, 1905 йилги революциядан сўнг Туркистонга сургун қилинган ва Фарғона музофотининг Горчаково станциясига келиб ишчи бўлиб ишлаган.

Тамарахоним шу ерда Марғилоннинг Горчаково темир йўл бекати ёнидаги «Пичоқчи» маҳалласида дунёга келган. Оилада 5 қиз бўлиб, уларнинг учтаси Тамарахоним, Гавхархоним, Лизахонимлар санъаткор бўлиб етишдилар. Барчалари халқ артисти унвонига сазовор бўлдилар. Тамарахонимни ва сингилларини дастлаб сахнага олиб чиққан устоз Юсуфжон Қизик Шакаржонов бўлди. 13 ёшли Тамарахон бошига паранжини ёпиниб, сингилларини етаклаб ховлима-ховли ёвуз кучлардан ўзини яшириб, тандирчилар маҳалласидаги Юсуфжон қизик ховлисига келиб, лапар, қўшиқ ва рақслар ўрганиб кетарди.




Устоз Тамарахонга ўзбек лапар яллаларини рақсга туширтириб ўргатарди. 1926 йилда Марғилонда ташкил этилган ўзбек давлат этнографик ансамблига жалб қилиниб, у ерда Мухиддин Қори Ёқубов, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов сингари устозлардан таолим олди. Сўнгра умр йўлдоши Мухиддин Қори Ёқубов билан Москвада ўқиди. Улар бирга дуэтлар ижро этардилар. 1925 йилда Парижда жахон фестивалида қатнашдилар. Сўнгра жахон бўйлаб Тамарахонимнинг гастрол концертлари бошланди. У 60 дан ортиқ давлатларда бўлди. 70 дан ортиқ тилда қўшиқ куйлаб, рақсга тушди. Тамарахоним лапар жанрига асос солган раққосадир. Бу жанрда лапар ижроси рақс билан уйғунлашиб ажойиб бир жозиба бахш этади. 1935 йилда Лондонда 1 халқаро фестивалнинг олтин медалига сазовор бўлди. Бу медални Англия қироличасининг қўлидан олиш бахтига муяссар бўлди. Иккинчи жахон уруши йилларида фронтчи санъаткорлар труппасида маданий хизмат қилади, капитан харбий унвонига сазовор бўлади. Тамарахоним филармониялар қошида бир неча ашула ва рақс ансамблларини тузди ва умрининг сўнги нафасигача ижод қилди. 90 ёшида Тошкентда вафот этди. Унга «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, орден ва медаллар берилган. 2001 йилда Президентимизнинг фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Тошкент шаҳрида унинг уй музейи ишлаб турибди. Бу музейга турли миллат рақсларига мансуб костюмлар, шахсий буюмлар, турли йиллардаги афиша ва расмлар қўйилган бўлиб, халқнинг зиёратгоҳига айланган.

МУХТОР АШРАФИЙ **(1912-1975)**

Ўзбек мусиқа санотининг атоқли намояндаларидан бири машҳур композитор ва дирижёр, мураббий ва жамоат арбоби Мухтор Ашрафий ўзбек мусиқа маданиятини ривож топишига катта хисса қўшган санъаткордир.

Мухтор Ашрафий 1912 йили 11 июнда Бухоро шаҳрида созанда оиласида туғилди. Дастлаб шарқ мусиқа мактабида, кейинчалик



музыка техникумида ўқиб етук созанда ва мақомдон усталардан дутор чалишни ва мақом ижрочилиги йўлларидан таолим олади. 1928 йилда эса Самарқанд музыка ва хореография институтини талабаси бўлди ва бу даргоҳда этнограф ва композитор Н.Н. Мироновдан композиторлик ва дирижёрлик илмини, назарий ва ноталаштириш услубларини ўрганади. Шу йиллари Самарқанд радиосида ҳам ишлайди, кўшиқлар ҳамда кўп овозли асарлар яратади. Институтни битиргач, 1931 йилда Тошкентдаги ўзбек давлат музыка театрига дирижёр ва музыка раҳбари қилиб тайинланди. 1943-1947 йиллари М.Ашрафий ўзбек опера театри дирижёри, музыка раҳбари ва директори, 1947-1962, 1970-1966 йиллари Самарқанд опера ва балет театри директори, бадий раҳбари, бош дирижёри, 1966-1975 йилларда Алишер Навоий номидаги академик катта опера ва балет театри музыка раҳбари ва бош дирижёри лавозимларида ишлади. М.Ашрафий 1926 йилдан бошланган дирижёрлик фаолиятида «Фарход ва Ширин», «Гулсара», «Аршин моллон» музыкали драма комедияларидан бошлаб, «Зайнаб ва Омон», «Майсаранинг иши», «Улуғбек», «Лайли ва Мажнун», «Зулматдан зиё», «Кармен», «Аида», «Травиата» опералари, «Жизел», «Шопениана», «Шелкунчик», «Спартак», «Пахта» балетлари сингари ўзбек композиторлари ва жаҳон классик композиторларининг юздан ортиқ асарларига дирижёрлик қилди.

М.Ашрафий С.Н.Василенко билан 1939 йилда «Бўрон» номли биринчи ўзбек операсини яратдилар. Кейинчалик эса «Улуғ канал», С.Н.Василенко билан ҳамкорликда «Дилором», «Шоир қалби» операларини, «Севги тумори», «Темур Малик», «Жасорат», «Мухаббат ва қилич», «Рустамнома» балетларни ёзди ва муваффақиятли сахналаштирилди. М.Ашрафий ижодида симфоник ва вакал симфоник музыка жанрлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида яратилган уч қисмдан иборат «Қахрамонлик» симфонияси яна шу даврда яратилган, «Ғолибларга шон-шарафлар бўлсин» симфонияларида халқимизнинг босқинчиларга қарши қахрамонона кураши ифодаланган. М.Ашрафий қаламига мансуб бешта симфоник сюитаси яратилган бўлиб, («Баҳор ўлкаси», «Фарғона сюитаси») уч қисмли сюита, тожик сюитаси, бешинчи сюита «Опа-сингил Рахмоновалар» кинофиломи асосида яратилган бўлиб, ушбу жанрда ҳам баракали

меҳнат қилганлигидан далолат беради. Бундан ташқари «Тантанали марш», «Ватанимиз тонги», «Тинчлик тарафдорининг намоиши» симфоник асарлари, «Ўзбекистон», «Бахт ҳақида қўшиқ», «Оловли кунлар» вокал-симфоник поэмаси, «Рустамнома» эпик ораторияси ҳам унинг ижодига мансубдир.

М.Ашрафий жаҳоннинг кўп сахналарида ўз дирижёрлик маҳоратини намоиш этган бўлиб, унинг асарлари ҳам турли давлатларда мусиқа жамоаларида ижро этилган. Устоз санъаткор юзлаб шогирдлар етиштирди. Ф.Назаров, Д. Абдурахмонова, А.Абдуқаюмов, М.Лазарев, У.Мадиёров, О.Халимов, Қ.Усмонов, Ғ.Тўлаганов, Ф.Ёқубжонов, Э.Азимов, сингари мохир дирижёрлар шулар жумласидандир.

Устознинг санъатимиз ривожига қўшган буюк ишлари муносиб тақдирланган бўлиб, 1939 йили Ўзбекистон ва 1951 йили собиқ иттифоқ халқ артисти фахрий унвонларига, уч марта давлат мукофотлари, Жавоҳарлал Неру (1972) ва Жамол Абдул Носир (1973) номли халқаро мукофотларга сазовор бўлган. Мухтор Ашрафий 1975 йили Тошкентда вафот этди.

ХАЛИМА НОСИРОВА **(1913-2002)**

Ўзбек қўшиқчилиги ва опера санъатига бебаҳо хисса қўшган санъаткорлардан бири Халима Носировадир. Халима Носирова айниқса ўзбек опера санъатида алоҳида мактаб яратди ва бу ноёб санъат ривожига улкан хисса қўшди.

Халима Носирова 1913 йилда Қўқон яқинидаги тоғлик қишлоғиларда таваллуд топди. Отаси Мухаммадносир ака қосиб бўлсада, қўшиқ ва шеорлардан хабардор бўлиб, ёш Халима қалбида санъатга ҳавас уйғотди. Отасининг бевақт вафотидан сўнг қийин аҳволда қолган оила онаси Хосиятхон ва опалари Хожар ва Ойишалар билан Қўқон шаҳрига кўчиб келишади. Ёш Халимани болалар уйига топширишади. 1929 йилда Тошкентдаги хотин-қизлар билим юртига ўқишга қабул қилинади.



Шу ерда Али Ардобус рахбарлик қилаётган бадий хаваскорлик тўғарагига дугоналари Шохида Махсумова, Назира Алиевалар билан қатнай бошлайди. Тезда устозларнинг назарига тушган Халима Носирова 1925 йилда бир гуруҳ ёш санъаткорлар билан Бокудаги театр билим юртига ўқишга юборилади. Иш фаолиятини ҳозирги миллий академик театрда бошлайди. Қатор образларни яратади. Сўнгра Москва Давлат консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясида таолим олади. 1929-1939 йиллар мобайнида ўзбек мусикали драма театрида ижод қилди ва хилма-хил образларни яратди. 1939 йилдан бошлаб то кучдан қолгунга қадар А. Навоий номидаги ўзбек опера ва балет академик театрида ижод қилди ва ушбу кутлуғ даргоҳида ўз ижрочилик мактабини яратди. «Лайли ва Мажнун», «Гулсара», «Кармен», «Бўрон», «Майсаранинг иши», «Зайнаб ва Омон», «Хоразм қўшиғи», «Улуғбек» сингари ўнлаб опералардан бош образларни қўшиқларини куйлади. Халима Носирова ўзбек миллий ашула ва қўшиқларини бетакрор ижрочисидир. Унинг ижросида «Ушшоқ», «Чоргоҳ», «Баёт», сингари халқ ашулалари алоҳида ўзига хос услуб билан ижро этилади.

Мен ўзбек куй ва ашулаларини, мақомларини севимли хофизларимиз ва устоз созандаларимиз Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Хожи Абдулазиз, Мухиддин Қори Ёқубов, Домла Халим Ибодов, Юсуфжон Қизик, Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Ахмаджон Умурзоқов, Мадрахим Шерозийдан ўргандим, - дейди Халима Носирова. Санъаткор тушунчасида қўшиқ инсоннинг меҳнатида, ҳаётида, тақдирида доимий йўлдошидир. Халқнинг севимли санъаткори Халима Носирова катта Фарғона, Тошкент, Лоғон, Чирчиқ каналлари, Каттакўрғон сув омбори, Фарход ГЭС қурилишларида. Мирзачўл, Қарши, Жиззах, чўллариини ўзлаштиришда, дахшатли уруш йилларида халқ руҳини кўтаришда ўз санъати билан фаол қатнашди.

Халима Носирова «Ўзбекфилм» киностудиясида суратга олинган «Асал», «Фронтга совға», «Мафтунингман», филомларида образлар яратди ва кино соҳасига ҳам хисса қўшди. Халима Носированинг ёрқин санъати ва истеододидан таосирланган бир қанча хорижий танқидчилар унинг санъатига юксак баҳо берганлар. Сурияда чиқадиган «Лисон аш шааб», ва Хиндистонда босиладиган «Стейстмен» газеталари ўзбек қўшиқчисини нихоятда ёқимли ва

жозибатор, дилларни ром қилувчи овози ҳақида 1956 йилда самимий сатрларни ёзган. Унинг булбулсифат овози ўзбек санъаткори тимсолида Хиндистон, Бирма, Ливан, Миср, Эрон, Хитой, Канада каби ўнлаб мамлакатларда ёйилган. Халима Носирова ҳаётлигидаёқ икки ажойиб нарсаси билан ўзига хайкал ўрнатди. Бири чинакам халқчил санъати, иккинчиси шогирдлари, издошлари билан улуғ бахтга эришганлигидир.

Унинг санъатдаги хизматлари муносиб баҳоланган бўлиб, «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонига сазовор бўлди. Мустақиллик шарофати билан «Буюк хизматлари учун» орденини кўкрагига тақиш бахтига муяссар бўлди.

Ўзбек санъатининг улуғ намояндаси, бетакрор овоз соҳибаси Халима Носирова 90 ёш умр кўриб 2002 йилда Тошкент шаҳрида вафот этди.

МУТАЛ (МУТАВВАККИЛ) БУРХОНОВ (1916-2002)

Ўзбек профессионал музика ва композиторлик санъатининг арбобларидан бири Мутал Бурхонов 1916 йил 5 майда Бухоро шаҳрида таваллуд топди. Дастлабки музика сабоғини Самарқанд шаҳрида музика ва хореография институтида олди. Сўнгра Москва консерваториясига ўқишга кириб, 1949 йилда композиторлик ва дирижёрлик мутахассисликлари бўйича тугатди. Бу даргоҳда профессорлар С.Н.Василенко, Г.А.Столяровлар сингари музика санъатининг етук мутахассисларидан сабоқ олади. М.Бурхонов бутун умри давомида республикамиз музика ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этади. 1955-1960 йилларда Ўзбекистон композиторлари уюшмасига раҳбарлик қилади.



М.Бурхонов композиторлик санъатининг турли йўналишларида ижод қилди ва бир-биридан жозибали асарлар яратди. Унинг яратган асарлари қуйдагилардан иборатдир: симфоник ва вокал - симфоник асарлари: «Ўзбекистон қизи»

сюитаси (1934), «Яшнаётган ўлка» контатаси (1949), «Бахор кушлари» вокал поэмаси (1951), «Ибн Сино» (1957), хор ва симфоник оркестри учун «Ода» (1959), «Алишер Навоийга қасида» (1968).

Вокал - хореографик поэмалари: «Оқ-олтин» (1972), «Номаолум солдатга» (1975), «Намедонам чи ном дорат» романс-поэма (1979), «Шоир орзуси» балладаси (1976), «Абадий хотира» реквиemi (Усмон Носир, А.Чўлпон шеорлари асосида) (1996), камер чолғу асарлари: фортепиано триоси (1939), «Бахорий рақслар», «Элегия» (1983), скрипкачилар ансамбли учун валос.

Романслар: «Эй булбул» А.Лохутий шеори (1935), «Ишқида» Уйғун шеори (1943), «Дилбаримо» А.Лохутий шеори (1943), «Табассум қилмадинг» А.Навоий ғазали (1946), «Сени соғиндим» Уйғун шеори (1945), «Унутмас менинг боғим» У.Носир шеори (1967), «Юрак садоси» Т.Тўла шеори (1970), «Нега тарк этдинг мени» А.Фитрат (1989), «Топмайин ёрни» А.Чўлпон шеори (1991), «Хоб дидам» А.Лохутий рубойиси асосида.

Хор ижролари учун: Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси (уч хил мухаррирлик ўзгаришида) Т.Фаттох шеори (1946), Т.Фаттох ва Т.Тўла шеорлари (1977), А.Орипов шеори (1992), 6 та халқ кўшиғи асосида ақопеллалар (1952), Қорақалпоқ кўшиқлари асосида ақопеллалар (1950).

Сахна асарлари: «А.Навоий операси» (1986), «Бой ила хизматчи» (1958), «Ойгул ва Бахтиёр» (1978).

Кинофилонларга музикалар: «Бой ила хизматчи» (1953), «Ибн Сино» (1957), «Орол балиқчилари» (1958), «Мафтун бўлдим» (1958) иккаласи ҳам И.Ақбаров ва М.Левиев билан ҳамкорликда яратилган. «Самолётлар кўнолмади» (1963), «Сурайё» (1964), «Уфқ ортида йўл», «Икки дил достони» И.Ақбаров билан ҳамкорликда яратилган (1970). М.Бурхоновнинг турли музикаий йўналишларда ижод қилганлигини юқоридаги асарлари намуналаридан кўриш мумкин.

М.Бурхоновнинг ўзбек профессионал музика санъати олдидаги катта хизматлари муносиб тақдирланган. 1964 йилда Қорақалпоғистон Республикаси давлат мукофоти, 1964 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, 1970 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти, 1976 йилда Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвонлари ва мукофотларига сазовор бўлган.

1998 йилда президентимизнинг фармони асосида «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган. М.Бурхонов Ўзбекистон Республикаси давлат мадхиясининг муаллифидир. Унинг хаёти ва ижоди йўли хақида «Умр дафтари» видеофилми яратилган.

Ўзбек профессионал муסיқа санъатининг ёрқин сиймоси М.Бурхонов 2002 йилда 82 ёшида вафот этди. Бухоро шахрига дафн қилинган.

КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ **(1917-1975)**

Хоразм аноанавий кўшиқчилик санъатининг машхур намояндаси Комилжон Отаниёзов 1917 йил 20 июлда Хоразм воҳаси Шовот туманидаги Бўйрачи қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси Отаниёз қори Охун Полвонниёз ўғли Хивадаги Арабхон мадрасасида мударрислик қилган бўлиб, Ниёзий тахаллуси билан ғазаллар ёзиб бир неча девон чоп эттирган. Ёш Комилжон Матпано ота, Матёқуб Харратов, Хожихон Болтаев, Маткарим хофиз, Мадрахим Шерозий, Бола Бахши сингари устозлардан сабоқ олган, тез орада ўзи ҳам машхур хофиз бўлиб танилади. Хоразм мақомларини, дostonларини ижро этиш билан бирга ўзига хос шундай янги бир услуб яратдики, у яратган кўшиқлар ҳозиргача хофизларимиз томонидан севиб куйланади, Унинг кўшиқлар дастури жуда салмоқли бўлиб, юзлаб кўшиқларни ўз ичига олган эди. «Хоразм сегоҳи», «Ўлтурғиси», «Чоргоҳ», «Феруз I-II-III», «Сувора», «Ошиқ бўлмишам», «На тилар мандан», «Салом сизга Хоразмдан», «Айрилма», «Насихат», «Хуш келдингиз», «Салламно», «Найларам» сингари кўшиқлари шулар жумласидандир. Унинг дастуридан қорақалпоқ, туркман, тожик, қozoқ, хинд, озарбайжон кўшиқлари ҳам кенг ўрин олган бўлиб, хофиз кўшиқ айтиш билан бирга дидли ғазаллар ҳам басталар эди. У 1952-1955 йилларда Тошкент давлат консерваториясида таолим олди, бастакорлик йўлларини ўрганди. А. Степанов, С. Хайитбоев билан ҳамкорликда «Азиз ва Санам», «Ошиқ Ғариб», «Сўнгги хон» драмаларига муסיқалар басталади. Комилжон Отаниёзов Огахий



номли Хоразм вилоят театрида актёр сифатида қатор ажойиб образлар яратган. «Фарход ва Ширин»даги Фарход, «Тохир ва Зухра»даги Тохир образлари ажиб бир сайқал топганким, хали-халигача кўрган одамлар хавас билан эслайдилар.

Комилжон Отаниёзов баланд ва кенг қамровли овози, юксак ижрочилик маданияти билан ўзбек кўшиқчилиқ санъатини оламга ёйди. У. Хитой, Хиндистон, Бирма, Афғонистон, Комбоджа, Таиландда гастролларда бўлиб, юз минглаб одамларни ўз санъатидан бахраманд этди.

Комилжон ака жуда кўп шогирдлар етиштирди. Хоразм муסיқа санъатини 50-60 йиллардаги ривожини Комилжон аканинг номи билан боғлиқ.

Устоз жуда кўп ашула ва рақс ансамбллари ташкиллаб унга бадий раҳбарлик қилди. Комилжон Отаниёзовга Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти фахрий унвонлари берилган. Унинг жўшиб куйлаган кўшиқлари, хозиргача мухлислар қалбини ром этиб келмоқда.

Эл суйган хофиз Комилжон Отаниёзов 58 йил умр кўриб 1975 йилда вафот этди. Урганч туманидаги Иморат бува қабристонига, отаси Ниёзий ёнига дафн қилинган. Унинг номи мактабларга, кўчаларга, филармония, ансамблларга берилиб абадийлаштирилган. Мустақиллик йилларида Президентимиз фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган.

ФАТТОХХОН МАМАДАЛИЕВ (1923-1999)

Фаттоххон Мамадалиев деганда анонавий ижрочилик бўстониинг нодир овоз сохиби, эл суйган санъаткор, кўшиқчилиқ оламида ўзига хос услуб ва ижрочилик йўлини яратган манзур нафас хофиз кўз ўнгимизда гавдаланади. Устоз овозидаги махзунлик, сержило нолалар, садоланиш хусусиятлари эшитувчини бефарқ қолдирмайди.



Фаттоххон Мамадалиев 1923 йилда Андижон вилояти Балиқчи тумани эски Халқулобод қишлоғида туғилди. Ёшлиқдан кўшиққа,

санъатга бўлган хавас билан устозлар назарига тушди ва скрипка чалиб кўшиқ айтишни ўргана бошлади. Унинг қобилиятини сеза билган таниқли хофиз ва созанда Умрзоқ полвон Сайдалиев ўзига шогирдликка олади ва унинг довуғи секин-аста Халқулбод атрофларига ёйила бошлайди. Хақиқий хофизлик даври эса Андижон шахрига келиб, муқим яшаб ва ижод қилган даврдан бошланади. Андижон шаҳар маданият уйи қошидаги мақом ансамблида қатнашчи ва кейинчалик узоқ йиллар бадиий раҳбар бўлиб ишлади. Хамнафас дўсти Йўлдошали Кийиков билан қатор кўшиқлар мажмуасини яратди. Улар хамнафасликда ижро этган ашулалар республика радиосида ёзиб олинган.

Фаттоххон Мамадалиевнинг Тошкентга келиб яшаши унинг ижодида муҳим бурилиш ясади. Янги-янги кўшиқлар дунёга келди. Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг илмий ижрочилик тахлилини тузиб чиқди ва шогирдларига ўргатди. Унинг республика телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар ансамблидаги фаолияти, давлат филармониясидаги ва Тошкент давлат консерваторияси аносаний ижрочилик кафедрасидаги илмий педагогик фаолияти билан уйғунлашган ҳолда ижобий натижалар берди.

Фаттоххон Мамадалиевнинг яна бир катта хизмати шундаки, халқимиз санъатининг нодир дурдоналаридан бўлмиш қатор ижрочилик йўлларини қайтадан таҳлил қилиб тиклади. Жумладан, «Насруллои» мусиқа йўлларига сўз солиб, унинг талқинчасини, уфосини, соқиномасини яратди.

«Мискин»нинг бешта йўлини, «Чоргоҳ»нинг бешта йўлини, «Умрзоқполвон ушшоқи»нинг соқиномаларини кўшиб ушшоқларнинг қадимий ижроларини тиклади. «Бузрук»нинг сурнай йўлларини талқин қилди. Изланишлар натижасида туркум сифатида «Савти Фаттоххон» деб ижрочиларимиз ва олимларимиз томонидан тан олинди. Мусиқашунос олим Равшан Юнусов билан ҳамкорлик натижасида юқорида номлари тилга олинган ижро йўлларини илмий таҳлил қилди ва «Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари» рисоласи чоп этилди. Устоз Юнус Ражабий улгурмаган кўп ишларни амалга оширди. Энг асосийси, шу барча изланишлар натижасини шогирдларига сабот билан ўргатди ва магнит лентасига муҳрлади.

Фаттоххон Мамадалиев ижро этган «Этмасмидим», «Жононим менинг», «Интизор», «Кўнгил», «Оқибат», «Кокилинг», «Дилкушо», «Қаландар-I», «Мўғилчаи қашқарчаи ушшоқ», «Гиря», «Эй сабо» сингари ашулалар алохида сайқал берилиб ижро этилганлиги билан шинавандаларнинг қалбидан жой олди. У ижро этган «Дарду дилим» кўшиғи Мўғулистон республикасида бўлиб ўтган «Осиё мусикаси минбари» илмий анжумани фестивал танловида фахрли ўрин эгаллади.

Фаттоххон Мамадалиев ўзининг оханграбо овози билан ўнлаб хорижий давлатлар кўшиқсеварларини ҳам ўзига ром этди. Муборак хаж сафарида бўлди. Ижодининг яна бир ёрқин қирраси, шеорият билан ошно бўлди. Яхшигина ғазаллар ёзиб, ўзи куйлар басталарди. У Ўзбекистон бастакорлари уюшмасининг аозоси эди.

Унинг хизматлари айниқса мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», «Ўзбекистон халқ хофизи» фахрий унвонлари, «Меҳнат шухрати», «Эл-юрт хурмати» орденлари, Тошкент давлат консерваториясининг профессори деб тан олинishi устоз хизматларининг ҳақиқий баҳосидир.

Беназир овоз соҳиби Фаттоххон Мамадалиев оғир хасталикдан сўнг 1999 йил 4 апрел куни бу ёруғ оламдан кўз юмди ва ўзи туғилган жонажон қишлоғига дафн қилинди.

МАТНИЁЗ ЮСУПОВ (1925-1992)

Хоразм мақомларини Матпано ота, Мадрахим Шерозий, Хожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа устозлардан ўрганиб нотага олган, уни аввал бир жилд, кейин 1980 йилда уч жилдлик этиб чоп қилдирган улкан бастакор, мусиқий маданиятимизнинг улкан арбоби Матниёз Юсуповдир.

Матниёз Юсупов 1925 йилнинг 1 январида Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги Ниёзматарбоб мавзеида таваллуд топди. Унинг зехни ўткирлигидан 15 ёшидаёқ вилоят эстрадасига мусиқачи бўлиб



ишга киради. 1943 йили иккинчи жахон урушидан ногирон бўлиб, бир оёғидан айрилиб қайтади. Сўнгра вилоят театрига ишга таклиф қилинади ва Худоберган Мухрканнинг ўғли Матпано отадан бир гурух санъаткорлар билан биргаликда Хоразм мақом йўллари йўгани бошлайди. Ўн йилга яқин давр ичида у мохир ғижжакчи сифатида мақом, халқ достончилиқ йўллари мукамал ижро этга бошлади. 1951 йили Хамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига ўқишга кириб, бу даргохни муваффақиятли тамомлагач 1955 йили Тошкент Давлат консерваториясининг композиторлик факултетига ўқишга киради ва уни композитор Зейдман раҳбарлигида 1960 йили тугатади. Табиатан мулойим, очиқ юзли, истараси иссиқ, юзларидан доимо нур ёғилиб турадиган Матниёз Юсупов тезда халқ оғзига, ижодкорлар назарига тушади. Республика радиосидан тез-тез унинг хуш овозлари янграб, у басталаган кўшиқлар ижро қилина бошлайди. Матниёз Юсупов Консерваторияда ўқиган йиллари драма асарларига мусиқа басталайди. 1961 йили унинг «Ғазал ғожиаси» мусиқий асари сахналаштирилади. Шунингдек Хамид Ғуломнинг «Дил кўзгуси», Айёмийнинг, «Тун ва Нохун», Хайитмат Расулнинг, «Муқаддас диёр» ва бошқа қатор драмаларга куйлар басталади.

У устозлардан ёзиб олган Хоразм мақомларини 1959-1960 йиллари 1-2 жилдларини чоп қилдирди.

Матниёз Юсупов 1961 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиосида катта муҳаррир, ундан кейинги йилларда М.Уйғур номидаги Тошкент санъат институтида ва А.Қодирий номидаги Тошкент маданият институтларида устозлик қилиб, профессор илмий даражасини олади. Матниёз Юсуповнинг энг баракали ижод махсули сифатида 5 жилдда «Хоразм мақомлари» нинг 1980 йили чоп этилишидир. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонига мушарраф бўлган улкан санъаткордир.

У бутун ижоди давомида ўнлаб кўшиқлар, симфоник асарлар ва поэмалар яратди. Кенг диапазонли, ёқимли овози билан мақомлар ижро этди. Бутун умрини мусиқа илмига бахшида этган Матниёз Юсупов 1992 йилда оламдан ўтди. Тошкентдаги Чиғатой қабристонида дафн қилинган.

ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ (1926-1996)

Таваккал Қодиров деганда, бутун умрини халқ хизматига бағишлаган, миллионлаб кўшиқ шинавандаларининг қалбларига қувонч олиб кирган, такрорланмас овоз сохиби, камтар инсон кўз олдимизга келади. Таваккал Қодиров 1926 йил 10 июнда Қува туманининг Султонобод қишлоғида дехқон оиласида таваллуд топди. Улуғ инсонларнинг туғилиши хам ўзига хос тарихий бўлар экан.



Хофизнинг оналари Тўтибуви саккиз фарзанд кўриб, биронтаси хам турмаганлиги сабабли, тўққизинчи фарзандини удумга кўра ховлида, ер бағрида туғиб, «Таваккал ё ерники бўлар, ё меники» деган умидда фарзандининг исмини «Таваккал» деб қўйган эканлар. Шундай тафсилотлар билан туғилган бола улуғ хофиз даражасига етди. Таваккал ака сермашаққат хаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Дастлабки мусиқий сабоқни қувалик устозлари Ғофиржон ғижжакчи ва Давронбек хофизлардан олади.

Хофизнинг кўшиқчилик оламига назар ташласак, 50-йилларда янги овоз, янги соз билан бу нурли оламга кириб келганини кўрамиз. Аноанавий кўшиқчилигимизни бир дарё деб фараз қилсак, хофиз ўз услуби, овози билан бу дарёнинг катта ирмоғи бўлиб ажраб чиқди. Жўрахон Султонов, Маомуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов сингари улуғ хофизлар яратиб кетган мактабнинг давомчиси сифатида ўзига хос услуб яратди. Хофиз ижоди давомида юзлаб кўшиқлар ижро этди. Қатор халқ кўшиқ ва яллаларини алоҳида услуб билан ижро этиб, уларга иккинчи умр бахш этди. У ижро этган «Бизни ташлаб», «Шунчамиди», «Ўхшайдику», «Кеча ойдин», «Тошкент ироқи», «Сувора», «Найларам», «Кўкон ушшоқи», «Фарғона тонг отгунча», «Тановар», «Сайёра», «Ўзбекистоним», «Жоним Фарғона», «Феруз I-II» сингари кўшиқлар унутилмас ижролардир.

Ушбу сатрлар муаллифига Таваккал Кодировга шогирд бўлиб юриш, хизматини қилиш, устозга бағишлаб хаётлигида «Таваккал Кодиров» номли рисола ёзиш насиб этди. Устоз кўшиқ куйлаганда,

хар-бир ижро этган қўшиғи гўё ўзи учун яратгандай туюларди. Биз бир қўшиқни хар куни уч-тўрт марта эшитсак ҳам, доим ўзининг янги бир кирраси билан намоён бўлаверар эди.

Хофиз ижодида икки воҳа йўли, Фарғона ва Хоразм қўшиқчилиқ мактабининг уйғунлашган ижроларини кузатамиз. Бунинг сабаби, устозлари Жўрахон Султонов ва Комилжон Отаниёзовларнинг ижодларидан самарали фойдаланганлигидандир. Иккала буюқ хофиз севимли шогирдига «Феруз» ҳамда «Қўқон ушшоқи» ни айтдириб, завқланиб шинавандалиқ билан эшитишиб ўтирганларининг гувоҳи бўлганман.

Таваккал Кодиров узоқ йиллар Фарғона вилояти ўзбек мусиқали драма театрида меҳнат қилди. 1978 йилда вилоят филармониясини ташкил этиб, бир неча йил раҳбар бўлиб ишлади. Хофиз ижодини ёритувчи қатор телефилмлар, видеофилмлар, грампластинка ёзувлари, республика радиосида элликдан ортиқ қўшиқлари мавжуд бўлиб, унинг ижоди баракали, сермахсул бўлганлигидан далолат беради. Устозга 1964 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1989 йилда эса «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак унвонларнинг берилиши, Фарғона давлат университетининг профессори деб тан олиниши ўзбек санъати олдидаги хизматларининг далолатидир. Устоз етмиш йил умр кўриб, умрларининг сўнгги кунларида ҳам ажойиб бир покизалиқ, руҳан тетиклик билан 1996 йил 13 апрел куни вафот этди. Фарғона шаҳар Сирпўш ота қабристонига дафн қилинган.

Ха, инсон умрининг сарҳадлари бепоён, айниқса қўшиқ оламининг бепоён кенгликларида санъаткор қалбининг торлари жаранглаб акс-садо бериб турувчи хилқатдир. Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф (оллох раҳмат қилсин) устозга атаб ёзган шеоридаги қуйидаги мисралар фикримизнинг далилидир:

*Мен кетарман қолмагай тилла тахту кўшқларим
Менга бу дунёда чин келтирди бахт қўшиқларим
Ўзбегим уйида янграр ҳамма вақт хонишларим
Гул ўтиб, гул ёпиниб хар дилда мозорим қолур
Мен кетарман бир куни наволарим, зорим қолур...*

Ушбу мисралар устознинг қабр тошига ёзилган бўлиб, мангуликка дахлдордир.

ИСХОҚ РАЖАБОВ (1927-1982)

Ўзбек муסיқашунослик фани ўзининг тарихий илдизларига эга бўлиб, муסיқий санъат билан чамбарчас боғлиқ холда ривожланиб келди. Барча даврларда бу соҳанинг улуғ алломалари етишиб чиқдилар. 20-аср ўрталарига келиб ушбу жараёнга кириб келган машхур Ражабийлар сулоласининг вакили Исхоқ Рисқиевич Ражабов муסיқашуносликда ўзига хос мактаб яратган ёрқин сиймодир. Улкан олимнинг илмий амалий фаолияти асосан мақомларни илмий тахлил қилиш борасида бўлсада манбашунос, филолог, шарқшунос олим сифатида ҳам унинг ижодий-илмий йўналишларда умумийлик касб этади. Бунинг сабаби ўзи ўсган, яони машхур Ражабийлар сулоласининг оилавий мухити бўлса, отаси мохир танбурчи устоз Рисқи Ражабийнинг таосирида танбур ва дутор созларининг мохир ижрочисига айланади ва миллий муסיқамиз дурдоналарини илмий тахлил қилишга умрини бахшида этади. Олимнинг форс-тожик тилини мукаммал билиши, мумтоз шеориятнинг билимдони бўлганлиги, араб имлосида битилган тарихий манбааларга бой кўлёзмаларни эркин ўқиб шархлай олиши унинг ижодий илмий фаолиятини кенг доирада олиб боришини таоминлади ва бу борада улкан ютуқларга эришди. Устознинг муסיқа маданиятимизнинг дурдонаси мақомат санъати бобида олиб борган изланишлари, унинг бу борада мукаммал қомусий билимга эга эканлиги мутахассислар томонидан тан олинди.


Унинг изланишларини ёрқин ифодасига айланган 1963-йилда нашр этилган «Мақомлар масаласига доир» номли монографик рисоласи диққатга сазовордир. Бу ноёб рисолада ўрта асрларга келиб ўн икки мақом аниқ ижро тизимига эга бўлганлиги, шу асосда шашмақом ўн икки мақом тизимининг ривожланиши жараёнида юзага келганлиги, ҳамда унинг парда-тузук, куй-оханг, зарб-усул, авж-номуд ва бошқа шаклий тузилиш қонуниятлари айнан ана шу яхлит тизимнинг таркибий қисмлари эканлиги узил-кесил равишда ўз ечимига келган. Шунингдек, мақомот тизимининг ажралмас шакллари бўлган Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига оид қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, уларнинг шашмақом билан ўзаро боғланиш муносабатлари хусусида ҳам малакали кўрсатмалар баён этилган. И.Р.Ражабов мақомларнинг

амалий ижро санъатини пухта билгани холда бу мураккаб санъатнинг тарихий ва назарий муаммоларини ўзида муштарак этган, илмий концепция тузишга муваффақ бўлган. Бу концепция 60-70 йилларда шўро мафкурасининг маданиятнинг синфийлиги ва Европа ценийризим ғояларига асосланган холда, мақомлар хусусидаги «ўтмиш қолдиқлари», «реакцион феодал санъати», «мохиятини йўқотган зерикарли санъат» қабилидаги қарашларга қарши ўткир тиғ бўлган эди. Олимнинг «Мақомлар» номли йирик тадқиқоти қўлёзмасида мусиқанинг келиб чиқиши масаласида турли тахминларни баён этиб ўтаркан, шу фурсатда: «Шерозий ва Жомий» товушларни Аллохнинг инояти деб қарайдилар ва бу масалани баозан илохиятга боғлаб тушинтирадилар - деб изох беради.

Санъатшунослик фанлари доктори И.Р.Ражабовнинг илмий-ижодий фаолияти ўзбек мусиқа фани ривожига жуда баракали таосир кўрсатди, айниқса мақомларни тадқиқ этишда янги босқичда юксалди, мақомшунослик ва мусиқий манбашунослик фанларига асос солинди. Бу фанлар ўрта ва олий махсус илмгохларда талабаларга ўқитилмоқда. Бу борада устознинг шогирдлари бўлмиш Равшан Юнусов, Оқилхон Иброхимов сингари етук олимлар унинг илмий меросини тадқиқ этишда муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Шу билан бирга устоз И.Р. Ражабов эришган илмий натижалар устозона касбий мусиқа намуналарини ўзбек ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилишида, шунингдек 1993 йилдан буён республика миқёсида мунтазам ўтказиб келинаётган «Ражабийхонлик» илмий амалий анжуманларида алохида нуфузга эга бўлмоқда.

БОТИР ЗОКИРОВ **(1936-1985)**

Ўзбек профессионал эстрада санъати асосчиларидан бири, дунё тан олган эстрада юлдузи Ботир Зокиров Тошкент шаҳрида санъаткорлар оиласида дунёга келди. Унинг отаси Карим Зокиров ўзбек опера санъатининг сарбонларидан бири,



онаси Ш. Саидова ўзбек халқ кўшиқлари, лапарлари ва яллаларининг ажойиб ижрочиси эди. Умуман Зокировлар оиласи ўзбек халқининг мусиқа маданиятига салмоқли хисса кўшган сулола саналади. Ботир Зокировнинг болалиги, ёшлиги, санъат мухитида тарбияланади. Унинг хотираси ва эшитиш қобилияти жуда кучли эди. Расм чизишга, шеор ёзишга ишқибоз эди. Санъатда биринчи устозлари отаси Каримжон ака, онаси Шохиста опа бўлдилар. У ёшликдан кўшиқни дилдан севиб куйлашни одат қилди. Унинг биринчи кўшиғи «Қайдасан, сени кутаман» деб аталган ва ўн тўрт ёшида «Мажнун» деб номланган картинани чизди. 1952 йили Тошкент давлат консерваториясининг вокал факултетига ўқишга кирди. Ўша даврда эстрада санъатида қалдирғоч саналган. «Ёшлик» эстрада ансамблига қатнай бошлади. 1958 йилда шу ансамбл базасида Ўзбекистон Давлат эстрада оркестри тузилди. Оркестрни тузишда Ботир Зокиров жонбозлик кўрсатди. Синглиси Луиза Зокирова билан ушбу ансамблда ишлай бошлади. Оркестр Ботир Зокировнинг ижодий йўлини қатойиб белгилаб берди. 1957 йилда Москвада ўтказилган ўзбек декадасида машхур араб композитори Дориш Ал-Аттошнинг «Араб тангоси» кўшиғи биринчи марта янгради ва чакмоқ каби Ботир Зокиров номини кўшиқсеварлар қалбига олиб кирди. Бу кутилмаган омад, шуҳрат ва келажакка ишонч эди. Бу кўшиқ хонанда дастурининг муқаддимаси бўлиб қолди ва минглаб нусхада пластинкалар чоп этилди. 1959 йилда «Гуллар очилганда» бадийий филрмида қахрамонлардан бирини образини яратади ва кўшиқ ижро этади. 1963 йилда эса «Сени изларинг» бадийий филмида шоир Туроб Тўла ва композитор Икром Акбаровнинг «Газли кўшиғи» янгради. Кейинчалик Икром Акбаров билан ҳамкорликда «Қаро кўзлигим», «Ёр кел», «Эй сарбон», «Сени йўқлаб» сингари машхур кўшиқлар дунёга келди. Ботир Зокировни айниқса, Москвалик томошабинлар интиқлик билан кутишарди. Машхур концерт залларида чипталар ойлаб олдиндан сотилиб бўларди. 1966 йили Москва «Мюзик - холл»и билан Парижга қилган ижодий сафари хонандага чинакамига жахоншумул шуҳрат келтирди. Жахонга машхур Олимпия эстрада театри сахнасида 20 кун давомида концертларда қатнашди. Ўзи севиб ижро этган кўшиқлари қаторида «Дўст хақида кўшиқ», «Ўлкам қизи», «Мени ташлаб кетма» сингари французча кўшиқлар ҳам бор эди. Айниқса, «Маро бебус» кўшиғини

томошабинлар қайталаб айтдиришди. Гастролнинг сўнги кунларида концертларнинг иккинчи бўлимида фақат ўзи куйлади. Ўша пайтда Париж газеталари Ботир Зокировни жаҳоннинг машхур кўшиқчиси Шарлр Азнаур билан тенглаштириб ёзишди. Орадан йигирма йил ўтиб, ўзбекистонлик таниқли адиблардан бири франциядаги сафари чоғидаги бўлган учрашувда: «Ўзбеклардан кимларни биласизлар-деб сўраганида, «Шоир Алишер Навоийни, хонанда Ботир Зокировни», деб жавоб беришган экан. Ботир Зокиров турли тилларда кўшиқ куйларди. У бошқа халқлар кўшиқларини куйлашдан олдин ўша халқнинг тарихи, турмуши, маданияти ва санъатига оид ҳар хил адабиётларни ўқиб, ўрганарди. Шунинг учун ҳам кўпгина хорижий тилларда айтган кўшиқлари унга катта шухрат олиб келди. Уни хиндлар - «хинд», руслар - «рус», араблар - «араб», французлар -«француз», деб аташарди. Вахоланки, у ўзбек хонандаси эди. 1972 йилда Ўрта Осиёда биринчи ва собиқ иттифокда учинчи бўлган «Мюзик-холл» гуруҳини тузди. «Мюзик-холл» - бу эстраданинг энг юксак чўққиси ҳисобланади. У эстрада ансамбли, драматик актёр, цирк артистлари, рақс гуруҳлари сингари бир қанча жанрларни ўзида мужассамлаштирган санъатдир. «Синд-бод саёхати», «Шарқ бозори», «Шарқ эртаги» «Тошкент тўйи» деб номланган дастурлари билан республикамизнинг турли шаҳарларида, Москвадаги «Россия» Ленинграддаги «Октябрь» концерт залларида ойлаб концертлар берилган. Ботир Зокиров жаҳоннинг машхур ижодкорлари Чингиз Айтматов, Расул Хамзатов, Нозим Хикмат, Юрий Силантев, Иосиф Кобзон, Михаил Улянов, Сергей Образцов, Тамарахоним сингари ёзувчи ва санъаткорлар билан мустаҳкам дўстлик ва ижодий алоқалар боғлаган эди. Жаҳоннинг биринчи космонавти Юрий Гагарин 1963 йил 31 декабр куни «Голубой Огонёк» янги йил базмида, дикторнинг «Энг севимли хонандангиз ким?» деган саволига: «Менинг яхши кўрган кўшиқчим Ботир Зокиров», деб жавоб берган эди. Фазогир Тошкентга келганида Ботир Зокировни кўриш истагини билдиради ва у гастролда бўлганлиги сабабли, уйига келиб онаси Шохиста опани кўриб кетади. Ботир Зокиров сеҳрли мўйқалам сохиби сифатида ўзидан кўплаб бетакроп асарлар қолдирди. «Мажнун», «Оқшом», «Автопортрет», «Бухоро манзараси», «Саратон», «Москва манзаралари», «Қрим манзаралари», «Ёлғизлик», «Кўча», «Анор пишганда» сингари

асарлари шулар жумласидандир. Хикоянавис ёзувчи сифатида «Она», «Мўйсафит», «Пахлавон», «Етакчи», «Табассум» хикоялари «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналларида чоп этилди.

Ботир Зокиров Ўзбек миллий эстрада санъатини ривожланишини жон дилидан истар эди. У фақат халқона миллий эстрада санъатини тарафдори эди ва бу ҳақда куйиниб матбуотда фикрларини билдирар эди. Шу йўлда тинимсиз изланар эди. Умрининг охириги йилларида укаси Ф.Зокиров раҳбар бўлган машҳур «Ялла» ансамбли билан биргаликда ижод қилди. У сахнага қандай ёниб чиққан бўлса, умрини охиригача шундай ёниб куйлади. Хамиша ҳар қандай вазиятда иймониға, эотиқодиға, ўзлигиға содиқ қолди. Бу буюк санъаткор ўзбек эстрадасиға асос солди. Ёшликдан чирмаб олган сурункали касаллик натижасида умри давомида олти марта жаррохлик столиға ётди ва 49 ёшида оламдан ўтди. Унга «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони берилган, вафотидан сўнг президентимиз фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган. Унинг номида ҳар йили ёш эстрада хонандаларининг кўрик танлови ўтказилиб турилади.

РУСТАМ АДБУЛЛАЕВ

Ўзбек профессионал музикий санъатининг йирик намояндаси, таниқли композитор Рустам Абдуллаев профессионал музикий йўналишнинг барча жабхаларида баракали ижод қилган санъаткордир. Унинг ижодига мансуб симфониялар, опералар, камер чолёу, камер вокал, болалар асарлари ва эстрада оханглари республикамизда ва унинг ташқарисида ҳам ижро этилмоқда, қатор халқаро музика фестивалларида муваффақият қозонмоқда.



Рустам Абдуллаев 1947 йил 12 февралда Хива шаҳрида таваллуд топди, 1972 йилда Тошкент Давлат Консерваториясини профессор Б.Ф.Гиенко классида композиторлик мутахассислиги бўйича тугатди ва шу кафедрада 1975-78 йиллар давомида ижод қилди. 1985 йилдан Ўзбекистон композиторлар уюшмасининг секретари ва 1995 йилдан шу уюшма раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Рустам Абдуллаев ижоди давомида турли жанрларда асарлар яратди ва халқимизга муסיқа шинавандаларига армуён этди.

Симфоник асарлари: «Навоий ёди», «Тарас Шевченко хотираси» поэмалари (1971 йил), «Торли оркестр учун симфония» (1975 йил), фортепиано ва оркестр учун 5 та концерт: №1 1972 йил, №2 «Наврўз тароналари» (1991 йил), №3 «Тай оханглари» (1993 йил), лазер диск (Бангкок, 1999 йил), №4 1994 йил, №5 1995 йил, «Таиланд гимни» (1991 йил), «Шўх муסיқачилар» увертюраси, 1999 йил, камер оркестри учун «Япон оханглари асосида пресалар».

Вокал симфоник асарлар: Хор ва оркестр учун «Наврўз гимни» (1993 йил), «Тантанавор кўшиқ» (1994 йил), Камер чолёу асрлар: Флейта, кларнет ва фортепиано учун трио (1969 йил), ўйжжак, ўйжжак бас ва фортепиано учун поэма (1977 йил), фортепиано учун прилюдия ва фуга, вариация, соната, «Болалар албоми» (5 та пресадан иборат, 1993 йил), торли квартет учун 3 та преса, велончел, скрипка, фортепиано учун трио (1996 йил), волторна ва фортепиано учун «Монолог» (1997 йил).

Камер вокал асарлар: «Хиросима» япон шоирлари шеорлари асосида (1973 йил), «Хижрон» Зулфия шеорлари асосида (1983 йил), «Она хақида ўйлар» Зулфия шеорлари асосида, «Шодлик» болалар ансамбллари учун (1996 йил), «Ўйлим, сира бўлмайдим уруш» Зулфия шеорлари асосида, «Фантан олдида», «Тингла, булбул» романслари (1977 йил), «Доим иштибох», «Хуш келибсиз», «Шодлик кўшиғи» (1990 йил), «Тўйларинг муборак» (1991 йил), «Ўзбекистон Республикам менинг», «Гўзал Ватаним» (1998 йил), «Хур ўзбек қизиман» (1999 йил), «Наврўз кўшиғи» (1997 йил), «Истиқлол юртининг дилбандларимиз» (1998 йил, Н.Нарзуллаев), «Ватан» (А.Орипов, 1996 йил), «Ватан кўшиғи» (М.Мирзо, 1999 йил), «Севиб яшамок» (Ф.Холижий, 1995 йил), «Фидокорлар марши» (И.Рахмон, 1998 йил), «Спорт мадхияси» (Ж.Жабборов 1998 йил), «Шодлик марши».

Болалар асарлари: «Офтоб чикди оламга» (Т.Тўла), «Тойчоё» (1990 йил), «Қошиқ» (Х.Мухаммад, 1990 йил), «Кулган кўзли болалар» (1990 йил), «Олам гулга тўлаверсин» (П.Мўмин, 1991 йил), «Парвоздаги кушчалар» (М.Мирзо, 1991 йил), «Кўзичок» (Й. Сулаймон, 1998 йил), «Бахор кўшиғи» (1996 йил), «Чархпалак», «Йўл чироқ, шам чироқ» (1997 йил), «Гул лола» (Қ.Ота, 1995 йил), «Шўх

қизалок» (1999 йил), «Дўстлик таронаси» (1998 йил), «Мустақиллик лолаларимиз» (Н.Нарзуллаев, 1997 йил).

Опералар: «Шодимулк» (Э.Самандаров ва Г.М.Голований либреттоси, 1979 йил), «Садоқат» (О.Матжон либреттоси, 1981 йил), «Хива» (Э. Самандаров либреттоси, 1987 йил), «Қуёшга таозим» Ў. Умарбеков пресаси асосида (А.Рахимов либреттоси, 1985 йил).

Серқиррали ижодкор, мусиқа маданиятимизнинг йирик намояндаси Рустам Абдуллаевнинг ижодий меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда. Унга 1987 йилда Давлат мукофоти совриндори, 1997 йилда эса «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» унвони берилган. Ўзининг баракали ижоди билан машхур бўлган атоқли композитор Рустам Абдуллаев янги-янги асарлар яратиш йўлида тинмай изланмоқда ва бу йўлда муваффақиятли ижод қилмоқда.

АБДУХОШИМ ИСМОИЛОВ

Машхур камончи, мохир бастакор Абдухошим Исмоилов халқ аноанавий мусиқий меросига суянган холда ўзининг замонавий талқиндаги услубини яратган, ушбу ижроларнинг уйғунлашувида ўзига хос ижровий йўналишга эга бўлган ижодкордир. У қадимий ғижжак сози нималарга қодир эканлигини ўз ижрочилик маҳорати билан исботлади.



Абдухошим Исмоилов 1952 йилда Фарғона вилояти Қува тумани Чаман қишлоғида таваллуд топди. Унинг бобоси уста Жума бобо (105 ёшда вафот этган) дехқончилик билан бир қаторда мусиқага ҳам ихлосманд бўлиб, ғижжак, танбур чалиб, ашула айтарди ва Қува депарасида ном таратган эди. Онаси Фахринисо опа ҳам (100 ёшда вафот этган) гоҳида дутор, чилдирма чалиб, ота касбини улуғлаган холда маҳалла аёллари йиғинларида қўшиқ айтарди, отаси Исмоил ака қатор боғлар яратган, дехқончилик билан шуғулланарди.

Ёш Абдухошим дастлабки сабоқларни бобосидан, онасидан, кейинчалик таниқли санъаткорлар бўлиб етишган тоғаси Омонжон ва акаси Шарофиддинлардан олди. Ўша даврда Қува туманида хукм сурган ижодий мухит ҳам унинг тақдирида муҳим ўрин тутди. Таваккал Қодиров, Исроилжон Усмонов сингари машхур хофизлар

ёш Абдухошимни санъатга бўлган истеододини кўра олдилар ва Фарғона санъат билим юртига тавсия этдилар.

Билим юртида устози Омонжон Абдулхакимовдан ғижжак синфида тахсил олади. Бастакор ва созанда Мухаммадсиддиқ Мадалиевдан халқ аноанавий мусиқий ижроларини ва бастакорлик сирларини ўрганади.

1972 йилда ўқишни тугатиб, Тошкент шаҳридаги ички ишлар қўшинлари харбий гарнизони қошида тузилган Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ансамблда хизмат қилади. Харбий хизматдан сўнг 1975 йили Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси шарқ мусиқаси куллийетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади.

Бу даргоҳда Фахриддин Содиқов, Махмуджон Мухаммедов, Ориф Алимахсумов, Турғун Алиматов сингари устозлардан созандалик йўллари, бастакорлик сирларини ўрганади. 1974 йилдан унинг ижодий фаолияти Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли билан боғланди. Дастлаб бу ансамблга мусиқачи, мусиқа раҳбари ва кейинги йилларда бадиий раҳбар бўлиб ишлаб келмоқда.

Абдухошим Исмоиловнинг ижодий фаолияти бир неча йўналишларда ўз аксини топган бўлиб, ижрочиликнинг турли қирралари намоён бўлди. Аввало, унинг созандалик фаолиятига назар ташласак, ғижжак созининг мохир ижрочиси сифатида Комилжон Жабборов, Ғанижон Тошматов, Ғуломжон Хожиқулов сингари устоз санъаткорлар аноаналарини давом эттириб, мумтоз мусиқий меросимизга суянган ҳолда ижрочилик мактаби яратганининг гувоҳи бўламиз. Иккинчи томондан, ғижжак созининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ижро техникаси воситасида замонавий талқинлардаги ижро услубини кузатамиз. Бунга мисол тариқасида «Ҳолимни сўрма», «Дил ноласи», «Камон нидоси», «Қалб садоси», «Базм куйи», «Гуллола», «Ҳаёли қиз», «Висол» ва бошқаларни кўшиш мумкин. Айниқса, ушбу ижроларни ривожлантириб Абдулахад Абдурашидов, Абдурахмон Холтожиев сингари таниқли созандалар иштирокида тузган «Ўзбек виртуозлари» ансамбли ижросидаги «Мустақиллик», «Фаввора», «Тўёна», «Ал-Фарғоний», «Буюк чинор», «Хайронман» сингари асарлар тимсолида кўрамыз.

Абдухошим Исмоиловнинг бастакорлик ижоди ҳам серқирра бўлиб, оммабоп куй ва қўшиқлардан таркиб топган ва халқ орасида

машхурдир. Ўзбек мумтоз шоирлари ғазалларига басталанган «Дилинга ғамзадин», «Ёрсан», «Осмонда ҳам йўқ», «Мунаввар қил», «Айрилиқ», «Ёр эмас», «Сарвиноз», «Тараххум этмадинг», «Унутма», «Сенсиз мушкулдир», «Уйғонмасун», «Ёрима айтинг» ашулалари устоз бастакорлар яратган асарларга хамоханг тарзда яратилган бўлиб, ғазал рухи ва мусиқасининг вобасталигида ажиб бир ижро сайқалини касб этади.

Хонандаларнинг ижро имкониятларидан келиб чиқиб, муайян хонандалар учун яратилган қўшиқлар алохида ижод қирраси сифатида талқин этилади. Айниқса, таниқли хонанда Ғуломжон Ёкубов ижросига мосланган «Ё охумидинг», «Зилола», «Ошиқнома», «Сен ўзинг», «Қарайсан», «Тошкентим», «Чиройли» ва бошқа қатор қўшиқлар, Икромжон Бўронов овозига мосланиб яратилган «Сен бахорни соғинмадингму», «Бўлмас», «Тоғли қиз» қўшиқлари, қизлар овозига мўлжалланган «Ойбулоқ», «Кўрмадингиз» сингари қўшиқлар шулар жумласидандир.

Абдухошим Исмоиловнинг ўзбек мусиқий санъати ривожига қўшган хиссаси муносиб тақдирланмоқда. 1990 йили Ўзбекистон халқ артисти, 1997 йили «Шухрат» медали, 1999 йили «Мехнат шухрати» ордени, 1999 ва 2003 йилда «Юнеско» мукофоти, 2000 йилда «Қорақалпоғистон халқ артисти» ҳамда «Офарин» мукофоти ва қатор совринларга сазовор бўлди.

IV БОБ

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА ПРОФЕССИОНАЛ МУСИҚА ТАРАҚҚИЁТИ

Истиқлол шарофати билан ўтган даврлар мобайнида муסיқий санъатимиз янги босқичларга кўтарилди. Жаҳон муסיқий маданияти билан ҳамкорлик ришталари янгидан боғланди. Ўзбек халқининг бой муסיқа меросини, шарқ муסיқа маданияти билан муштараклигини назарда тутган мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг «Шарқ муסיқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни буюк. Бу муסיқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни рухан юксалтириб келмоқда»¹ деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўзбек муסיқа санъатининг жаҳон муסיқий санъатига қўшаётган хиссаси бекиёсдир. Турғун Алиматов, Абдухошим Исмоилов, Муножот Йўлчиева, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева сингари халқ севган машхур санъаткорларни, «Ялла», «Сўғдиёна», Миллий симфоник оркестр сингари жамоаларни жаҳон сахналаридаги муваффақиятлари тахсинга сазовордир. Шунингдек, ўтган ўн икки йил давомида қатор истеододли ёшлар нуфузли халқаро танлов ва фестивалларнинг совриндорлари бўлишди. Пианино ижрочилари Улуғбек Полвонов, Гулнора Алимова, Наргиза Алимова, Ирина Гулрзарова, Рустам Абдуллаев, ёш хонандалар - Анна Гузаирова, Саида Мамадалиева, Севара Назархонова, камонли торли чолғу ижрочилари - Дилшод Назаров, Суннат Иброхимов, Марина Саркисова, Анастасия Юденич, Али Измайлов шулар жумласидандир.

Истиқлол йилларида муסיқий маданиятимизни ривожлантириш соҳасида Президентимизнинг қатор фармонлари ва қарорлари эолон қилинди. Булар орасида «Ўзбекнаво» гастролр-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида (1996), «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқлар байрамини ўтказиш тўғрисида (1996), «Республикада муסיқий таолимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида» (1996), «Ўзбекистонда

¹ И.А. Каримов. Асарлар. 6- жилд, 322- бет.

эстрада санъатини янада ривожлантириш тўғрисида» (1998, 2001) сингари фармон ва қарорлар республикамизда муסיқий санъатни янада юксалтириш борасида қўйилган қадамдир.

Айниқса, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали халқаро майдонда юртимиз нуфузини янада ошириб юборди. Ушбу нуфузли анжуманда дунёнинг 40 дан ортиқ давлатлари вакиллари иштирок этмоқда. Бу фестивалда ўзбек хонанда ва ижрочиларининг совринли ўринларни эгаллаши тахсинга сазовор бўлмоқда. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида 1998 йилдан бошлаб халқаро симфоник муסיқа фестивалининг ўтказилиши, унда жаҳоннинг кўзга кўринган дирижёрлари ва ижрочиларининг қатнашиши, 1995 йилдан бошлаб «Илхом - XX» Халқаро замонавий камер муסיқаси фестивалининг ўтказилиши ҳам муסיқий санъатимиз нуфузини оширмоқда.

Мустақилликнинг биринчи йилидан бошлаб зўр кўтаринкилик руҳи билан ўтказилаётган Мустақиллик ва Наврўз байрамлари шодиёналари, муסיқамиз ривожига салмоқли хисса қўшмоқда.

Халқ фолклор ижодиёти, аносанавий касбий муסיқа, ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги муסיқий йўналиш, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос муסיқий қирраларини ўзида мужассамлаштирган ижролар юксак профессионализм даражасига кўтарилди. Айниқса, миллий эстрада руҳидаги кўшиқлар, янги-янги эстрадамиз юлдузларини кашф этди. Шунингдек, Бухоро, Хива, Термиз, Нукус шаҳарларининг юбилей тантаналарига тайёрланган концерт дастурлари, «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йилиги, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал-Фарғоний каби буюк аجدодларимизнинг қутлуғ саналарига бағишланган концерт дастурлари ҳам муסיқий ижрочилигимизнинг юксалиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Ушбу барча катта тадбирларда янги муסיқий дастурлар режиссураси шаклланди.

Мазкур концерт дастурларини жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатлари телевидениелари тўғридан - тўғри эфирга узатдилар. Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг асрлар давомида гўзал маонавий бойлигига айланиб келган миллий муסיқасига катта эътибор берилди. Халқ фолклор муסיқаси ижрочилиги юқори даражага кўтарилди.

Ўтган даврлар мобайнида ушбу йўналишга бағишланган қатор кўрик танловларнинг ўтказилиши фикримизнинг далилидир. Катта ашула ижрочилиги ва оилавий ансамбллар (Қўқон, 1991, Шахрисабз, 1994), “Алла” ижрочилари (Тошкент, 1992, 1994, 1998, 2000; Марғилон, 1996), тўй-маросим кўшиқлари ижрочилари (Тошкент, 1993), фолклор-этнографик жамоалари «Чашма» танлови (Тошкент, 1994), «Истеодод» номли ёш хонандалар (Тошкент, 1995), бахши - шоирлар (Денов, 1991, Нарпай, 1993, Тошкент, 1995, 1997, Термиз, 1999), мақом ижрочилари ва халқ чолғулари ансамбллари (Шахрисабз, 1996) «Бархаёт сиймолар» (Тошкент, 1996, 1997, 1998), оилавий ансамбллари (Жиззах, 1998), фолклор-этнографик ансамбллари (Тошкент, 1999), М. Узоқов ва Ж. Султонов номидаги ёш хонандалар (Марғилон, 1997, 1999, 2001), Хожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги ёш хонандалар (Самарқанд, 1997), Комилжон Отаниёзов номидаги ёш хонандалар (Урганч, 2001), Ю. Ражабий номидаги IV Халқаро ва V Республика Мақом ижрочилари (Тошкент, 1995, 1999), оилавий ансамбллар (1995) ва фолклор-этнографик жамоалари (1996) телефестиваллари шулар жумласидандир.

Истиклолнинг ўтган даврлари мобайнида халқ мусиқа ижодиёти йўналиши янги босқичга кўтарилди. Мусиқий фолклорни халқимизнинг этник жойланиши шароитидан, барча вохаларнинг урф-одатлари нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда табиий ижровий кўриниши, кийимлари ва ўзига хос мусиқа созларидаги мусиқий кўриниши сақланиб қолмоқда. Янгилик сифатида халқ фолклор ижрочилигининг миллий эстрада йўналишига уйғунлашган ҳолда янги ижровий намуналари ҳам намоён бўлмоқда. Бу кўринишлар халқ мусиқий фолклор ижодиётини янгиланиш босқичига кўтарилганидан далолатдир.

Республикамызда ушбу жанрда ижод қилаётган «Беш қарсак», «Бойсун», «Гулёр», «Омонёр», «Гулчехралар», «Достон», «Бесперде», «Орзу», «Ёр-ёр!», «Чавги», «Мохи Ситора» сингари кўплаб ансамбллар ўзларининг ёрқин ижодлари билан намуна бўлмоқдалар.

Яна бир халқона мусиқий йўналиш мумтоз аноанавий мусиқий ижрочилиги соҳасида ҳам эотиборли ишлар амалга оширилди. Асрлар қаоридан аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келган халқ

аноанавий касбий мусикамиз янги-янги бой аноаналарни давом эттирмоқда.

Бу борада Турғун Алиматов, Орифхон Хотамов (мархум), Фаттоххон Мамадалиев (мархум), Гуломжон Хожикулов, Абдухошим Исмоилов, Ўлмас Расулов, Темур Махмудов, Мамасиддик Мадалиев сингари машхур бастакорлар, хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари ёрқин мисол бўла олади. Ушбу мақом ва аноанавий йўлларни халққа етказишда хофиз ва хонандаларнинг ҳам хизматлари бекиёсдир. Хофизлик ижрочилигининг янги-янги авлодлари етишиб чиқмоқда. Мусикий меросимизнинг етакчи йўналишларидан бўлмиш халқ бахшичилиги ва дostonчилиги санъати ҳам жадал суратлар билан ривожланмоқда. «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллигини байрам қилиниши бу соҳада янги қўйилган қадам бўлди.

Истиклол йилларида халқ мумтоз қўшиқчилигини, халқ бахшичилиги санъатини ривожлантириш борасида талай ишлар қилинди. Бу борада Президентимизнинг фармони билан «Ўзбекистон Республикаси халқ хофизи», «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвонларини таосис этилиши ушбу соҳага бўлган эътибордан далolatдир.

Халқ мусика ижодиётини илмий тахлил қилиш, мусика илмини амалиёт билан боғлаш борасида ўзбек мусикашунос олимларининг хизматлари ҳам бекиёс бўлмоқда. Натижада қатор ўқув услубий қўлланмалар, монографиялар, илмий мақолалар чоп этилмоқда. Илмий изланиш натижасида янги-янги илмий-тадқиқот ишлари юзага келмоқда. Буларнинг барчаси халқ мусикий ижодиётининг мумтоз касбий мусикасини илмий асосланган йўналишда ўрганиш ва ижро этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиклол йилларида мусикий маданиятнинг барча йўналишлари қаторида замонавий композиторлик йўналиши ҳам ўз сўзини айтмоқда. Бу соҳада концерт - ижрочилик, мусикали театр ҳаёти, аноанавий ва академик ижрочилик, мусика таолими, композиторлик ижодиётининг умумий юксалиши билан боғлиқ ҳолда таққослаш мумкин. Бу даврларда мусикий сахнавий жанрларда ижод этган композиторларнинг ижодларини алоҳида таокидлаш ўринлидир. Мустафо Бафоевнинг «Буюк ипак йўли» театрлашган мусикий асари (режиссёр Баходир Йўлдошев) Парижда

ЮНЕСКО қароргохида, Самарқандда 1 халқаро «Шарқ Тароналари» фестивалининг очилишида қўйилиб, зўр муваффақиятга эришилди. Яна шу композиторнинг «Зардуштийлар маросими» балет ораторияси, «Бухорои Шариф» опера достони, И. Акбаровнинг «Ибтидо хатоси» опера-ораторияси диққатга сазовордир. Муסיқий сахнавий жанрларда ижод этган композиторлар орасида Фарход Олимов, Хабибулло Рахимов, Аваз Мансуров, Нурилла Зокиров, Анвар Эргашев, Бахрилла Лутфуллаев, Ф. Янов-Яновский, Мирхалил Махмудов, Тўлқин Қурбонов, Алишер Расулов ижодларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу борада истеододли композитор Ф. Алимов ўндан ортиқ асар яратди. «Нодирабегим», «Фотима ва Зухра», «Сойибхўжа операцияси» асарлари муваффақиятли сахналаштирилди.

Шунингдек, «Такдир» (Б. Лутфуллаев), «Иброхим Алайхисаллом» (Т. Қурбонов), «Бир соатлик халифа» (А. Мансуров), «Хар кимки вафо қилса» (А. Икромов), «Тўйлар муборак» (М. Махмудов), «Бир кам дунё» (А. Расулов), «Тилла тухум» (А. Икромов) сингари муסיқали спектакллар театрларимиз репертуарларидан мустахкам ўрин эгалладилар.

Драматик спектакллар ва кинофилмларга муסיқа яратиш борасида ҳам ижодий ютуқларга эришилди. «Мехробдан чаён» видеофилми (Ф. Алимов муסיқаси, 1998), «Ўтган кунлар» кинофилми (М. Махмудов муסיқаси, 1998), «Амир Темур» кинофилми (Ф. Янов-Яновский муסיқаси, 1996), «Қуёши ботмайдиган юрт» кўп серияли телефилм (А. Эргашев муסיқаси, 1999) ва бошқа қатор асарларни кўрсатиш мумкин.

90-йилларда ўзбек халқининг мумтоз опералари бўлмиш (Т. Содиков ва Р. Глиэрнинг «Лайли ва Мажнун» 1995, М. Ашрафийнинг «Дилором», 2001) қайта ишланиб, янгича талқинда намоиш этилди. А. Икромовнинг «Буюк Темур», М. Бафоевнинг «Ал - Фарғоний» опералари А. Навоий номидаги опера ва балет театри сахнасида ўз аксини топди.

Х. Рахимовнинг «Она қалби» камер операси, Н. Мухаммединовнинг «Қирқ қиз» қорқалпоқ операси ва «Айжамал» балети ҳам муваффақият билан намоиш этилди.

Опера қўшиқчилигида Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ва қатор ёшларнинг ижролари тахсинга сазовордир.

Симфоник мусиқа жанрида ҳам композиторларимиз ижоди баракали бўлди. Ушбу жанрда И. Акбаров, М. Тожиев, М. Бафоев, Р. Абдуллаев, Х. Рахимов, А. Латифзода, Ф. Янов-Яновский каби композиторларимиз симфоник асарлари хорижий давлатларда ўтказилган фестивалларда ҳам муносиб бахоланди. Айниқса, 1998 йилдан буён Тошкентда ўтказилаётган Халқаро симфоник мусиқа фестивалида республикамизни ҳамдўстлик мамлакатлари орасида йирик симфоник мусиқа маркази даражасига кўтарди. Мустақиллик йилларида яратилган қатор симфоник асарларида ғоявий-мазмун чуқурлашди, шакл ва услуб мукаммаллашди, миллий аносаналар муштараклигида замонавий симфоник тафаккур ва услублар юзага келди.

Мирсодиқ Тожиевнинг ғоявий-фалсафий мавзуни эҳс эттирувчи учта катта симфониядан иборат «Сомон йўли» туркуми алоҳида ахамиятга эгадир. Умумбашарий қадриятларни, тарихий воқеа ва жараёнларни, ҳақиқат ва инсонпарварлик ғояларини ўзида акс эттирган бу симфоник трилогия ҳозирги замон ўзбек симфоник мусикасининг нодир кўринишларидандир.

М. Тожиевнинг умрининг сўнггида яратилган 19-симфонияси (1995) «Қаҳрамонлик» деб ном олган бўлиб, у мустақил Ўзбекистонга бағишланади. Рустам Абдуллаевнинг «Тай оҳанглари» концерти (1993, ўзбек ва тай оҳанглари мутаносиблигида яратилган бўлиб, 1999 йили Банкокда ушбу концертнинг лазер диски нашр этилди), 4- ва 5-фортепиано концертлари: И. Акбаровнинг симфоник эпитафияси, М. Бафоевнинг 4-«Мовароуннахр» (1991, 5-«Холати Алишер Навоий» (1991), Н. Ғиёсовнинг 11-«Адашганлар» ва 12-«Порламоқ» симфониялари, фортепиано ва симфоник оркестр учун 8-концерт-мақоми, симфоник оркестр учун 9-концерт мақоми, Хабибулла Рахимовнинг симфоник асарлари Ўзбекистон симфоник мусикасининг раванқ топишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Шу аснода вокал-симфоник ва хор мусикаси ривожини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ўзбекистон композиторлари юртимизда кечаётган ўзгаришлар, сиёсий жараёнлар акс этган мавзуларга бағишланган сюита, поэма, кантата ва оратория, хор асарлари яратмоқдалар ва жумладан, чолғу мусикасига ҳам эhtiборни қаратмоқдалар.

Бу борада 1992 йили «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестрининг ташкил этилиши (бадий раҳбар ва бош дирижёр Ф. Абдурахимова) жаҳоннинг қатор давлатлари сахналаридаги

муваффақиятли чиқишлари ахамиятга молик воқеадир. Ўзбекистонда истиқлол йилларидаги композиторлик ижодиётининг ривож ва юксалиши композиторлар ва бастакорлар уюшмасининг ижодий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Уюшма республикамизда турли танловлар ва фестиваллар ўтказилишига бош-қош бўлмоқда.

1996 йилдан бошлаб республикамизда «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқ танлови ва 1997 йилдан бошлаб кўшиқ байрамларининг ўтказилиши натижасида янги-янги кўшиқлар ва уларнинг ижрочилари кашф этилмоқда. Бу борада Р. Абдуллаев, А. Мансуров, Х. Рахимов, А. Назаров, А. Икромов, А. Расулов, Д. Омонуллаева, М. Бафоев, Ф. Алимов, Н. Норхўжаев сингари композиторлар баракали ижод қилдилар. Айниқса, эстрада кўшиқчилиқ санъати кенг кўламда ривож топа бошлади.

Мустақиллик йилларининг ўтган давларида ўзбек мусиқа маданиятининг ажралмас қисмига айланиб қолган қардош қорақалпоқ халқининг санъати соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Қорақалпоқ мусиқаси азалдан ўз миллий қадриятларини, урф одатларини, маонавий меросини ўзида акс эттирганлиги билан диққатга сазовордир.

Қорақалпоқ дostonчилари - жировлар, бахшилар, қиссахонлар санъати XX асрнинг сўнги чорагига келиб кенг тарғибот этилди.

Қорақалпоқ дostonчилиқ санъатининг ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги йирик намоёндалари халқ зиёлилари қаторида тилга олиниб уларнинг ижодий мерослари бўлмиш дostonлари, насихат термалари, тарихий тулғовларини ёзиб олиш, уларни нашр қилиш каби ишлар жадаллашди. Шунингдек, дostonларнинг мусиқий матнларини нотага олиш ҳам йўлга қўйилди. (А.Хайратдинов «Қобуз намалари», Нукус, 1986, «Жиров намалари» нотага олувчи М. Жиёмуратов, Нукус, 1991). Бу борадаги ижобий ишлардан бири Бухоро ва Навоий туманларида яшовчи қорақалпоқ жировлари билан ижодий алоқаларнинг қайта тикланиши диққатга сазовордир. Оғзаки аноанадаги қорақалпоқ халқ мусиқасини ёш авлодга ўргатиш, устоз-шогирд аноанасини қайта тиклаш мақсадида 1992 йили Жапақ бахши Шамуратов номидаги Нукус давлат санъат билим юртида фолклор бўлими очилди. Ушбу бўлимда тахсил кўрган ёш жиров ва бахшилар, созандалар бугунги кунда республикамизнинг мусиқий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар.

Уларнинг айримлари Франция, Германия, Хиндистон сингари қатор чет давлатларда ўз санъатини намоиш қилиб келдилар. Ёш жировлар - Бахтиёр Есемуратов, Бакберген Серимбетов, бахши қиз Зиёда Шариповалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда қорақалпоқ мусиқаси барча йўналишларда самарали одимламоқда.

Мустақиллик йилларида алохида ижрочилик салоҳиятига эга бўлган миллий эстрада мусиқаси ва кўшиқчилигига тўхталиб ўтиш жоиздир.

Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб кўшиқчилигимизнинг ва мусиқа маданиятимизнинг янги йўналиши, яъни эстрада жанри таркиб топди. Бу эса санъатимизда янгилик деб қабул қилинди. Таниқли композиторлар М. Бурхонов, И. Акбаров, М. Левиев, А. Берлин, Х. Изомов, Э. Солихов, Ғ. Қодиров, А. Мухамедовлар оммавий эстрада йўналишида ҳам муваффақиятли ижод қилдилар.

Ўзбек эстрадасининг дастлабки қалдирғочлари етишиб чиқди. Б.Зокиров, Л.Зокирова, К.Жалилова, Б.Мавлонов, Н.Зокиров, Р.Шарипова, Ю.Тўраев, С.Рахимов, А.Июшпе сингари эстрада хонандалари шулар жумласидандир.

Юқорида тилга олинган композитор ва хонандалар ўзбек эстрадасининг мактабини яратдилар. Эстрада кўшиқлари телерадио дастурлари, кино ва сахнавий асарлар, концертлар орқали оммалашди ва ўзининг мухлисларига эга бўлди. Хатто халқаро сахналарда ҳам ўрнини топиб олди.

Машхур эстрада кўшиқчиси, ўзбек эстрадасининг сўнмас юлдузи Ботир Зокировнинг жаҳон сахналаридаги муваффақияти ўзбек эстрада санъатини жаҳонга танитди. Унинг ўз она тили билан бир қаторда турли тилларда айтган кўшиқлари эстрадамиз жаҳон сахнасига чиқиб олишида кўприк бўлиб хизмат қилди.

Истиклол йилларида эстрада ижрочилик санъатимиз янги босқичга кўтарилди. Шу йилларда «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг ташкил этилиши, «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқлар байрамининг ўтказилиши, «Ўзбекистонда эстрада санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Президент фармонлари бу борада юксалиш йўлини белгилаб берди.

«Офарин», «Она замин юлдузлари», «Нихол» совринлари таосис этилди. Янги-янги ижрочилар кашф этилди. Эстрада коллективлари, гуруҳлари, алохида ижрочи ёшлар халқаро фестивалларда, танлов ва концертларда муваффақиятга эриша

бошладилар. Ўзбек эстрадасининг Фаррух Зокиров ва «Ялла» вокал - чолғу ансамбли, Мансур Тошматов, Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева сингари устоз ижрочилари кетидан янги авлод эстрада вакиллари баракали ижод қилмоқдалар. Юлдуз Усмонова, Козим Қаюмов, Кумуш Раззоқова, Нуриддин Хайдаров, Равшан Номозов, Азим Муллахонов, Ғиёс Бойтоев, Мавлуда Асалхўжаева, Юлдуз Абдуллаева, Мардон Мавлонов, София Сафтарова, Салоҳиддин Азизбоев, Моҳира Асадова, Озода Нурсайдова Гулбахор Сулаймонова сингари хонандалар шулар жумласидандир.

Хозирги замонавий ўзбек эстрада санъатининг ёрқин юлдузи бўлмиш Юлдуз Усмонованинг ижоди тахсинга сазовордир. Унинг ижросидаги ўнлаб қўшиқлар халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг сеvimли қўшиқларига айланиб кетди. Айниқса, «Халқим», «Халқ бўл, элим», «Хеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Дунё» сингари қўшиқлари мустақиллик йилларининг энг яхши қўшиқлари деб тан олинди. Унинг хорижий давлатлардаги гастрол-концерт чиқишлари натижасида чет элларда ҳам мухлисларининг ортиб бораётганлиги фикримиз далилидир.

Хозирда фаолият кўрсатаётган ёш эстрада гуруҳлари ва хонандаларининг ижодлари ҳам баракали бўлмоқда. Рашид Холиқов, Нилуфар Рахматова, Илхом Фармонов, Севара Назархон, Шахло Рустамова, Достон Убайдуллаев, Анвар Санаев, Абдулазиз Карим, Тохир Содиқов, Дилфуза Раҳимова, Анвар Ғаниев, Абдулла Қурбонов, Нодир Лутфуллаев сингари ўнлаб ёш умидли эстрада хонандалари ижоди бунга мисол бўла олади.

Мустақиллик йилларида болалар муסיқий эстрада жанри ҳам янгича кўзгу билан намоён бўлди. Бу соҳада Надим Норхўжаев, Аваз Мансуров, Дилором Омонуллаева, Алишер Расулов сингари композиторлар фаол ижодий меҳнат қилмоқдалар.

«Туркистон фарзандимиз», «Соғлом авлод», «Хумо қушим», «Рамазон», «Оқ теракми, кўк терак», «Истиклолим», «Ўзим айланай» сингари қўшиқлар мисол бўла олади.

Бугунги кунда Сарвар Қозиев ва «Қарс» гуруҳи, «Тошкент», «Манзур», Мухаммаджон Рўзимухаммедов ва «Шофайз», Дониёр Мамедов ва «Байрам», Абдулла Шомағрупов ва «Нола», Рашид Холиқов ва «Шахзод», Севара Назархон ва «Сидериз», Абдулазиз Карим ва «Аср», Тохир Содиқов ва «Болалар», «Хўжа», «Тож»,

«Сетора» сингари гурухлар хозирги давр ёшлар эстрада муסיқасининг асосий бўғинини ташкил этади.

Албатта, бугунги кундаги эстрадамиз ютуқлари билан бир қаторда камчиликларини айтиб ўтиш жоиздир. Чунки бу ҳақда жуда кўп фикрлар билдирилмоқда. Телевидениеда дебатлар уюштирилмоқда, матбуотда чиқишлар қилинмоқда. Аввало, «Миллий эстрада» атамасининг мазмуни ва мохиятини яхши тушунмоқ даркор. Нима учун «Миллий эстрада» атамаси қўлланилмоқда? Баози бир ёш эстрада қўшиқчилари - «Эстраданинг миллати бўлмайди, жаҳон эстрадасига омухта бўлиши керак», деган фикрни билдиришмоқда. Бу албатта, бир томондан жаҳон эстрадасига чиқиш йўлида маолум нуқтаи назар бўлиши мумкин, лекин жаҳон эстрада сахнасига ўзбек миллий эстрадаси номи билан, халқимизнинг жуда бой муסיқий меросига суяган ҳолда қўшиқлар яратиб ижро этган ҳолда чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Бу борада ўттиз йилдан ошиқ даврдан буён баракали ижод қилиб келаётган Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги хизмат кўрсатган «Ялла» ансамблини мисол қилиш мумкин. Бу ансамбл ўзининг халқона ижроси билан бугунги кунда ҳам эстафетани қўлларида маҳкам ушлаб турибди, бугунги куннинг талабига жавоб бермоқда.

Ҳозирда турк, эрон, араб, француз, инглиз, немис эстрада муסיқасидан фойдаланиб, ўзбекча сўз қўйиб айтилаётган қўшиқлар кўпайиб бормоқда. Бу албатта, ачинарли ҳолдир. Яна бир томони, дискет муסיқасидаги оханглар усулига ўлчаб, саёз сўзлардан ташкил топган, муаллифи номаолум шеорлардан ҳам фойдаланилмоқда.

Бу албатта, қўшиқ савиясига салбий таосир кўрсатмоқда. Натижада юзлаб эсда қолмайдиган бир марталик ёки мавсумий қўшиқлар кўпайиб бормоқда. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, миллий эстрада руҳидаги қўшиқлар ижросига қўл уришда аноанавий қўшиқларни ва халқимизнинг севимли қўшиқларини, халқ бастакорлигининг, машҳур қўшиқларини эстрада йўлига солиб, бузилган ҳолда ижро этишлар ҳам учрамоқда. Агар халқона ижро услубларига таяниб, ҳар бир ижрони яхши ўзлаштириб, ана шу ижродан лейтмотив сингари фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ушбу фикрларни амалга оширишни эстрада хонандаларининг ўзларига ҳавола этамиз.

Бугунги кунда Миллий эстрада музикасини равақ топиши учун барча имкониятлар мавжуд бўлиб, уни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги боис, ҳар бир ижодкордан самарали ижод қилишни, халқимизга манзур бўладиган кўшиқлар ва куйлар яратишликни талаб этади. Санъатсевар халқимиз ўзининг ҳақиқий ижодкори, фидойи санъаткорларини ҳамиша ардоқлаб келган. Зеро, ҳозирги замон ўзбек эстрада санъати фидойи, иқтидорли ёш санъаткорларга бой ва халқимиз ишончини оқлашдек салоҳиятга эга.

Умуман олганда, миллий истиқлол туфайли музика маданиятимизнинг барча жабҳалари шахдам қадамлар билан юксалиш сари интилоқда.

Х У Л О С А

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида миллий маданиятимизнинг улкан ҳазинаси бўлган музика ва кўшиқчилик санъатининг бой тарихини ўрганиш ва тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Улуғ аждодларимиз музика ва кўшиқчилик санъатининг инсон шахсини камол топтириш, олижаноб инсоний фазилатларни тарбиялашдаги аҳамиятига юксак баҳо берганлар. Музика маданиятининг барча турлари кишиларга бадиий-эстетик завқ берибгина қолмай, илмий тушунчалар билан ифодалаш ғоят мушкул бўлган олам сирлари ҳақида билимлар беради, ҳаёт ҳақиқатини бадиий-эстетик воситалар орқали идрок этишга яқиндан ёрдам беради.

Инсон борлигини, маънавий тараққиётини музика маданиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган барча алломалар музика ва кўшиқчилик санъатининг бой имкониятларидан тўла фойдаланишга, санъат орқали маънавий камолот чўққиларини забт этишга муваффақ бўлганлар. Буюк файласуф Абу Наср Фаробийнинг «Қатта музика китоби»и, Абу Ҳамид Ғаззолийнинг «Диний билимларнинг тилиши» асарларида, Ҳазрат Навоий, Мирзо Улуғбек, Захриддин Муҳаммад Бобурнинг қатор асарларида илгари сурилган инсон камолоти тўғрисидаги илғор ғоялари бугунги кунда ғоят қимматли ва ибратлидир.

Комиллар, улуғ алломалар назарида сўз илоҳий ва муқаддасдир. Кўшиқчилик санъати мўъжизавий ва сеҳрли кучга эга бўлган сўзга оҳанг воситасида жозибадорлик бағишлайди, унинг таъсир кучини янада оширади, сўзга янги ҳаёт беради. Музиканинг

хамоханглиги туфайли сўз инсон қалби ва шуурини ларзага келтирувчи, тўлқинлантирувчи кучга айланади.

Халқ миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатида халқимизнинг узоқ тарихи, орзу-армонлари, ҳаёт ҳақидаги билим ва тасаввурлари мужассамлашгандир. Хар бир халқнинг маонавий салоҳияти, жаҳон маданияти ривожига қўшган хиссаси унинг мусиқий маданияти билан белгиланади.

Ватан тарихи воқеа ва ҳодисалар тарихидан иборат эмас, балки маонавий юксалиш тарихидир. Ҳозирги халқимиз томонидан асраб авайлаб келинаётган ва абадийликка дахлдор мақом мусиқалари, халқ анонавий қўшиқлари донишманд ва ижодкор аждодларимизнинг буюк кашфиёти, маонавий камолоти сари ташланган салмоқли қадамидир.

Шу ўринда шуни мамнуният билан таъкидлаш ўринлики, ўзбек халқининг неча асрлардан буён бизгача етиб келган мусиқий маданияти дурдоналари бугунга келиб тўлиқ тикланган ва ноталаштирилган. Бунда марҳум улуғ устозларимизнинг хизматлари бекиёсдир. Юз йиллар ўтгандан сўнг ҳам бу мерос янги-янги тўлдирилган ижролар билан сайқалланиб бораверади, халқимизнинг муқаддас маонавий бойлиги бўлиб қолаверади. Инсоният маонавий тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири шуки, инсон камолотга эришиб боргани сайин санъатнинг яратувчан қудратини тобора чуқурроқ хис эта бошлайди. Санъаткорнинг жамиятда тутган ўрни, ахлоқи ва санъатга бўлган муносабати жамият маонавий салоҳиятининг ўзига хос мезони сифатида баҳоланиши бежиз эмасдир.

Мустақиллик йилларида маонавий қадриятларимизнинг тикланиши, мусиқий маданиятимизни янги босқичга олиб чиқишда, ўтган улуғ устозларимизнинг ижоди ва фаолиятини, уларнинг ўзига хос ва бетакрор ижрочилик маҳоратини хар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш учун катта имкониятлар яратди. Халқимизнинг бадий-эстетик маданияти, жумладан, мусиқий маданияти тарихида ўчмас из қолдирган хар бир санъаткор, ҳеч шубҳасиз, ўзи яшаган давр руҳини, муҳлисларнинг эстетик диди, маонавий эҳтиёжлари ва салоҳиятини ўзида тўла мужассамлаштирган, ўз асарлари билан замондошларининг маонавий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилган.

Мустақиллик мафкурасини яратишда, унинг бош бўғини бўлмиш маонавий маданиятни ёшлар ўртасида тарғиб этишда мусиқий маданиятимиз дурдоналарини ва унинг ривожига салмоқли хисса қўшган буюк санъаткорлар ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш катта тарбиявий ва маорифий аҳамиятга эгадир.

Хуллас, мамлакатимизда комил инсон шахсини шакллантириш давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланган ҳозирги шароитда маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган муסיқий маданиятимизнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, муסיқа, қўшиқ ҳар доим халқимизнинг жон озиғи бўлиб келган. Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом санъатни «Одамларнинг тенг ярми юраги жони» деб таорифлаганда ёки севимли шоирамиз Саида Зунуннова муסיқа санъатининг тарихий ҳақиқатни ифодалашда катта имкониятга эга эканлигини таъкидлаб:

*Тарихдан сўйлама, менга, эй одам,
Битта чалиб бергин «Чўли Ироқ»ни –*

деганда қанчалар ҳақ эди!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.
2. И.А.Каримов. Ватан саждагох каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. И.А.Каримов. Асарлар. 6- жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998.
4. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т., «Ўзбекистон», 1992.
5. Т.Махмудов. Мустақиллик ва маънавият. Т., «Шарқ», 2001.
6. Муаллифлар гуруҳи. «Ўзбекистон санъати». Т., «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2001.
7. А.Жабборов, А. Бойқўзиев. Ўзбекнаво: устозлар, юлдузлар, шогирдлар. Т., «Чўлпон» нашриёти, 2000.
8. А.Жўраев. Юрак бўронлари. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.
9. Муаллифлар гуруҳи. Маданиятшунослик. Фарғона, 1997.
10. М.Абдуллаев. Маданиятшунослик асослари. Фарғона, 1997.
11. О.Умаржонов. Жаҳон динлари. Фарғона, 2001.
12. Р.Юнусов. Истиқлол мафқураси ва мусикий жараён. Т., 2002.
13. Р.Абдуллаев. Миллий истиқлол ва мусиқа. Т., 2002.
14. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Мухаммади. Т., 1989.
15. Р.Турсунов. Ашула ва рақс ансамбли билан ишлаш услубиёти. Т., 2002.
16. Б.Ахмедов. Амир Темур. Т., 1994.
17. И.Ражабов. Мақом асослари. Т., 1992.
18. Ю.Ражабий. Мусиқа меросимизга бир назар. Т., 1978.
19. Ю.Ражабий, И. Акбаров. Ўзбек халқ музыкаси. II-III- томлар. Т., Бадиий - адабиёт нашриёти. 1957, 1959.
20. Комил Аваз. Олис оханглар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.Т., 1997.
21. Мусиқа ижодиёти масалалари. Мақолалар тўплами. Т. «Янги аср авлоди», 2002.
22. И.Аkbаров. Мусиқа луғати. Т., «Ўқитувчи», 1997.
23. А.Одилов. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1995.
24. С.Маннопов. Сўнмас наволар. Фарғона, 2003.

25. С.Маннопов. Олий ва ўрта махсус билим юртлирининг санъат бўлимлари учун миллий аноанавий кўшиқчилик ихтисосидан қўлланма - дастур. Фарғона, 1994.
26. Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистон халқ созандалари Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент - 1974
27. М.Рахмонов. Ўзбек театри қадимий замонлардан XVIII асрга қадар «Фан» нашриёти. Тошкент 1975
28. С.Х.Йўлдошева Ўзбекистонда музика тарбияси ва таолимининг ривожланиши. «Ўқитувчи нашриёти» Тошкент 1989.
29. Т.Жалилов. Кўшиқлар гулдастаси Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент 1989
30. Б.Насриддинов. Сахна жилolari. Тошкент 1985
31. М.Ахмедов. Юнус Ражабий. Ғ. Ғулом нашриёти 1980
32. И.Акбаров. Тўхтасин Жалилов. Ғ. Ғулом нашриёти 1978
33. Ф.Зоҳидов. Комилжон Отаниёзов. Ғ. Ғулом нашриёти 1980
34. Б.Насриддинов. Тўйчи Хофиз. Ғ.Ғулом нашриёти 1971
35. Э.Қориниёзова.М. Қори Ёқубов. Ғ.Ғулом нашриёти 1968
36. Хоразм мақомлари. III -жилд. Тошкент 1986й.
37. Хоразм мақомлари I-жилд. Тошкент. 1982й.
38. К.Азимов. Ўзбекистон дирижёрлари. Тошкент 2001
39. Р.Турсунов.Халқ музика ижодиёти ва адабиёти Тошкент 2003.
40. Р.Турсунов. С. Маннопов. Аноанавий кўшиқ ижрочилиги услубиёти. Ижод дунёси нашриёти 2003.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
-------------	---

I боб.

Маданият тушунчаси, мазмуни ва моҳияти	5
Муסיқа маданияти ва унинг маонавий ҳаётдаги ўрни	11
Ўзбек халқининг муסיқа мероси тарихига назар	19

II боб.

Мақом асослари	36
Ўн икки мақом	37
Шашмақом	39
Бузрук мақоми	42
Рост мақоми	44
Наво мақоми	47
Дугоҳ мақоми	50
Сегоҳ мақоми	53
Ироқ мақоми	56
Хоразм мақомлари	59
Фарғона-Тошкент мақом йўллари	75
Ўзбек халқининг дostonчилик санъати	79
Миллий муסיқамизнинг таосирчанлик хусусиятлари	82

III боб.

Муסיқа маданиятимиз намояндалари	89
Комил Хоразмий	89
Ота Жалолиддин Назиров	90
Хожи Абдулазиз Абдурасулов	91
Мулла Тўйчи Тошмухаммедов	92
Мадали хофиз Рахматилло ўғли	93
Уста Олим Комилов	94
Домла Халим Ибодов	97
Муҳиддин Қори Ёқубов	98
Тўхтасин Жалилов	100
Юнус Ражабий	102
Жўрахон Султонов	104
Маомуржон Узоқов	106
Тамарахоним	108
Муҳтор Ашрафий	109

Халима Носирова	111
Мутал Бурхонов.....	113
Комилжон Отаниёзов.....	115
Фаттоххон Мамадалиев	116
Матниёз Юсупов	118
Таваккал Қодиров.....	119
Исхоқ Ражабов	121
Ботир Зокиров.....	123
Рустам Абдуллаев	126
Абдухошим Исмоилов	127
IV боб.	
Миллий истиқлол ва профессионал мусиқа тараққиёти	130
Хулоса	140
Фойдаланилган адабиётлар	142

Илмий ўқув нашри

СУЛТОНАЛИ МАННОПОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

(ўқув қўлланма)

Нашир учун масоул

З.Рахимов, филология фанлари номзоди

Мухаррир

Қ.Рўзматзода, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Компьютер макети

И. Зокиров

ISBN 5-633-00222-9

ИБ № 3912

Теришга берилди 17.09.2004. Босишга рухсат этилди 28.09.2004 й. Қоғоз
бичими 1/16. Шартли босма табоғи: 8,0.

Нашриёт хисоб тобоғи: 9,2. Адади 1000. Буюртма 45.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази,
Тошкент, Қатортол кўчаси, 60-уй.